

ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ

ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАР

ШЕЪР ВА ЭРТАКЛАР



Табиат алифбеси

III китоб

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «ЕШ ГВАРДИЯ» нашриёти
Тошкент — 1977.



© Издательство «Еш гвардия», 1977

ЭЙ, ШЕЪРИМ

Эй, шеърим, шеъримжон, ширинжоним,
Она сўзим, ота сўзим, меҳру-қоним.
Сенга айтар юрагимдан сўзим бор,
Сўзим ичра меҳри олам ўзим бор.
Шеържоним, Ер шарини минбар қил!
Эшитгани мафтун этиб, дилбар қил,
Алишер бобом сўзларидай ҳиммат қил.
Огам Пушкин шеърларидай хизмат қил,
Жаҳонлардан-жаҳонларга овоз қил,
Буюк Горький сўзларидай парвоз қил.
Шеърим, сени бир одам деб биламан,
Мазмун, фикринг кенг олам деб биламан!
Сен билан мен доим бирга юраман,
Сўз ичингда юрак, жонинг бўламан,
Партиямга бор кучимни бераман,
Шоир-шеърлик ўз бурчимни биламан,
Пешона тер тўкиб, шеър бино қураман,
Шеърини шаҳар, шеърини дунё қураман.
Орзу талаб довонидан ош, дейман,
Сахийликда бўл ҳаво, қуёш, дейман,
Халқ ишига бўлгин кўзу қош, дейман,
Улкан дарё бўлиб қайнаб тош, дейман,
Юрак сўзим айтдим, эшит, эй, шеърим.
Юрак созим чертдим эшит эй, шеърим.
Ҳаётимнинг мазмунисан энг ширик!
Шеържоним, Ер шарини минбар қил,
Эшитганин мафтун эту дилбар қил!

ҚАНОТЛИ ДҮСТЛАР

Учиб келар ҳар ёқдан
қадрдон қушлар,
Кўчиб келар йироқдан
меҳрибон қушлар.
Соғинганмиз, келинлар,
кўзлари мунчоқ.
Учқур ботир зарғалдоқ,
куйчи қарқуноқ.
Тиниқ кўкда лайлақлар
ёзишар қанот,
Қалдиргоч, майнажонлар —
жажжи самолёт.
Халқа бўлиб, пастланиб,
қўнишар боққа.
Баъзилари далага,
баъзилар тоққа.
Қушжонларни олқишлар
пионер Дилшод.
Жонга ёқар мулоим
куйлари — новвот.
— Бормисиз, миттижонлар,
қайда қолдингиз?
Хумор қилиб талай вақт,
ўтди қадрингиз!
Кўрингиз, сиз келгунча
қилдик кўп ишлар.
Кундан-кунга гуриллар
бизнинг ўқишлар.
Мактабимиз майдонин
этдик янги боғ.
Бу боғчада сиз ва биз
яшаймиз қувноқ.
Ясаб қўйдик чиройли
шоҳларда инлар.
Ҳидласинлар деб эдик
ранг-баранг гуллар.
Биз ўқиймиз, сиз сайранг,
қўшиқчи қушлар.
Ҳашаротнинг зотини
қирувчи қушлар.

Богда концерт бошланар:
дирижёр лайлак,
Тумшуги қўш ногора,
чалар шўх «так-так»
Уйин тушди дикиллаб,
читтак шох ташлаб.
Авжга чиқди роса ҳам
учиб, ирғишлаб.
Булбул билан қалдирғоч
олди жўр найин.
Ку-ку-кулаб мусича
тортди сурнайин.
Қизилиштон осилиб
хивичда дорбоз.
Кўкка солиб аргимчоқ
учар турна, ғоз.
Масхарабоз полишак —
паровоз — «пуп-пуп»
Концерт жуда қизиди,
қушчалар тўп-тўп.
Учиб келар ҳар ёқдан
қадрдон қушлар.
Кўчиб келар йироқдан
меҳрибон қушлар.

3. III. 1949 й.

БУНИ ТОПИНГ БОЛАЛАР

Доим ёйиқ дастурхон,
Нозу неъматларга кон.
Жону жондорга макон,
Осмонга сиғмас улкан.
Ҳусни чаман боғ кўркам,
Буни топинг, болалар,
Қирида мўл лолалар!..

Бир ерда тинч туrolмас,
Тошиб, ҳайқириб толмас.
Одамга қулоқ солмас,
Томчиси олтин-олмос.
Учар кўкда ўрдак-ғоз,
Қишда оқ капалак, соз,
Буни топинг, ўртоқлар,
Боласидир булоқлар...

Жуда каттакон зонтик,
Ранг-баранг чаман кўм-кўк.
Миллион ўтовдан буюк,
Ер кифтида эмас, юк.
Ушлай десам, сопи йўқ,
Бу гапимнинг лофи йўқ.
Остида ҳамма одам
Сиғар унга кенг олам.
Йиғиб бўлмас уни, лекин,
Унга даста қилсак бу кун,
Тутсак уни сел ёққан кун...

Паҳлавон филлар қатор
Уялишиб турмай ётар.
Кун-гун бўлар, тонглар отар,
Булар эса тошдай қотар,
Кифтларида қўмлари¹ бор,
Қўмида юк конлари бор.
Юклари чўнг оғирмикин,
Веллари ё толдимикин?
Туrolмасдан чўкиб ётар,

¹ Қўм — туянинг эгари.

Минг-миллئون йил бўкиб ётар.
Буларни тез тургизайлик,
Тирик филдай юргизайлик.
Юкларини олайлик тез,
Халқ ишига солайлик тез.

Сон-саноқсиз қаламзор,
Столбадек силлиқ бари.
Шох-шаббасин йўнмоқ даркор,
Учин чиқазиб кўрсам бирин,
Ёгоч экан, қалами йўқ,
Ёзилганда алами йўқ.
Майли уста бўламан мен,
Уста Рустам бўламан мен.
Ундан қалам қиламан,
Ҳам қаламдон қиламан.
Ёзаман қўшиқ, шеърлар,
Рустам қалами дерлар.
Ажойиб кумуш камар
Ерда чўзилиб ётар.
Белга боғлаб олгим келди,
Ингиб ўраб олгим келди.
Бош-учига етолмадим,
Илмоғини тополмадим.

Кейин билсам, ер камари
Ялтирайди тилла-зари...

Дум, оёқсиз, қулоқсиз
Нор туялар саноқсиз.
Тизилишиб қатор-қатор
Бир учи тоққа етар;
Буларга биз оёқ-дум
Ясашиб минсакмикин?
Бирваракай ҳаммасин
Нор туялар қилсакмикин?
Бунга олим уста керак,
Эмас бу темир-терсак.

Жуда улкан сиёҳдон,
Нил сиёҳ тўла обдон.
Юқмади перо суқсам,

Унга мен сиёҳ солсам,
Яхши сиёҳ бўларди-ю,
Дарсхонамга қандай қилиб
Уни мен олиб қайтсам?..
Жуда катта дарвоза,
Ёмғир ёққанда пайдо!
Ҳусни товус ранг-баранг
Нақшига ҳамма шайдо.

Буни топинг, болалар,
Айтиб берманг, оналар!

ҚУШЛАР НЕГА ЕРГА БАҒРИН СУЙКАЛАР?

Қушлар осмонда учгани билан
Бари бир ерни жондек севишар.
Қанча осмонни қучгани билан
Охир қайтишиб ерга қўнишар.
Қўнишиб яна кўнгли тўлмайди,
Ерни эркалаб бағрин суйкашар.
Ҳатто тупроққа қоришиб кетиб
Қанот патларин суркаб силкишар.
Она ер жонига эркаланишар,
Тупроқни қучар, қувнар, яйрашар...
Бир замон меҳри қонгандай бўлиб,
Бутун вужуди ер кондай бўлиб
Туриб гоз адл силкинар роҳат
Паҳлавон ердан куч олар қат-қат.
Болалар, бу ҳам бизга дарс, ибрат.
Бу демак қушлар она ерига
Меҳри вафосин унутмайди ҳеч.
Ўзи осмонда, дарахт ошёни
Аммо хаёли ерда эрта-кеч.
Афсуски баъзан одам боласи
Ўзин йўқотган кўзи оласи,
Ота-онага қилмайди вафо
Сўзин тингламай этади жафо.

САЪВА САЙРАРКАН

Ҳой Саъва қуш, митти қуш,
Кел, энди ёнимга туш!
Қалин ўртоқ бўлайлик,
Шод қўшиқлар куйлайлик.
Қафасда сақламайман,
Эзгилаб қийнамайман.
Тузоқни барҳам этдим,
Дўстликни одат этдим.
Рогатка ҳам отмайман,
Қуш қалбин қонатмайман.
Богчамизга уя сол,
Бола очгин бемалол.
Эркин сайраб юрингиз,
Ёқимлидир куйингиз.
Саъва кулиб-чағчағлаб,
Хандон ташлаб қаҳ-қаҳлаб:
— Қўрқаман, — деди, — сендан,
Болалик шўхлигингдан.
Балки мени алдарсан,
Ушлаб олиб, қийнарсан.
Шу он: — Қиҳ, — деди Холча,
Учиб келди майнача.
Холча севиб дон берди,
Майнаси сайраб берди.
Буни кўрган Саъвача,
Уялиб қолди анча.
Холчага раҳмат айтиб,
У дарахтдан пир этиб,
Ўйноқлаб учиб тушди,
Холча эркалаб қучди.
Учов ўртоқ бўдилар,
Роҳат умр сурдилар.



БУЛБУЛ

Қушлар ҳофиз шоираси,
Йўқ дутор, доираси.
Номи экан булбулжон,
Булбулжонмас бўл-бўлжон,
Қўшиғи маза жонон.

БУЛБУЛ НИМА УЧУН САЙРАЙДИ?

Дейдиларки, булбулжон
Гул гунчасин севармиш,
Унга қўшиқ бағишлаб,
Таъриф-тавсиф этармиш.
Ғунчанинг очилмоғин
Интизор кутар эмиш.
Очилишин кўролмаё
Бир вақт мизғиб кетармиш.
Ғунча очилиб қолиб,
Булбул бўлармиш фиғон.
Мабодо кўриб қолса,
Умри тугармиш шу он.
Ҳақиқат шундаймикин,
Қани ўзим билай-чи?!
Атай кетига тушдим,
Ўз кўзим-ла кўрай-чи.
Ниҳоят билиб олдим,
Булбулжон сайрашини,
Тунларда ҳам талпиниб,
Чақчақлаб қайнашини.
Аслида булбулчам деб,
Сайрар экан жонивор.
Алла айтган онадек,
Минг ялла айтиб бедор.
Тухум ичида ётган
Боласин уйғотаркан.
Завқи-шавқин келтириб,
Ўрнидан қўзғатаркан.
Тухум пўчоғин ёриб,
Чиқаркан булбулчаси.
Жимжилоқдек ярғоқ гўшт,
Кўз очмаган ғунчаси.
Қўшиқ билан кўзини
Очар экан онаси.
Фармонбардор сайрашини,
Шоҳда булбул отаси.
Тинмасдан сайрашаркан,
Сайрамоқ касб-кори.
Булбулчам деб парвона,
Ўқиб меҳр ашъорин.

Булбулчалар қулогин,
Тўлдирар экан роса,
Не қилсин, булбулларнинг
Мактаблари бўлмаса,
Қўшиқ дарсин ўзлари
Атайлаб ўргатишар.
Энг гўзал нусхасини
Ўзлари кўрсатишар.
Кўклам, ёз гул боғлардан
Энг гўзал жойни танлаб.
Чаманзор орасига
Инларин қуриб шайлаб,
Булбулчалар хуш таъбли,
Хуш феълли бўлишсин дер,
Худди чаман ғунчадек,
Очилиб тўлишсин дер.
Ким билар тағин яна
Нималар дейишганин.
Ғунчадек булбулчасин,
Жони-дил севишганин
Ўз кўзим-ла кўргаиман.


6. IV. 1966 й.

БУЛБУЛ БИЛАН МАЙНА ҚИССАСИ

Бир замонда ҳамма қуш,
Номлари бир хил эмиш.
Кейин-кейин буларнинг
Номлари хил-хил бўлмиш.
Булбулжон жажжи экан,
Унча кўзга яқинмас,
Туси кул ранг, кўримсиз,
Ушоқ қушча, ёрқинмас.
Майнахон бутун бошқа
Парлари қора бахмал.
Қизил оёқ, қизил тумшуқ,
Бергандек тилла зарҳал.
Қомати ҳам келишган
На каттаю на кичик.
Мўъжаз, ўрта миёна,
Тиллари ширин, чучик.
Майнахон, булбулжоннинг
Ишлари қўшиқ экан.
Сайрашгани, сайрашган,
Гулларга ошиқ экан.
Айниқса булбулжоннинг
Қўшиғи гўзал экан.
Сайраганда боғларда,
Ҳаммадан ўзар экан.
Бутун олам қушлари
Булбулжонни севаркан.
Айтмай қолса бир нафас,
Ҳамма бўл-бўл деяркан.
Ушандан қушча номи
Булбул бўлиб қолибди.
Айтган сари очилиб
Булбулжон ном олибди.
Лекин гўзал Майнахон
Жуда ҳам танноз экан.
Булбулни чийқилдоқ деб,
Масхара қилар экан.
Афтинг хунук, кул ранг деб,
Тасқара қилар экан.
Бу феъли оламдаги
Ҳамма қушга ёқмабди.

Мақтанчоқ Майна қуш деб,
Қушиғига боқмабди.
Ушандан бери Майна
Майна деб ном олибди;
Исми жисмига монанд
Айнаи бұлиб қолибди,
Майна бұлиб қолибди.

14. V. 1964 и.




БУЛБУЛЖОН БИЛАН ЛАЙЛАКВОЙ

Лайлаквой булбулжонга
Ҳавас қилиб қолибди.
Ҳой жажжи қуш, буррожон,
Деб ёнига борибди.
Қўшигинг мунча ширин
Менга ҳам ўргат дебди.
Қўшиқ айтиш ҳунаринг
Менга ҳам кўрсат дебди,
Булбулжон майли дебди.
Ўргатсам ўргатайин
Аммо битта шартим бор,
Уни сизга айтайин.
Билиб олинг атайин:
Илк саҳарда турасиз
Кўп синоат кўрасиз.
Тонг завқини сурасиз,
Тонгда эриб куйлайман,
Тонг таърифин сўйлайман,
Ҳаммасини биласиз,
Жон қулоққа иласиз.
Лайлаквой шод бўлибди,
Кўнгли обод бўлибди.
Қилибди шартин қабул,
Хайр-маъзур қилиб булбул
Эртаси тонг отибди,
Лайлаквой донг қотибди.
Булбулжон эй, сайрабди,
Эшитганлар яйрабди.
Аммо гафлат лайлаквой
Кун чиққунча туролмай,
Булбул куйин тинглолмай,
Булбул сўзин билолмай,
Бир садо эшитганмиш,
Кўнглида пишитганмиш.
Тақиллаган у овоз
Қулсғига ёқиб соз,
Дилига қуйиб опти,
Завқланиб айтиб қопти.
У нимади десангиз,
Лайлак куйин билсангиз —

Саржинчининг тақ-туқи,
Лайлак куйи так-туки.
Айтармиш ҳанузгача.
Узин сезиб булбулча.
Тумшугини кўтариб,
Гўё кўкни тўнтариб,
Ноғора чалган каби,
Элга жар солган каби,
Элни сел қилган каби.
Шу сабабдан лайлаквой
Энг баландга қуриб жой
Оламга солар қулоқ,
Куйлар экан тумтароқ.

28. I. 1966 й.




БУЛБУЛЖОНИМ КУЙЛАСИН

(Нима учун булбул куйини ҳамма севади?)

Булбулжоним куйласин
Ёқар куйи жонимга.
Тинглагим келаверар
Сайраса гул боғимда,
Куйи ажиб ёқимли
Кўнглимга завқ бағишлар.
Ватаним чаманзорин
Булбулжоним олқишлар.
Тинглайман-у, қонмайман,
Қўшиғида не сир бор.
Жон қулоқлаб англайман,
Мағзин чақдим ҳар баҳор.
Мағзин чақдим ҳар наҳор:
Булбулжоним тўтидек
Бир гапни қайталамас,
Тобора авжга чиқар

Қайнайди-ю, айнамас.
Ҳамма қушнинг сайлаган
Шоир қуши, дилбари.
Унинг куйга солмаган
Дунёда куй йўқ бори.
Олам куйин жамулжам
Садоси авжи-савти,
Барчага тенг баравар,
Жаҳон куйин қомати.
Булбулжоним куйласин.
Куйи мақбул оламга.
Шу боис булбулжоним
Еқар ҳамма одамга,
Еқар ҳамма оламга.



БУЛБУЛЧА

Уйда китоб ўқирдим,
Булбул шўх сайраб қолди.
Деразамдан қарасам,
Девор, том оппоқ қор-ди.
Қирчиллама йигит қиш,
Гулзор, боғлар ялангоч.
Меҳмон қушлар келмаган,
Ҳатто йўқ-ку қалдирғоч.
Ажаб қизиқ, булбулжон
Мунча шошиб келибди?
Урганмаган совуққа
Қандай бардош берибди?
Е кетолмай қолганми
Бўлиб бирор ҳодиса?
Кўклам, гулни соғиниб,
Ажаб эмас сайраса!
Жониворни кўрай деб,
Атай турдим ўрнимдан.
Ҳовли-боққа ҳам чиқдим,
Ҳеч дарак йўқ булбулдан.
Кейин билсам қўшимиз
Ўгли Пўлатжон экан.
У мактаб саҳнасида
Булбулжон бўлган экан.

13. XII. 1958 й.

МЕН КЎРДИМ

Мен кўрдим сўз булбулин
Сўзнинг кўклам чаман гулин.
Булбулжондан ҳам зўрин,
Очилди тонгдай кўнглим.
Сўз булбулга қойил бўлдим,
Шу сабаб шоир бўлдим.
Мен кўрдим сўз мўғизин
Шохи бирмас, ўттизин.
Қайрилма гажак, эгиз,
Учи нақ ханжар бигиз.
Минг-минг чиён думида,
Заҳар-заққум бурнида.
Тагин у ҳўкиз деманг,
Буни асло дея кўрманг.
У жонивор бутун бошқа,
Тарғил, ола бел қашқа.
Шохи бор, озори йўқ,
Ҳеч кимга безори йўқ.
Аммо сўзнинг ҳўкизи
Кўзга кўринмас ўзи.
Бир огиздан чиқар у,
Бир ўртоқни йиқар у.
Кўксини қилар чил-чил
Дош беролмас унга фил.
Тўлганади бечора,
Унга айтинг не чора?
Шу он ётар булбулжон
Жароҳатга малҳамжон,
Дардига берар ором
Жароҳати битар тамом.
Сўз ҳўкизин ётар гумдон
Қиссадан ҳисса мана:
Тирилмасин шохдор яна,
Сўз ҳўкизин бўйни синсин:
Сўз булбул жавлон урсин.


6. XII. 1965 й.

ЕЗ — ДАМ ОЛИШГА СОЗ

Қуёш нури жимир-жимир,
Шамол эсар майин гир-гир.
Анҳор ариқ шарқирайди,
Осмон — шиша ярқирайди.
Ер ям-яшил ясанар,
Чаманзорда булбул сайрар.
Жўр бўлишар унга қушлар.
Ранго-ранг хил мева пишар.
Батан кел дер, ўгил-қизим,
Лагерь, боғда дам ол, қўзим.
Тоза ҳаво, тоза бол сув,
Қуёш нури гашт мазза-ку.
Тананг тоблаб, чиниқтиргин,
Нурни сувдай ич, шимиргин.
Анҳорларда шўнғиб чўмил,
Зар қумларга ўйнаб кўмил!
Қувлаб гўзал капалакни,
Кичкина гул чархпалакни.
Қувлашмачоқ ўйнагин шўх,
Аммо шуни ўйлагин, шўх.
Ушлама зар қанотини,
Вукма ипак қоматини.
Дўсти бўлгин қушчаларни.
Полопон гўшт, гунчаларни
Ел туширса инидан
Хабардор бўлгин ундан.
Сув, дон бериб ўстир, сақла,



Сен ўртоқлик бурчинг оқла.
Пионер, комсомол аканг.
Ургатгандек Ватан, ўлканг.
Чиқ тирмашиб тоғ чўққига,
Тик тоғларнинг қир учига.
Кичик сайёҳ байрогинг тик!
Тоғдан тоққа сакра, кийик.
Булоқ сувин ҳўпла қониб,
Коллекция тўпла таниб!
Урган она табиатни,
Гул баргдаги чизиқ хатни.
Урган бутун Ватан ерин,
Пасти-баланд ўрмон, қирин,
Дову дарахт ҳайвонларин,
Тош тупроғи, зар конларин.
Урган барин бошдан-оёқ,
Билиб олиб нақ беш бармоқ
Урганганинг халқингга бер,
Эй, билимдон, мард пионер!
Куч йиг, дам ол лагерь, боғда
Қор муз ўйна қорли тоғда.



МАЙНА

Сатанг қушча — майна қуш,
Чорбоғимда сайрар хуш.
Парлари қора бахмал
Бергандек тилло зарқал.
Ошаман дер булбулдан,
Майна ном олган шундан.



ҚАЛДИРҒОЧ

Одам дўсти қалдирғоч,
Кўзлари кулар қийғоч.
Бола очар кўклам-ёз,
Ини лой ой нусқа соз.

ҚАЛДИРҒОЧЛАР, ЧАРЧАЙДИМИ, ДАДА?

(Уғлим Шодмонжоннинг саволига жавоб)

Қалдирғочлар липиллаб учишар тинмас,
Гоҳ қўниб симёғочга, сайрар бир нафас.
Яна учиб кетади физиллаб қайга,
Ота-она қалдирғоч ўйнашиб пойга?!

Бири хас келтирар, бири эса лой,
Булар ҳозир қурмоқда боласига жой;
Инлари келишган ой нусха гўзал,
Устадек пукталаб, ўхшатиб безар.

Ини битгач, келтирар пахта, пар-юмшоқ
Сўнг қўяди устига тухумин шу чоғ;
Қўш қанотлаб онаси бағрига босар,
Ота бошда ёрдамчи, хизматда пар-пар.

Иккиси пайдар-пай очар боласин,
Боласига бағишлаб меҳр ҳавасин.
Сўнг излаб дала, боғдан озиқ келтирар,
Болалари инда кўзи мўлтиллер.

Ота-она қалдирғоч йўлини кутар,
Чиғиллашиб келтирган озиқни ютар.
Бири келса, бири кетар навбатма-навбат,
Бола боқиб ўстирмоқ осонми ҳеч вақт?
Боласин севгандан чарчаш билмайди,
То учирма қилгунча булар тинмайди.



ТИЛИНИ БИЛСАМ ЭДИ

(Эркин билан қалдирғоч)

Эркин дейди қалдирғоч,
Одамзоддан ажралмас,
Ҳаттоки уясин ҳам
Уймизга қўяр паст.
Узи чаққон забардаст
Вижир-вижир қўшигин
Куйлар ҳуркмай қозиқда.
Уз тилида нелар дер,
Қушлар тили қизиқ-да.

Айниқса қалдирғочим
Бийрон тил,
Қўғирмочим.
Қушлар тилин мактаби
Бўлганда ўқир эдим.
Ҳамма қушлар тилини
Билиб шеър, тўқир эдим.
Олам қушин тиллари
Не сабаб бир хил эмас?
Ҳар бирин ўзига хос,
Бир-биридан кам эмас.
Қалдирғочнинг тилини
Билганимда қўшигин,
Урганиб олар эдим
Қалдирғочнинг бор-йўгин.
Ўзи билан гаплашиб
Билар эдим дилини.
Ўзидан ўрганардим
Жониворнинг феълени,
Қўшигининг сирини.
Қиш куни қайга кетар
Ҳиндистонми, Африка?
У ёқда кўрганларин
Айтиб берарди доно!
Менга доим қалдирғоч
Бир нима демоқчидек.
Чигир-чигир сўалайди,
Мени жондай севгандай.
Мен ҳам уни жонимдек
Жуда яхши кўраман.
Бийрон гужир тилини
Ахир билиб оламан,
Дилга илиб оламан.

2. V. 1975 й.


ҚУШИМ БОШИ

Қушим боши ғунча,
Тумшуқ, қоши мунча.
Тана, пати хипча,
Оёқлари ипча,
Тирноқлари қилча.

— Топайми:

Мусича,
Зоғча,
Хўроз,
Ғоз,
Урдак,
Лайлак,
— Топмадинг,
Читгак!
Қитдек.

1953 й.



Т У М Ш У Қ

Нима учун ҳамма қушнинг
Баробармас тумшуғи.
Баъзи бири қармоқдай,
Нега керак қийшиғи?
Қушларнинг газандаси
Йиртқичи, ярамаси,
Юввошларин аямас,
Қон ичар заррандаси.
Бургут, қузғун, италги
Панжалари ханжардек.
Тумшуғига ўхшаган
Нафслари бузуқ жардек,
Қайрилма, эгри-бугри,
Қон қуяр йиртқич жаллод.
Дуч келган жониворни
Қон қақшатади сайёд.
Чайнамасдан югади
Бўридан ҳам ўтади.
Шунинг учун уларнинг
Тумшуқлари эгридир,
Кўзлари ола-кула.
Олғир ёвуз ўғридир.
Тумшуғи тўғрилари,
Ҳаммалари беозор.
Бизнинг қанотли дўстлар,
Ипакдек қанот ёзар.
Номлари ҳам чиройли,
Булбул, майна, қарқуноқ.
Саъва, читтак, зарғалдоқ,
Бири-бирдан гўзал,
Қирговулу тувалоқ.
Каклик, мошак, бедана,
Ейдилар дон седона.
Тўғри тумшуғи каби
Ўзлари ҳам безарар,
Боғ-даламиз ҳусни-кўрки,
Одам баҳрин ёзарлар.

БОҒБОН

Боғбон қари толини
Кесгали боққа кирди.
Безарар йиқмоқ учун
Узича режа қурди.
Бундай йиқсам олмамга
Беради катта зиён.
Бундай йиқсам қўшнимиз
Деворин қилар яксон.
Шу он дарахт шохида,
Пайдо бўлар икки қуш,
Учиб гир-гир парвона,
Чирқиллаб қилар хуруж.
Қараса, толда кўрди,
Шу қушлар уясини.
Чуқур хаёл эговлар
Боғбоннинг миясини.
Чумчуқнинг ҳам инини
Бузиб бўлмайди деган —
Халқ мақоли чинакам
Серҳикмат ўлмайдиган.
Уясин кўриб кесай,
Тухум, боласи бўлса.
Тагин жабр қилмайин,
Тўкилиб синса, ўлса.
Қарасаки, айтгандек,
Бор экан полопони.
Чийиллашиб қолишди
Қил қанот каттакони.
Бир ҳовуч гўшт ҳаммаси,
Онам деб чийиллашар,
Кесманг, кесманг, амаки —
Дебми гўё йиғлашар.
Қушчаларни қизганиб,
Боғбон кесмади толни.
Кўзим билан кўрганман,
Қишлоғимда бу ҳолни.

8. V I. 1949 й.

ЧИТТАК

Ток сўримиз бошига
Ия қўйган бир жуфт читтак,
Қушлар миттиси, гўзал,
Учқур, йўрга, югурдак.
Тутар ўзин озода,
Чумчуқдек бепарқ эмас.
Юрар ери майсазор
Парлари чивиқ атлас.
Чўмилиши ҳам қизиқ,
Силкиниб ювар парин.
Менинг қушча ўртоғим
Қадрдоним энг қалин.
Пашша, чивин кўринса,
Лип этиб қоқиб олар.
Чулдираб «чиғир-чиғир»
Куйлар, шўх ўйин солар.
Пашша, чивин биласиз,
Зарарқунанда ёмон.
Кўрсангиз ҳеч аяманг,
Улдилинг, қўйманг омон.
Тағин қушлар инини
Янглишиб бузиб юрманг.
Бола очсин, сайрасин,
Севинг-у, озор берманг!

ЧИТТАК НЕГА ҚИТДЕК?

Эмиш бир замон какку
Тухум бола очган-ку,
Ўстириб қарамаган,
Оғирига ярамаган.
Жўжасин ташлаб кетган,
Кўзини ёшлаб кетган.
Юракни ғашлаб кетган,
Бу ҳолни қушлар кўриб
Ҳаммаси хафа бўлиб,
Айниқса читтак қуши
Паришон хаёл-қуши,
Бу нима, деб какку иши
Кимга керак каккулаши?
Ачиниб жўжаларга,
Етим каккучаларга
Чиғ-чиғлаб раҳми келиб,
Боласидек меҳри эриб,
Тил учида берган дон
Парвонадек меҳрибон.
Ўзининг боласидек,
Тугишган онасидек
Асраганмиш бир кўзда,
Жон бағишлаб у кезде.
Кечиб ўз қузуридан,
Ҳаракатин зўридан
Куну тунини тинмасдан,
Дам олишни билмасдан
Роса чарчаб толганмиш,
Читтак бўлиб қолганмиш,
Қитдек бўлиб қолганмиш.
Ҳануз ҳам ўша-ўша,
Ўзгарилмас ҳаммиша.
Ешлиги ҳеч аримас,
Ҳаттоки у қаримас.
Куйди-пишди, жиғ-бийрон,
Чиғ-чиғлаб тили бийрон,
Серғайрат, ҳушёр, чаққон,
Катта-кичikka ёққан.
Бўлмаса, бир вақт улкан
Товусдек кўркам экан.

Қушларда-ку бу майли,
Одамларда бор ҳали.
Какку қуш каби беғам
Бағри тош, метин одам.
Фарзандига қарамас,
Бемеҳр, шум, ярамас.
Читтакча ҳиммати йўқ,
Каккудай танноз, қуруқ.
Шундайидан асрасин,
Одам каккуси қурсин!

16. XII. 1965 й.

ЧИТТАКЧАМНИНГ ХАЕЛИ

Читтакжоним зийрак қуш
Кўзи чақнар тийрак қуш.
Диққат-назар солсам мен,
Феълин пайқаб олсам мен.
Жонивор тунларда ҳам
Мизгир, уйғоқ, данг қотмас.
Оёқларин кўтариб,
Огоҳдир, гафлат эмас.
Агар осмон қуласа,
Ушлаб қоламан деркан.
Ер юзини офатдан
Сақлаб қоламан деркан.
Шунинг учун читтагим,
Уйноқ қушим қиттагим
Ер юзининг тинчлигин
Назарда сақлаб турар.
Гўё жажжи посбондек
Ер тузин оқлаб турар,
Буни билмай баъзилар
Уни янглиш таъбирлар.
Мақтанчоқ қуруқ қуш деб,
Қилар туҳмат-таъналар.
Йўқ, читтакчам зийрак қуш,
Кўзи чақнар тийрак қуш.



ЯНА ЧИТТАК ҚУШ ҲАҚИДА

Дикир-дикир ўйноқлаб
Читтак учар далага.
Мунчоқ кўзи милтиллаб
Тушар кўсак донага.
Кўсакчани олай деб
Читтак ҳаваси келди.
Беқасам тўн қилай деб
Учди, елди ва қўнди.
Кўсакни олиб дарров
Бувисига учибди.
«Чувиб беринг бувижон» —
Деб бўйнидан қучибди.
Бувиси, «хўп болам», — деб
Чувиб берибди юм-юм.
Читтакча хурсанд бўлиб
Раҳмат деб учар қуюн.

Пахтасин олиб шу зум
 Чигириқчига борибди.
 «Салом, чигириқчи хола,
 Мен сизга читтак бола.
 Чигириб беринг дарров,» —
 Хола шод айланай деб
 Чигириб берар гиз-гиз.
 Холага раҳмат айтиб
 Читтакча учар пиз-пиз.
 Физиллар савақчига
 «Салом, савақчи опа,
 Пахтамни саваб беринг,
 Озгина кўринг, мана.»
 «Хўп читтакча учқурим
 Мен савамай ким савар?»
 Читтак раҳмат дегунча
 Момиқдек пахта тайёр.
 Энди навбат чархчига,
 Читтакча парвоз этар.
 «Салом, чархчи, холажон!»
 Кўришиб қўлин ўпар.
 У ҳам сўзин қайтармас
 Йигириб берар гув-гув.
 Читтак раҳмат дегунча
 Калава ип битди-ку.
 Дукка ўраб берди-ку!
 Энди гал тўқувчига,
 Қўлтиқлаб калавасин —
 «Тўқиб беринг, аяжон,
 Матонинг энг сарасин».
 Уста тез тўқиб берар
 Мокисини ўйнатиб.
 Йўргалаб учар читтак,
 Устага таъзим айтиб.
 Читтак хурсанд пириллар,
 Учади чевар томон.
 «Тикиб беринг чиройли,
 Беқасам тўн, опажон».
 Читтак сўзин қайтармай
 Бичиб тикади чевар.
 Садаф тугма ўтқазиб,
 Читтакчага кийгизиб



Мимитни қучиб севар.
Читтак ботир севинар
Ярашдими кўрай деб,
Ойнага ҳам қаради,
Патларини таради,
Чигир-чигир чуғиллаб
Пахтазорга боради.
Деҳқонбой амакига
Севиб салом беради.
Таъзим билан эгилиб
Читтак узр сўради.
«Пахтакор амакижон
Мени кечиринг, билмай —
Бир кўсак пахтангиздан
У кун сиздан сўрамай,
Билмай олиб кетувдим.
Чувдириб ип маталаб
Ажойиб тўн этувдим.
Кийиб келдим атайлаб
Мана, кўринг устимда.
Сизга раҳмат айтай деб».
Пахтакор деҳқон ака,
Қойил қолди читтакка.
Кўсагимга розиман
Меҳмоним бўл қиттакча.
Уша кун меҳмон бўлиб
Ҳовлисида юрибди.
Деҳқонга зарар берар
Пашша чивин терибди.
Чиг-чиг қўшигин айтиб
Уйин тушиб берибди.
Деҳқонбой амакига
Қушча фарзанд бўлибди.
Ушандан бери ҳануз,
Одамзотдан ажралмас.
Ҳовлимизда ўйноқлаб
Одамдан олисламас.
Устидаги олача
Пар беқасам тўнчаси,
Кўсакчадек ўзи ҳам
Қушлар гули гунчаси,
Уйимиз юлдузчаси.

ЛАЙЛАКНИНГ ОЕҶ-ТУМШУҒИ НЕГА УЗУН?


Лайлак бобо ажойиб қуш,
Қад-қомати гўё оққуш.
Тумшугидан думигача
Тузилиши бир ўзгача.
Қаноти ола ёзиқ.
Тумшуғи олтин қозиқ.
Кўзлари гавҳар чироқ,
Унга яқиндир йироқ.
Қоматига яраша
Турмушлари томоша.
Яшайди кўлу сойда,
Бақаси кўп тўқайда.
У илонни севади,
Қувалаб завқ суради.
Тумшуғин қайчи қилиб,
Илон бошини қийиб,
Кўзларини ўяди,
Бурдалаб еб тўяди.
Боласига қўяди,
Жигилдонга уяди.
Илиниб лайлакчага,
Кўзлари ойнакчага,
Ушоқ қилиб беради,
Юмшоқ қилиб беради.
Унинг оёқ-тумшуги
Илон овига мосланган.
Оёги дароз бўлиб,
Тумшуғи олмосланган.

20. VI. 1965 й.

ЛАЙЛАК

Ажойиб қушдир лайлак,
Ногора чалар так-так.
Думи гўзал, бир тутам,
Қизиқдир юриши ҳам.
Оёғи узун-узун,
Ҳар ёнга тикар кўзин.
Емиши — илон, бақа,
Қўнмайди бизнинг боққа.
Чалса, бор ногораси,
Ногоралар сараси.
Ҳам ногора, ҳам қўшиқ,
Ҳам қўл, чўп-у ҳам тумшуқ.





ЛАЙЛАК НИМА УЧУН ТУМШУҒИНИ ТАҒИЛЛАТАДИ?

**Лайлакнинг оғзи бору аммо ҳеч овози йўқ,
Чалай деса сиз-биздек дутор, найи, сози йўқ.
Шунинг учун лайлакнинг тумшуғи ортиқ узун,
Тумшуғи билан лайлак гаплашар бутун сўзин.**

ЯНГИ НОМ ҚҰЙДИМ

(Сассиқпопишакни нега сассиқ дейишар?)

Қушчаларим ичида,
Уйнаб учар авжида
Савлатдор, гўзал жуда.
Гул тож жиға бошида

Кўклам гулим қошида,
Кўк майсазор тўшида.
Чопони гул беқасам,
Чаман қушча пайқасам.

Қуш ҳофизи пу-пулар
Тумшугида най қураар.
Томоқ сурнайин пуфлар,
Гоҳо бўлар карнайчи

Ва гоҳида ғижжакчи.
Ёз, наҳорим куйчиси.
Қушларнинг биринчиси.
Афсуски, номи хунук,

Сассиқ-унвони хунук.
Қушга келишмас доғ, юк
Сассиқ попишак нечук?
Нега бундай дейишар,

Айтсам кўнглим увишар.
Сабаб сассиқ бўлар-у,
Ҳусни чаман кулар-у
Попукжон ўзи айтсин

Сассиғлиги боисин?
Жониворжон ўксинар,
Пу-пу-пулар хўрсинар.

Айтолмай афсусланар,
Ўз номидан жирканар,
Уялиб ижирганар.
Номидан қилади ор,
Зўрға айтар жонивор.

Дейди, тинч яшаш учун,
Абадий яшнаш учун,
Бехатар турмуш учун,
Оламда туриш учун

Дўстимизга тансиқмиз.
Евимизга аччиқмиз
Жонига тиг санчигмиз.
Беозор қуш одилмиз,

Эл ишига қодирмиз.
Дов-дарахтнинг душмами,
Қора қурт қумирсқани
Йўлатмаймиз бог-роққа,

Қўндирмаймиз барг-шоққа.
Унг қўлимиз богбонни,
Биз ҳам қушча посбони
Дегандек жу-пуларкан

Уз номидан ухларкан.
Сўзломмай дудугларкан,
Ғам дарди сезиларкан,
Ичидан эзиларкан.

Мен дедим, попук қушим,
Қуш гўзалим, пок қушим,
Уч бемалол яйрайвер,
Уфқ қучиб ўйнайвер.

Гул богимда сайрайвер,
Ҳадикланмай яшайвер
Ошиён қуриб яшнайвер.
Ҳужум қилса душманинг —

Биз одам посбонинг.
Кўз қорадек сақлаймиз,
Доим сени ёқлаймиз,
Хизматингни оқлаймиз,

Попук қушим, попушак
Чамаи қушчам гул чечак.

Энди сассиқ демайман,
Тансиқлигинг билдим ман.
Қўйдим сенга янги от,
Попук қушим, ёй қанот.

24. VI. 1976 й.



ЗАРҒАЛДОҒ

Ұн бир, ұн икки ёшим,
Қушлар севган адашим.
Қуш боласин қидириб
Совиб қоларди ошим.
Қўшнимиз терагида,
Ин қўйганди зарғалдоқ.
Болалари чигирлар,
Олмоқ бўлдим мен бир чоқ.
Аmmo унинг уяси
Ингичка айри шохда.
Қўтарилдим дарахтга
Ўзим яккаман богда.
Юрагим така-пука,
Чиқар эканман баланд
Чағиллайди онаси
Учиб зорланиб ҳарчанд.
Шу чоқ келди огаси,
Иккови яккалашди.
Ҳужум қилди чўқишиб,
Бошимга тепкилашди.
Шошириб қўйди охир,
Бир лаҳза тинди кўзим.
Қўлларим толди, бирдан —
Ерга қуладим ўзим.
Бир вақт ҳушимга келиб,
Оқсаб, қайтдим изимга.
Пушаймонман ҳануз ҳам,
Ножўя қилмишимга.
Ҳозиргидек ҳали ҳам,
Қуш кўринар кўзимга.



ҚИЗИЛИШТОН

Боғма-боғ юрар тўқ-тўқ,
Тумшуғи нақ ханжар-ўқ.
Ҳашаротни қиради,
Дарбоз ўйин қуради.

ДОРБОЗ ҚУШНИ КҰРГАНМИСИЗ?

Қуш дорбозин кўрганмисиз?
Қуш парвозин кўрганмисиз?
Дарахтзор чакалақда,
Осилиб хивич шохда,
Уйноқ қушча чақчақлар,
Дарахтни кўздек сақлар.
Богбонга ёрдам атар,
Жажжи қушча — санитар.
Лекин оқ партуғи йўқ,
Дарахтма-дарахт тўқ-тўқ,
Тумшуғи нақ ханжар-ўқ.
Терар қурт-қумурсқани,
Дов-дарахтнинг посбони.
Қўли бўш эмас ишдан,
Дорбоз қуш — қизилиштон.



Қуддус Муҳаммадий кекса газалхон Ҳабибий ва Холислар билан суҳбатда.

У К К И

Қушлар қизиги укки,
Қайрилма тумшуқ дукки.
Кўзи ёнар оловдек,
Тунда ёнар офтобдек.
Каламушни ов қилар,
Текинхўрни даф қилар.




ҚАРЧИҒАЙ

Қарчиғай, ҳой, қарчиғай,
Қарашларинг аччиғ-ай.
Панжанг ўхшар занжирга,
Тирноқларинг ханжарга.
Важоқатинг ўзгача,
Шижоатинг зўр мунча?
Қарчиғай, ҳой, қарчиғай,
Қарашларинг аччиғ-ай.

ҚАРЧИҒАЙ ИН ҚҰЯРКАН

Қишлоғимиз бурчида
Усган уч туп қайрағоч.
Шохлаб кетган тик, балайд
Осмонга ёйиб қулоч.
Қайрағочлар шохига
Қарчиғай ин қўяди.
У ҳам болам-чақам деб
Пар-пар учиб қўнади.
Эрта саҳардан туриб
Ишларкан эру хотин,
Чаққонликда буларга
Етолмас экан лочин.
Қайрағоч шокларини
Тумшуги-ла кесарди.
Маҳкам тишлаб, чангаллаб
Инига етказарди.
Мен эса рўпарада
Қараб тураман унга.
У эса писанд қилмас
Назар ҳам солмас менга.
Бемалол ўз ишида
Давом этар айнамай,
Ишларди бир зайилда
Ҳеч бир ёққа қарамай.
Одам шарпасин сезса
Қуш боласи ҳуркарди.
Қарчиғай қуш эмасми,
Нима учун ҳуркмади?



КАПТАРИМ ДЕЙДИ ҒУВ-ҒУВ

Каптарим дейди ғув-ғув,
Ғув-ғувлаб нима дер у?
Каптаримнинг сўзи бу,
Каптар сўзи қизиг-у!
Ғуғ-ғув дегани ўқув,
Уқувга керак уқув.
Каптар мактаби йўғ-у,
Китоб-дафтари йўғ-у.
Ғув-ғув сўзи — мактаби,
Дафтар, қалам, китоби.
Уни ўқиб дер ғув-ғув,
Ғув-ғувнинг маъноси шу.

23. VI. 1962 й.



ТЎЛҚИНЖОН БИЛАН ТЎРҒАЙ

Канал ёқалаб бир кун,
Йўлда борарди Тўлқин.
Кўради тўрғай учар.
Кўкни қанотлаб қучар.
Баланд учар интилиб,
Қанотин ёйиб лип-лип.

Юлдузга етмай бирдан,
Юмаларди кўк қирдан.
У яна учар эди,
Осмонни қучар эди.
Тўлқин дер: — Тўхта, тўрғай,
Биздан ўрган учишни.
Самолётда лочиндек,
Кўкка чиқиб тушишни.
Мен яқинда, тўрғайжон,
Катта уста бўламан.
Бир самолёт ясайман,
Осмонда чарх ураман.
Қанотида мен сени
Ой, марсгача етказай.
Кенг осмонни кездириб,
Юлдуздан ҳам ўтказай.
Ҳозирча ўқувчиман,
Қатнайман тўгаракка.
Моделчи дўстларим кўп
Эмасмиз сендай якка.
Биз қай ишга қўл урсак,
Бўлдирамиз кўплашиб.
Тўрғайжон, шод этамиз
Сени ҳар вақт қўллашиб.
Тўрғай чигирлаб дейди:
— Тўлқинжон, сенга раҳмат!
Силкиниб дам олади,
Кўз қири кўкда ҳар вақт.

1952 й.

КАККУ

Нима экан бу қуш номи?
Севар тўқай, ўрмонни.
Қушиқ айтаркан как-ку,
Шу сабадан номи Какку.



КАККУ ҚУШ НИМА УЧУН КАККУЛАЙДИ? (М. Алимбоевдан)

Саёҳатлаб бир ўғилча ёз чорғида,
Бир қуш кўрди Олатогнинг чорбоғида.
Какку қуш шохдан-шоҳга учар пар-пар,
«Какку» деган битта сўзни қилар такрор.
Ҳайрон бўлиб бола борди қуш ёнига.
Савол берди севиб какку қушжонига:
— Айт-чи, нечун битта сўзни қайтарасан,
Янгисини нечун топиб айтолмайсан?
— Мен ҳам бир вақт ўзинг каби бола эдим,
Уйинқароқ, кўзалари шўх ола эдим.
Ўқишга ҳам бўйним сира ёр бермасди,
Қуш боланинг мактаби ҳам бўлмас эди.

Уқиш-ёзиш нималигин кўрмаганман,
Дўстларимнинг сўзларига кирмаганман.
Булбул, саъва қўшиқларин ўрганмадим,
Шу сабабдан ўсиб сира ўзгармадим.
Қуруқ какку бўлиб қолдим ўқимасдан,
Ўқиганим уқиб, дилдан тўқимасдан.
Шу сабабдан фақат «какку» демак ишим,
Гишт қолипдан кўчиб, кирди ақлу ҳушим.
Янги бир сўз айтсам дейман, интиламан,
Энди тилим қотиб қолган, тутиламан.
Айтай десам тагин ўша «какку» такрор,
Янги сўзни айтолмасдан бўламан зор.
Хатто номим «Какку» бўлган шунинг учун,
«Какку» сўзин маъносида гап кўп, тушун.
Какку сўзи таъсир қилиб, бола бирдан
Китобини очиб ўқир жони дилдан.





СУТОҚ ҚУШ


Дерлар бир қуш бор эмиш,
Ҳамиша сут оқ дермиш.
Кўнгли сутдек оппоқ эмиш,
Кўнгли шўх, қувноқ эмиш.
Оққуш каби пок эмиш
Олам бўйлаб кезармиш,
Ким не қилса сезармиш.
Вир замон сутчи хотин
Олтинга бўлиб мафтун
Элга сут сотар экан,
Сутга сув қотар экан,
Олтинга ботар экан.
Буни кўриб сутоқ қуш
(Бу воқеа ёқмай хуш)
Тилга кириб сўзлабди,
Сут оқ-ку, деб бўзлабди.
Ҳануз ҳам сут оқ дермиш,
Сутга сув ноҳақ дермиш.
Уни кўрган одамлар,
Уни билган одамлар
Уни севиб ардоқлар.
Дейишаркан сутоқ қуш,
Ҳушёр, зийрак, энг пок қуш.
Шундан бери бу қушча —
Қуш гўзали юлдузча,
Сутоқ қуш бўлиб қопти,
Сут пок қуш бўлиб қопти.

22. II. 1966 й.

ҚУШЛАР ҚИШДА ҚАЙДА ҚҰНОҚЛАР?

Кўп қушларнинг қишда ётар ини йўқ,
Патдан бошқа кўйлак-костюм, тўни йўқ.
Бир хили очиқ дарахт шохларида қўноқлар,
Қор-бўронда, сел, ёмғирда қувноқлар —
Совуқ элтиб, музлаб, тўнғиб қолмасми?
Ё уларнинг жони қаттиқ олмосми?
Йўқ, қушларнинг хиллари кўп ажойиб,
Иссиқ ёққа кетишар қанот ёйиб,
Қолганлари совуқ-муздан қўрқмайди,
Патларига қору ёмғир юқмайди.
Қушчалар ҳам спорт қилар ўйнашиб,
Қарға, зағча қорларга думалашиб.
Чумчуқчалар пир-пир учар диконглаб,
Бўрондан ҳам қўрқишмайди ликонглаб.
Аммо шуни, болажонлар, унутманг,
Қор ёққанда қушлар ҳоли бўлар танг.
Бари шошиб, дон излашиб қолишар,
Чирқиллашиб учиб-қўниб нолишар.
Ушанда сиз қушларга ёрдам беринг,
Увоқ сепинг, уларга инлар қуринг.
Раҳмат айтиб, чиғиллаб сайраб берар,
Қанот қоқиб, осмонда ўйнаб берар.

1 2. I. 1 9 5 9 й.





ТОНГДА

Чумчуқ, читтак чирқиллашиб
Тонг юзини очганда,
Чимён тоғнинг қир учида,
Қуёш нури ўйнайди.
Юмшоқ шамол кенг далага,
Ўйнаб-ўйнаб оққанда,
Оқ чечаклар чехрасига
Марвариддан хол қўйди.

1. IV. 1939 й.


ЧУМЧУҚ САЙРАРКАН

Бўғотда сайрар чумчуқ,
Куйи битта чиқ-чириқ.
Чиқ-чириқлаб куйлайди,
Доим қорнин ўйлайди.
Бунда бўлак иши йўқ,
Беғам қуш, ташвиши йўқ,
Меҳнатга ҳеч ҳуши йўқ.
Номи шу сабаб чумчуқ.

Ч У М Ч У Қ

(С. Шушкевичдан)

Чумчуқ титрайди жунжиб,
Ўзидан ўзи чўчиб:
Яқинлашиб қолди қиш,
Керак юмшоқ ин қуриш,
Чиқ-чиқ, чириқ-чириқ.
Ҳай, ҳай, совуқ изғириқ.
Пар тўним иссиқ амас,
Ёмғир-қорга дош бермас.
Қаҳратон қиш қақшатар
Эй, куним қандай ўтар?
Чиқ-чириқ, чиқ-чириқ, чириқ,
Ҳай, ҳай, совуқ изғириқ.



ЧУМЧУҚВОЙ БИЛАН САДАРАЙҲОН

Эрта кўклам уйимга
Садарайҳон экувдим,
Чумчуқвой ўстирмади,
Унга кўзим тижувдим.
Олғир, хира, касофат,
Райҳоннинг кушандаси
Инига ташир экан.
Уясин ич-тошини
Райҳон қўшиб ишларкан,
Майин хас, юмшоқ парлар
Ҳатто гива пахтадан
Уясин пар тўшакдек
Кенгайтириб пухталаб,
Райҳонни чирмаштириб
Болам ҳидласин дерми?
У ёғини билмайман
Балки райҳонни ерми?
Вундоқ теран ўйласам
Жон қадрин чумчуқча ҳам
Одамдек билар экан,
Муғамбир чирқ-чирқча ҳам.

ЧУМЧУҚДАН ГАП ЭШИТМАК УЯТ ЭМАСМИ?

Бир ялқов билан анқов
Топишиб ҳасратлашди.
Ялқов деди анқовга :
Имтиҳон яқинлашди.
Баҳойинг қалай, ўртоқ?
Анқов тили гулдуллаб,
Деди: — Дарсларим чатоқ!
Бўлмаепти ҳеч бутлаб.
Уст-устига тахланиб
Қолибди-ку, сезмабман.
Кўзим очилди бу кун.
Энди қувиб тезлабман.
Амаллаб ўтиб олсам,
Марра эди меники.
Ялқовдан сўрар анқов :
— Хўш, қалай ўзингники?
«Бирпас туриб», «эртага»
Сўзлари йигилишиб,
Мени ҳам еди, дўстим.
Иккиси бўгилишиб,
Қилишар экан ҳасрат.
Буларнинг сўзин толда —
Тинглар экан бир чумчуқ :
— Эшитинглар мендан ҳам,
Бир шингил сўзлай, «чирқ-чирқ».
Отилган ўқ ҳеч маҳал
Урнига келадими?
Утган ишга пушаймон
Қилсангиз бўладими?
Бу сизга каттакон дарс,
Бундан кейин адашманг!
Ҳасрат ўрнида ғайрат
Қилиб сира бўшашманг!
Босинг қадамни дадил,
Мактабга тедроқ беринг!
Дарсларни эзиб ичинг,
Китобни қўлга олинг!
Ана шунда «икки», «уч»
Иўламайди сизга ҳеч,

Ана шунда «тўрт» ва «беш»
Кетмас нари сиздан ҳеч, —
Деб шошиб, хас қидириб,
Пир этиб учиб кетди.
Туш кўриб уйгонгандек
Ялқовлар чўчиб кетди.



ЗАҒИЗҒОН

Қишлоқ чети чангалзорда
Яшар эди талай қарга.
Не топсалар қағ-қағлашиб
Ваҳам кўриб ини-оға.
Бир кун булар орасига
Бир зағизғон келиб кирди.
Қарғаларнинг топганига
Ул ҳам шерик бўлиб юрди.
Зағизғоннинг қаргаларга
Ухшаб кетар туси бир оз.
«Думим ортиқ сизлардан» деб
Кериларди кўкраги ғоз.
Ин ҳам солди, тухум босди,
Сигмай қолди думи инга.
Қарғаларга сир бой бермай
Етолмайсиз деркан менга.
Ҳаммангиздан бўлакчаман,
Думим, ҳусним ҳам савлатим.
Дунёдаги бари қушдан
Ортиқлигим бахт-давлатим.
У ялтироқ нарсаларни
Қайда кўрса қўймас эди,
Ойна қилиб, ўша билан
Дум кўрмакка тўймас эди.
Ошхонадан олди ана,
Кумуш қошиқ у ўғирлаб,
Думин буриб кўрай деса,
Тушиб кетди-ку ғириллаб.
Ошпаз кўриб қичқиради,
Қарга қошиқ ўғриси деб,
Халқ эшитиб йиғилади
Қарғанинг йўқ тўғриси деб,
Таёқ билан инларини
Уша куни бузишипти.
Қарғалар-чи қичқиришиб,
«Бизмас», «йўқ-йўқ» дейишипти.
Минг зағизғон десалар ҳам
Тингламапти бирон одам.
Қағиллашиб қолишипти,
Тўдалашиб, тутиб мотам.



Сўнгра булар арз этгали
Арслон мардга бориптилар.
Юракдаги хасратларин
Бирма-бирлаб ёриптилар:
•Чангал аро яшар эдик,
Биз қаргалар аҳил, тўғри.
Орамизга келиб кирди
Бир зағизғон деган ўғри.
Унинг туси ўхшар бизга,
Қолиб кетдик жатига кўп.
У деб бизни халқлар келиб,
Уйимизни буздилар хўп».
Арслон деди: «Шошманг, майли,

Уни оққа бўяб қўяй.
Ана сизга ўхшамайди,
Мен кўзини бошлаб ўяй».
Оқ каптарлар хафа бўпти:
«Бизга келса не қиламиз,
Ўғри агар оқ бўлса-чи,
Норозилик билдирамиз».
Арслон депти: «Хўп бўлмасам,
Турли рангда берай бўёқ.
Ҳеч бир қушга ўхшамасин,
Гунгурт қора, зангор ҳам оқ».
Шундан бери олаҳакка
Аниқ экан қашқа отдек.
Жилват, пастқам чангалзорда
Юрар писиб ўғри, ётдек.



ОЛА ҲАККАНИНГ ҚУРҒОНИ

(С. Шушкевичдан)

Учар пар-пар олаҳакка,
Дарахтзор, чакалакда.
Қунар ўйнаб бутуққа,
Аланглайди ҳар ёққа.
— Қани болта ҳам арра,
Ҳа, ўзимда бор сара.
Ажойиб бино қурай,
Унда гашт қилиб турай.
Олти қават хонаси

Тевада шийпончаси.
Ойнаси ўн жуфт, гўзал,
Нақшинкор уйлар афзал.
Эшиги тоққа қарар,
Айвони боққа қарар.
Уй ёнида балкони,
Кўкка тегар мўркони,
Лифт нарвонлар қураман,
Мўрча-ванна қиламан.
Қураман газ печкалар,
Пиширай пирожкалар.
Лаззатли қуймоқ қилай,
Устига қаймоқ қуяй.
Қилай шовла, ширгуруч,
Кам-кўсти бўлмасин ҳеч.
Юзлаб лаганга сузай,
Катта дастурхон тузай.
Чақирай болаларни,
Меҳмон қилай уларни.
— Олинг қани, болалар!
Севиклигим лолалар.
Олаверинг тортинмай,
Уялиб тез артинмай.
Бизнинг уй — меҳмондўст уй,
Сўйдим сизга эчки, қўй.
Мақтанар ола ҳакка,
Ҳимматда гўё якка.
Чалар эди тар-тарак,
Иморатдан йўқ дарак.



ҲАККАВОЙНИНГ ХОМ ХАЕЛИ

Нафси карнай ола ҳакка
Ўқинибди ўз-ўзидан,
Кўнгли тўлмай диққат бўпти,
Думин ортиқ узунидан.
Патларим ҳам ола-була,
Тумшуқ оғзим катта эмас.
Чўқимай ютолмайман,
Лоақал бир қурт сиғмас.
Оёғим ҳам жуда калта,
Туяқушдек чополмасам.
Қанотим ҳам бўшанг латта,
Бургут каби учолмасам,
Ҳеч бўлмаса бойқуш каби,
Тунда овлаб кезолмаоам.
Ўрдак, ғоздек дарё, кўлда,
Балиқ тутиб сузолмасам.
Қачонгача чангалзорда,
Беркиниб юраман ман.
Энди ҳакка бўлмайман,
Ҳакка лочин бўламан ман.
Совуқ сувга тумшуқ урмай,
Емакка ҳам бўйним чўзмай,
Топиб олай осон бир иш.
Учиб пар-пар ёз, кузу қиш,
Даври-даврон сурай бирам,
Қадам босай ўлчаб там-там.
Бунинг учун албатта мен
Қиёфамни ўзгартаман.
Бозор бориб ҳаммасини
Янгилайман, тузатаман, —
Деб ҳаккавой борар бозор,
Патин тараб, қанот ёзар.
Харидорни кутар узоқ,
Бозор касод бўлди бироқ,
Ҳамма ҳам банд ўз ишида,
Ҳакка йўлнинг муюлишида.
Ўткинчилар солмас назар,
Гўё ундан қилар ҳазар.
Ахир зеркиб ўзи ҳайрон,
Жовдир-жовдир кўзи ҳар ён.
Бир ўткинчи бобога дер:




— Қанот сотай, ол, бобо! — дер,
Бобо деди: — Йўқ, ҳақкавой,
Менга қанот керак эмас.
Ер юзида юрмоқ учун
Оёқ-қўлим сог бўлса бас.
Учгим келса темир қанот
Бордир менинг пўлат қушим.
Сендан чаққон, сендан баланд
Мумкин менинг тез учишим.
— Кел бўлмаса тумшуғим ол,
Ё бўлмаса думимни ол.
— Тумшуғинг ҳам керак эмас,
Ўз оғзимга тенг келолмас.
Думинг эса ётдир менга,
Думсиз яшаш одат менга,
Савдонгни ҳам мен билмайман,
Алдаб текин нон емайман.
Меҳнатим бор етади бас,
Ҳеч нарсадан мен кам эмас.
Гап қисқаси, ўтмай қопти
Ҳақкавойнинг шум хаёли.
Меҳнат, касбни ким севмаса,
Ҳақкавойдек бўлур ҳоли.



ҲАККА НЕГА ҲАДИКСИРАР?

Ҳаккавой ола-була,
Кўзлари ола-кула.
Пастқамликда учар доим,
Уз-ўзидан чўчир доим.
Бир чўқиб, тўққиз қарар,
Қачон кўрсам беқарор.
Ҳатто соя думидан
Бад олиб учар бирдан.
Ҳакка нега хавотир?
Ҳакка бўларми ботир?
Ўғирлигин ташласа,
Тўғри бўлиб яшаса,
Ҳакка сира ҳуркмайди,
Ҳадиксираб қўрқмайди.
Бўлади ҳакка ботир,
Бўлмайди ҳеч хавотир.





ОЛА ҲАККА ОҒЗИДАН ТУҒАР ЭМИШ

Ҳеч бир қуш, ҳеч бир ҳайвон
Оғзидан туққан эмас.
Бу сўзга ишонмайман,
Бу сира бўлган эмас.
Энг чиройли ҳакка қуш
Оғзидан туғса ажаб.
Иўқ, асло мумкин эмас,
Бўлса керак бирор гап.
Дарров буни текшириб,
Анигин билиб олдик.
Ҳаккавой ўғри экан,

Биз ҳайрон бўлиб қолдик.
Доҳқонларнинг қуртини,
Қушларнинг тухумини
Олиб қочар инига,
Бир киши кўриб буни,
Ола ҳакка оғзидан
Турди, деб халққа ёйган,
Унинг шаъни — номига,
Бу доғ ўшайдан қолган.
Сўнг иснодга чидамай,
Қочганмиш ола ҳакка.
Қушларга қўшилолмай,
Пастқам чет чакалакка.
Шохма-шоҳ думин ўйнаб,
Ҳануз қочар беркиниб.
Қилмишидан уялар,
Юзи шувит ўжиниб.
Шунинг учун ким кўрса
Ола ҳакка ўғри дер.
Баъзилар ёмон кўриб,
Оғзидан тугади дер.
Шу сабабдан кексалар,
Қўли эгри болани
Ҳаккага ўхшама дер,
Кўрса «кўзи олани».



БОҒБОН ҚУШ

Қачон кўрсам чагиллар
Боғдан ташиб дов-данак
Тоғу тошга элитар
Экар шошиб жонсарак.
Тоғ-тошда писта, бодом
Дўлана, тоғолчалар,
Қорали, наъматаклар,
Олтин жийда қанчалар.
Ҳаммасин соҳибкори,
Қуш боғбон фидокори.
Парлари атлас тусли
Узун дум, гўзал учли.
Қўш кифтида қўша ой
Лочиндек учқур, кучли.
Оламда ҳуснга бой
Товусга ўхшар кўркам,
Кўнгли ҳамиша кўклам.
Дов-дарахтнинг фидойи
Қуш сараси олтойи,
Ҳамма ер унинг жойи,
Қушларнинг Ҳотамтойи.
Номи ҳакка — зағизгон,
Вертолётдек учагон.
Буни билмай қадимда,
Ёмон қуш деб қадамда —
Ўгри деб таъбирлашиб,
Чақимчи ҳам дейишиб,
Севмай ёмон кўришиб,
Оғзидан туғади деб,
Булбулни бўғади деб,
Жон-жондорлар терисин
Чўқилад тешади деб,
Молларнинг юнгларида
Тиканак эшади деб,
Бугун билсам бекор гап
Мол канасин еярган.
Қуш тухумин обқочмас
Енгоқ, данак экаркан.
Кўришса эл, халқ севиб
Даракчи қуш, дер экан.

Чагиллаб сайрасами
Уйга меҳмон келаркан.
Унга атаб шеър ёзиб
Атай севиб йўқлайман.
Ҳаққа қушнинг хизматин
Мен доим ардоқлайман.
Боғбон қуш деб оламга
Ёяман донг садосин.
Ҳамма танишиб олсин
Қушнинг боғбон доносин,
Қуш посбони аълосин.



ШЕР БИЛАН ДУРРОЖ

*(Устоз Алишер Навоийкини
«Шер билан Дуррож» деган
ҳикоялари асосида)*

Бир ўрмонда Шер билан
Дуррож қуши бор экан.
Шер эса фарзанд кўриб
Шоду бахтиёр экан.
Лекин шер шербаччасин
Еру кўкка ишонмас.
Куну тун аста тишлаб
Жони ҳалак, тинчолмас.
Бир кун Дуррож пар этиб
Учганида ҳаволаб,
Шер она чўчиб кетди
Шерчасин қаттиқ тишлаб,
Танасин чақа этди.
Шербачча озор чекиб
Йиғлар экан, она шер —
Ялар эди сийпалаб,
Енбошида ота шер,
Дуррож қушга дедилар:
— Кўрдингми, сендан ҳуркиб,
Боламини тишлаб олдим.
Йиглатиб ёшин тўкиб!
Кел, энди дўст бўлайлик,
Ўрмон кенг-ку сигамиз.
Оға-ини бўлишиб
Давру даврон сурамиз.
Сен эса сайраб бергин,
Боламга алла айтиб.
Мен эса асрай сени
Сайёд тўрларин йиртиб,
Дуррож ҳам маъқул, деди.
Икков ўртоқ бўлдилар,
Орасидан қил ўтмас,
Дўсти иноқ турдилар.
Эртаси куни Дуррож
Овчи деб фарёд солди.
Шер ариллаб, югуриб,

Ердамга етиб борди.
Қарасаки овчи йўқ
Алдаган экан билса.
Шер деди ўз-ўзига:
Мени синаган бўлса.
Яна куни ҳам шундай
Дуррож ўйнаб алдади.
Учинчи галда аммо
Чин овчи келиб қолди.
Дуррож талай дод солди,
Алдар деб Шер бормади.
Алдоқчи Дуррож қушни
Ҳеч кимса кутқармади.

6. XII. 1968 й.





ҚУМРИ ҚУШЧА

•Бир замонда Қумри қуш
Ажойиб қизча бўлган.
Угай она азобида
Багри кабоб жиэза бўлган.
Алам-кулфат гирдобиди
Қуя-қуя реза бўлган.
Эзик-туртки, куткилашлар
Жонга теккан, бора-бора
Эркисиз, тенгсиз Қумри қизча
Қалби чўкнан пора-пэра.

Хилватларда инграркан :
Оҳ урар, фарёд чекар.
Қилдан қиё қийиқ топиб
Угай она қулдек жеркар.
Қўли косов, соч супурги
Очқўз хоним аямас ҳеч,
Оёқ-қўлни уқалатар,
Уни одам санамас ҳеч.
Эрксиз Қумри эзилувдан
Қўнгли синиқ минг парча.
Танасидан кулпат чатнаб
Бўлиб қолган Қумри қушча.
Чакич билан урган тўши
Урнида ҳусн маржон.
Куйигидан пати кул ранг
Ҳазин йиғлар, уҳлар ҳамон.
Бирдан кўнглим куйиб кетиб
Қумричага раҳмим келди.
Золим ўгай онасига
Ғазабланиб қаҳрим келди... ♦
Бувижоним эртақларин
Шартта бўлдим савол бериб,
Бувимларга дедим шуни
Куйиб-пишиб хаёл суриб :
— Яна қайта Қумри қушча
Қумри қиз бўлмайдимиз?
Қумри қизча бўлиб яна
Биздек ўйнаб кулмайдимиз?
Бувижоним оҳ дедилар :
— Кошқийди Қумри қизча,
Яна қизга айлансайди.
Шохдан тушиб сизлар билан
Бирга-бирга ўйнасайди, —
Деб бувимжон Қумри қизнинг
Эртагини тугатдилар.
Қушча қизнинг ҳикоясин
Бизга шундай ўргатдилар.
Шундан бери қушча кўрсам
Жоним каби севаман мен.
Бувижоним эртақларин
Доим эслаб юраман мен.
Қумри қизга куяман мен.

МУСИЧА НЕГА УРИШАДИ?

*(Бир кунн Едгор бахши мендан,
«ака, мусичалар нега уришар экан?»
деб сўраб қолдилар. Бахшига жавоб).*

Мен ҳам кўрдим мусичанинг уришин,
Патир-путур бир-бирини суришин,
Чўқилашиб, нуқилашиб қолишин,
Қузғун қушдек, пат юлишиб олишин.
Ажаб, тўгри, «Мусичан беозор»,
Дердилар-ку, «Ювош қушча жонивор».
Нима учун уришаркин, ажабо,
Не талашар ўчакишиб, бевафо.
Сабабини билай дедим, ўйладим,
Фикр қилиб, ўй дарёсин бўйладим.
Билсам бу қуш, ялқов экан, текинхўр,
Эл ҳам деган «Мусича — молимардумхўр».
Шу сабадан феъли ўта тор экан:
Эл дониға кўз тиккан беор экан.
Суқатой қуш зиқналикдан уришқоқ,
Бир дон учун, қизғанишиб, юлишқоқ,
Ялқовликдан асаблари бўшашиб,
Юраги тор, йиртқич қушға ўхшашиб,
Бир-бирини кўришолмай муштлашиб,
Беҳудаға парт-пуртлаб чўқилашиб,
Тикилишиб кўзларини олайтиб,
Пихиллашиб, алланималар айтиб...
Агар бу қуш бўлса эди меҳнаткаш,
Бўлмас эди, қушлар аро энг пасткаш.
Имирсилаб, ношуд, қураар инин ҳам,
Омонат ин, вайрон эрта-индин ҳам.

Баъан тушиб кетар тухум-боласи,
Фойда бермас сўнг ку-ку-ку ноласи.
Шуниг учун уруғи ҳам камайиб,
Уларни ҳам шалпиллаб, худди майиб,
Қанот ёзиб, узоқларга учолмас,
Парвоз этиб, уфқларни қучолмас.
Шу сабабдан эл, нотагон қуш дейди,
Мушукка ем, у бир тишлам гўшт дейди.
Беозор қуш дегани, ялқов экан,
Юраги тор, феъли бад, анқов экан.



ҚАРҒА НЕГА БИР ЧҰҒИБ ТҰҒҚИЗ ҚАРАР?

(Криловга назира)

Бир замонда қарғалар
Оша мағрур «қағ-қағ»лар.
Баланд экан ҳавоси,
Антиқ қўшиқ навоси.
Уша бобо қарғавой
Қақшар «қағ-қағ» анқавой.
Уздан кетган анқоввой,
Меҳнат севмас ялқоввой.
Бир кун терак учида,
Сигмай ғайрат-кучига
Турганида, болалар
Кўриб кўзи олалар
Унга тузоқ қуришган
Нақ тутгандай бўлишган.
Бунни кўрган қарғавой
Менсимасдан анқоввой
Кўтарар тумшугини,
Дер «қағ-қағ» қўшигини.
«Сенлар қайда, мен қайда,
Минг тузоқ қўй бефойда.
«Қағ-қағ» мен баланд жойда.
Деб мақтанган чоғида
Теракнинг уч шоҳида
Бирдан туради бўрон,
Шохларни силкиб сурон
Ҳаво қуюн тўполон,
Бўлгандай ҳаво тўпон
Қарға кўзи тинибди,
Бир оз учиб юрибди.
Ваҳма босибди кўнглин,
Зулмат тўсибди йўлин.
Узин урар бир ёққа
Ўзин урар ёриққа.
Илимиди тузоққа.
Кўзлари чиқиб соққа —
Қарасаки ҳалиги
Калака қилган кулги

Ўзи кўрган болалар,
Ўйноқ кўзи олалар.
Оёгидан боғлашар,
Учириб хахолашар.
Кўрмулла ҳам қилишар
Эй ўйнашар, қийнашар.
Таъзирин еб турганда,
Бир ўткинчи кўрганда,
Раҳми келиб қутқарар,
Болаларга сўз қотар.
«Қушга озор берманглар
Қўйворинглар, эманглар!»
Ўшандан бери қарга
Аланглар тўрт томонга.
Бир чўқиб тўққиз қарар.
Ўша кунни эсга олар,
Ўша кунни эсга солар.



К А К Л И К

Тоғ товуғи гўзал каклик,
Оёқлари пўпаклик.
Қизил тумшуқ, қизил кўзлик,
Пари майин, кул ранг, кўҳлик,
Сайрашганда қақ-қақлаб,
Бири-бирини йўқлаб
Тогни кўтарар бошга,
Бошга эмас ёнбошга,
Ўнгариб учар пар-пар,
Тоғлар чаманин ўпар.
Тошма-тош йўргалашар,
Бекинмачоқ ўйнашар,
Писар ўтзор ичига,
Писар гулзор ичига.
Писар тошлар ичига,
Кўринмас ҳеч кишига,
Кўкламда гулга ўхшар,
Ёз келса ўтга ўхшар,
Куз келса тошга ўхшар.
Қишда кўринар фақат
Қорлар ёққанда қат-қат.
Ов қиламиз қувалаб,
У қочадн йўргалаб.
Қорга шўнгиб олади,
Думи чиқиб қолади.
Дарров тутиб оламиз,
Ҳам ўргатиб оламиз.
Сайраб берар қақ-қақлаб
Тоғлар чаманин йўқлаб.




Ш О Х Д О Р Қ У Ш

Патлари чипор, чивиқ,
Чақ-чақлаб сайрар қизик,
Бир чўқиб тўққиз қарар.
Қанот патини тарар,
Товуқ десам товуқмас.
На товус, тустовуқмас.
На ўрдак, ғоз, на курка,
Йироқдан қўрқа-қўрқа
Нозимжон буқиб қарар.
Мўралаб, ҳуркиб қарар.
Қуш деса шохи ортиқ,
Тож ўрнида ханжар тир.
Қўчқорнинг мўғизидай,
Йўғон сўзан бигиздай.
Нозимжон чўчиб кетди,
Ранги қув ўчиб кетди.
«Тағин тепмасин сузиб,
Ғоз каби кўзин сузиб,
Балки бургут боласи,
Бордир ота-онаси.
Тағин учиб қолса-я,
Сузиб қорним ёрса-я».
Тисланиб қочди кетга
Ҳай-ҳай, уят йигитга!

Қани айтинг, болалар,
Бу қуш қандай қуш экан,
Нозимжоннинг қўрқиши
Ўнгими, тушимикан?






КЎРШАПАЛАК

Кўршапалак кўрлиги
Нимадан бўлганлиги,
Менга ҳозир ноаниқ
Унинг бу кўргилиги.
Жонивор пастқамларда
Ётар кундуз бекиниб,
Нимадир қилмишидан
Уялибми ўкиниб?
Оқшом бўлди дегунча
Липиллаб чиқиб қолар,
Парвонадек чарх уриб
Ҳар томон учиб қолар.
Ҳавонинг губорини,

Читтакдай тозалайди.
Қанотлаб учиб-елпиб,
Соф ҳаво тайёрлайди.
Туннинг жажжи посбонн,
Десам ҳам янглишмайман.
Бизни қўрир чивиндан
Десам ҳеч адашмайман.
Ажаб кундуз кўрмаса
Тунда кўради қандай?
Ё тунда очиларми
Кўзи ярқираб тонгдай? —
Жуда ҳам қизикаман
Билиб олсам деб аниқ.
Жони-дил орзикаман
Не сабаб кўзи ёпиқ?





ТУН ҚУШИ

Кўршапалак, шапалак,
Тузилишинг чархпалак.
Эмассан сен кун қуши,
Нечун бўлдинг тун қуши?
Ўхшовсиз кўринишинг,
Жуда аянч туришинг.
Қўрқинчлидир башаранг,
Тайпоқ қаноту панжанг.
Оёқсиз, чиноқ қулоқ,
Ўлгудек титроқ-қўрқоқ,
Тилинг гирт гунг, сўзинг йўқ,
Кўрай десанг кўзинг йўқ.
Кундузи учолмайсан,
Нур юзин қучолмайсан.
Бир бурчақда ётасан,
Қандай тоқат этасан.
Қушга ўхшамас тусинг,
Айтиб бер менга ўзинг.
Мажолсиз, тирик ўлик,
Бу сенга не кўргулик?
— Бир замонлар қуш эдим,
Ажойиб оққуш эдим.

Думоғи чоғ, хуш эдим,
Бино қўйдим ўзимга,
Унча-мунчани кўзга —
Илмадим, менсимадим.
Қушларни тенгсимадим.
Ўзим дедим, ягона
Бошқаларни бегона.
Шундай қилиб, охири
Дарди касал оғири, —
Ёпишиб қозонкуя
Ғурбатга бўлдим қия.
На ундайу на бундай,
Ой чеҳрам соя, тундай.
Шаппарак бўлиб қолдим
Тириклай ўлиб қолдим.
Шу боис шаппаракман,
Оро йўлда ҳалакман.

ҚИЗАЛОҚ

(Квиткодан)

Қизалоқ сув келтирар
Тўлатиб пақирчада.
Айтгин, гўзал қизгинам,
Нелар ўсар боғчангда.
Боғда қизарар олчам,
Шохда сайрар қарқуноқ.
Бордир турли қушчалар:
Майна, олатўғоноқ.
Шудринг қўниб яшнайти
Ширин карамлар барги,
Эгатларда кулади
Ловяларнинг дуккаги.





САЁҲАТЧИ ЕШ УЎЛОН

(Сергей Михалковга ўхшашма)

Қурама тоғ, ёлғиз оёқ,
Йўллар бўйлаб борар қувноқ.
Табиатчи мард ўғлон,
Саёҳатчи паҳлавон:
Кифтида рюкзак қопи,
Ичида йўл асбоби:
Тиш чўтка, совун-повун...
Писанд этмас йўл говин.
Табиат гўё унга
Ухшар кино-ўйинга.
Назарида кўк осмон
Уй-бино томисимон.
Одамлар оиласи,
Дўсту ёр, ўртоқлари,
Дарёлар — ариқлари.
Тоғу тош нақ қўрғони,
Булоқ кумуш қумғони,
Қўлда ҳатто қурол йўк.
Қўрқмас ботир, кўнгли тўқ.
Қулоч ёзиб боради,
Бағрин очиб боради.
Кўринган жону жондор,
Унинг учун беозор,
Ҳатто йиртқич бўри ҳам,
Даррандилар зўри ҳам
Дуч келди миқ этмади,
Тегмагач гиқ этмади.
Уни кўрган қушлар ҳам
Ҳуркишмайди, хотиржам.
Чах-чахлаб сайраб берар,
Еш сайёҳ яйраб тинглар.
Дов-дарахт, меҳригиё
Унга гулдаста гўё.
Баланд тоғлар кўксида,
Силлиқ тош курсисида,
Ултириб дамдин олди,
Тўрт тарафга кўз солди.
Бирдан булут подаси,

Осмон бўйлаб галаси —
Ярақлар, чақмоқ чақар.
Емгир ёғар шивалар,
Гўё тоғни савалар.
Емгир-душда чўмилар,
Тая жони кучга тўлар...
Қуёш чиқиб чарақлаб,
Кетди тоғ-тош ярақлаб.
Сайёҳ яна йўл тортди,
Қадамин шаҳдам отди.
Тоғ бағрида яйловда,
Мола чорва яйровда.
Чўпонларни учратди,
Қўмач нонидан тотди .
Учратди деҳқонларни,
Учрагди боғбонларни,
Қуришди узоқ суҳбат,
Бўлишди иноқ улфат.
Очишди дил дафтарин,
Нимаки кўрса барин,
Езди ён дафтарига,
Езди жон дафтарига.
Ҳамма нарса кўзига
Кел, деб тортар ўзига.
Таърифи сизмас сўзга.
Табиат заи чиройлик,
Табиат қуёш, ойдек,
Тилсимот тўла бойлик,
Бор бойлигин очайлик,
Олиб олга сочайлик.
Ўғлон қайтар уйига,
Минг бир хаёл ўйида.
Уйда-ку, аммо ўзи,
Савҳатда дил кўзи.
Чарх уриб олам бўйлар
Тагин нималар ўйлар.
Қурама тоғ, ёлғиз оёқ
Йўллар бўйлаб борар қувноқ,
Ун уч ёшли мард ўғлон,
Дов юракли паҳлавон.

1973 йил.



ОВЧИГА

Овчи, овчи, ҳой овчи,
Йиртқичларни оловчи.
Мерган қаҳрамон овчи,
Бир сўзим бор қулоқ сол,
Сенга илтимосим бор.
Овни отсанг билиб от,
Дол нишонга илиб от.
Қушчаларни хеч отма,
Юмшөк бағрин қонатма.
Йиртқич бўлса майли от,
Бўри, шақални қийрат!



Х Ҷ Р О З И М

Қу-қу-қу-қу хўрозим,
Уйимда хушовозим.
Пақ-пақ қанот парвозим,
Қу-қу-қу-қу хўрозим!

Гултожи гул бошида,
Товуқ жўжа қошида,
Уйим ички-тошида,
Чарх уради хўрозим.

Хўрозим мард, қўрқмайди,
Патига гард юқмайди.
Жўжасин чўқимайди,
Марди-майдон хўрозим!

Бир дон топса қаердан,
Қу-қу-қу-қулаб бирдан,
Товуқ, жўжасин севган
Ота бабақ хўрозим!




ХҲҮРОЗ НЕГА ҚИЧҚИРАДИ?

Уфқларга кўксин тираб қичқираб хўроз,
Олисларга янграб кетар бу қувноқ овоз.
Ўз тилида нелар сўзлар хўроз «қу-қу» лаб,
Ким билади нелар кўзлар, сўзлар гулдуллаб.
Тўрт тарафга талпиниб у шовқин-жар солар,
Баланд ерга учиб чиқар, чўзиб қу-қулар.
Тун ҳам кирар, авжга чиқар, қичқираб узоқ.
Кўксин кериб талпинади, кўкси қоя тоғ.
Қора тунни қанот билан уради тарс-тарс,
Туннинг зулмат чодирини йиртар забардаст.
Шунда уни олқишлаб чиқар тонг қуёш,
Оппоқ сутдек олам ёрир, тинчийди шоввоз,
Сўнгра кундуз нур қўйнида яйрар, чарх урар.
Товуқ, жўжа болаларин ўйнатиб юрар.
Билсам хўроз, қора тун ҳам кундуз бўлсин, дер,
Бутун олам кундуз бўлиб мангу кулсин, дер.
Уфқларга кўксин тираб қичқираб хўроз,
Олисларга янграб кетар бу қувноқ овоз.



ТОВУҚ НЕГА ҚАҚИЛЛАЙДИ?

Товуқ деркан нега қақақ?
— Бола кўрдим дум-думалоқ.
На боши бор, на дум-оёқ,
На тумшугу на кўз-қулоқ,
Қақақ-қақақ-қақақ.
Айтинг, дўстлар, нега бундоқ?
Хўроз жавоб берар: — Қу-қуқ,
Хафа бўлма, зиёни йўқ.
Узинг эсон-омон бўл соғ.
Вақтинг бўлсин доим хуш чоғ,
Ферма опам бордир ўртоқ,
Инкубатор машина тоғ,
Тухумларинг очар оппоқ,
Укпар битар, бош, кўз, оёқ,
Берар тумшуқ ҳамда қулоқ,
Бўлар чип-чип жўжа қувноқ,
Йўрғалашиб кетар ўйноқ.



ОНА ТОВУҚ, БАБАҚ ХҶРОЗ ВА ҚОРА КАЛХАТ

Она товуқ «курк-курк»лаб,
Жўжаларин қўриқлаб,
Майдонда ўйнатарди,
Офтобда яйратарди.
Атрофида айланиб,
Хўроз ҳушёр, шайланиб,
Қанот-патларин ёйиб
Қўшиқ айтиб «қу-қув»лаб,
Товуқ жўжасин қўллаб,
Қанот қоқиб қичқирар,
Ҳар ён боқиб ўшқирар.
Жўжа ўғриси — калхат —
Ялмоғиз, ёвуз, бадбахт,
Ов қидириб осмонда
Емиш излаб осондан,
Пайт пойлаб айланади,
Елиб давра олади.
Жўжани кўрган онда,
Ташланаркан очофат,
Бало-қазо, касофат.
Она товуқ қақақлар,
Кўзидан чақмоқ чақнар.
Ёпишди шум калхатга —
Ялмоғиз, ёв, офатга.
Булғалашиб қолишди,
Патир-путур олишди.
Чўқилашдилар беомон,
Она товуқ паҳлавон
Жўжасига теккан он
Тўғри, ўткир тумшуғи
Бўлди ханжарнинг тиги.
Парлари нақ найзадай,
Тирноқлари бигиздай,
Ғажиди калхат — ёвни,
Чангаллар бало-довни.
Бир ёндан ботир хўроз,
Мардона моқир хўроз,
Тепкилар, қилиб парвоз
Гардонин чўзиб дароз...

Товуқлар ҳам ўрашди,
Калхат ёвни талашди.
Калхат эса ютқиниб,
Очкўз томоги қуриб,
Сургалиб бўйнини чўзиб,
Жўжага кўзин сузиб,
Ҳолдан кетди газанда,
Нияти пуч, дарранда.
Бу воқеа устига,
Тушиб калхат қасдига
Таёқ олиб дастига,
Келиб қолди ағаси.
Товуқбону акаси,
Иртқични тутиб олди,
Жағига қўш мушт солди.
Берди обдон жазосин,
Етгунича қазоси!
Сўнг «кўрмулла» қилади.
Оёғидан илади —
Дарахтнинг қир учига.
Қойил хўроз кучига,
Ота-она бурчига.
Хўрозига қараса,
Олишганида роса,
Жониворнинг тожиси,
Юлинибди ярмиси.
Кўрса она товуғин
Тўзгиган пари-тиғи,
Жўжасин тагга олган,
Тўрт ёққа назар солган.
Қақақларди тинмасдан,
Хабардор баланд-пастдан.
Ажралса ҳам дум патдан,
Жўжаларин офатдан
Сақлаб қолди калхатдан!

14. IX. 1974 йил





Қуддус Муҳаммадий ёш китобхонлар даврасида.

МЕН ДАДАМГА ЁРДАМЧИ

Фермада товугим бор,
Парлари нақ оппоқ қор.
Крепдешиндан қўйлаги
Бўйларига ярашган.
Гул лоладай тожлари
Қайрилиб қошга тушган.
Юришар гала-гала
Оқ, чипор, кул ранг, ола.
Қўшиқ айтар қақиллаб,
Бекор юрмас лақиллаб.
Тухумлар сават-сават,
Йиғиб оламиз санаб.
Колхозга топширамиз,
Планни оширамиз,
Бир ёқда жўжаларим
Жажжи хўрозчаларим
Қичқирар қанот қоқиб,
Устираман мен боқиб.
Жўжаларим севаман
Дон-сувни мўл бераман,
Дадам фермага бошчи,
Мен дадамга ёрдамчи.



ЧУМЧУҚ НЕГА ҲАКАЧОВЛАБ ЮРАДИ?

Чумчуқвойнинг бош бобоси,
Бир замонда ўғри экан.
Бир чўқиб, тўққиз қарар,
Кўнгли тор, эгри экан.
Бир кун деҳқон дониға,
Кўзини олайтириб,
Сўрамасдан теккан эмиш,
(Юзини қорайтириб).
Деҳқонбой тутиб олиб,
Оёгин кишовлабди.
Чумчуқвой, ечолмасдан,
Юриб, ҳакачовлабди.
Ҳануз ҳам ечолмасмиш,
Оёгида ўша тушов,
Етмиш бободан ўтиб,
Келганда ҳам ўша гов.
Ҳакачовлаб юролмас,
Уялиб, учиб қолар.
Ҳанузгача тузалмас.
Доимо чўчиб қарар,
Бир чўқиб, тўққиз қарар.



БОЛАРИ

Гув-гув учар болари,
Дув-дув учар болари.
Гулдан-гулга қўнишиб
Шарбат ичар болари.
Болари, қой болари,
Гув-гув нағманг чал, ари!
Богчамизда яйрашиб,
Учиб ўйин сол, ари!
Сен қадрдон дўстимиз,
Асалинг еб ўсдик биз.
Ясаб берай ин-қути,
Богчамизда қол, ари!



ГУЛ БИЛАН АСАЛАРИ

(С. Шушкевичдан)

Тонгда ари гулга сўзлар гув-гув-гув,
Гулжоним, асалинг бер, соғиндим-ку.
Кечир, эрта уйқунг буздим гув-гув-гув,
Баргингни оч, етади шунча уйқу.
Япрогингдан шудринглар қуриб кетди,
Қуёшга салом берар вақти етди.
Ким экан бу товуши шўх, қўнғироқ,
Қайдан меҳмон, яқинми ёки йироқ?
Аритойим, қани жоним, келавер,
Гул эшигим сенга очиқ, киравер.
Гув-гув наъманг хумориман, айланай,
Шарбатим ич, эртақ айтай, аллалай.

15. V. 1963.



КАПАЛАК БИЛАН АСАЛАРИ

Баҳор чоғи бир боғда
Иккови учрашдилар.
Гул баргига қўнишиб,
Ҳол-аҳвол сўрашдилар.
Капалак дер ликиллаб:
— Ҳорманг, ака, иш билан?
Бола-чақа омонми,
Бардаммисиз қиш билан?
Олиб кетай қишлоққа,
Бугун меҳмон бўлингиз.
Шу кунда бормасангиз,
Қачон теғар қўлингиз?
Иш бўлса бўлар ахир,
Беш кун даврон ўтмасин.
Уйнаб-кулиб қолайлик,
Ўлим-етим бўлмасин.
Пастки боғда тўполон,
Ҳар куни ялла базм.
Танца, ўйин қиламиз,
Раққос нина таннозим.
Ҳофизчи қўнғиз полвон,
Машшоқлар ҳам жойида.
Чигиртка сибизғачи,
Ишлар ваданг қоида.
Оқар нозу неъматлар,
Гул қозонлар қуруғлиқ,
Жонон гул пиёлада
Шарватлар лим-лим тўлиқ.
Ҳовлиқиб сўзлар эди,
Томоғи қалқиб кетди.
Тупугин зўрға ютиб,
Бир нафас ҳичоқ тутди,
Навбат келди арига:
— Хўш, энди сиз гапиринг,
Сизда қалай маишат?
Тўрт оғиз сўзлаб беринг!
Ари деди: — Оғайни,
Бизларда катта рўзғор.
Бола-чақа ўсмоқда,
Ҳар бирига уй даркор.



Ҳадемай қиш ҳам яқин,
Тайёрлик керак пича.
Дам олиш ҳам ёмонмас,
Чарчайсан уча-уча.
Ўйин-кулги ҳамма вақт,
Вақтинг бўлса қочмайди.
Қиш совуқ-изғиринда
Ҳеч ким эшик очмайди.
Капалак ўйнаш учун
Гулзор томон йўл олди.
— Энди сизга хайр! — деб,
Ари ҳам жўнаб қолди.



ЎРГИМЧАК БИЛАН АСАЛАРИ

(С. Шушкевичдан)

Бир куни ўргимчаквой
Ари тутди нонуштага.
Ўргимчакдан сўрар ари:
— Раҳм этинг, жон ака.
Оёқ, қўлим богламанг,
Ўлдирмоққа чоғламанг.
Мен ҳам дунёда яшай,
Ризқим борини ошай.
Вой, мени өзгиламанг,
Қўлларим чўзгиламанг!
Сочимни буйдаламанг,
Бағримни бурдаламанг!
Раҳм этинг ёш жонимга,
Қолманг завол қонимга.
Деди дод, дод, дод.
Мени қўйворинг войдод!
Ўргимчак пичоқ қайрар,
Жаллод қўллари ўйнар.
Асалари интилди,
Тузоқ, тўри йиртилди.
Ўргимчак қарагунча
Асалари қутилди...



ЭШАК БИЛАН БОЛАРИ

(Эргак-масал)

Эшаквой бўлиб касал,
Емоқ бўлибди асал.
Боларига борибди,
Бол сўраб ёлворибди:
— Менга айтди От акам,
Айтдилар, Тева отам.
Менга давомиш асал,
Менга равомиш асал.
Арилар ғувиллабди,
Чарх уриб чувиллабди,
Эшак тилин билолмай,
Эшак феълин билолмай,
Ҳайрон бўлиб турибди,
Ҳуркиб юзин бурибди.
Шу топда қовоқари
Очилиб қовоқлари,

Эшакка кўзи тушиб,
Ҳасаддан кўзи шишиб,
Орага солиб иғво
Эшакка қилди даъво:
— Сен экансан-да, ўшал
Бу ёққа келиб ҳар гал
Ҳанграб-ҳанграб кишнаган
Ариларни тишлаган,
Инин бузиб ташлаган,
Тўполонни бошлаган.
Арилар мендан кўриб,
Кўплашиб мени уриб,
Боққа яқин келтирмас,
Боғ гулидан эмдирмас,
Боғ гулидан едирмас.
Ҳой, арилар, арилар,
Зоти асил, парилар,
Эшакни чақиб ташланг,
Бағрини ёқиб ташланг,
Боққа ҳеч йўламасин,
Болингиз яламасин.
Бу гаплардан болари,
Ҳуркишиб болалари,
Эшакни талай кетди,
Найзасин қадай кетди.
Ағанаб олди эшак,
Деди: — Улишим бешак,
Бир нафас «инқ-инқ» этди,
Ҳаром қон чиқиб кетди.
Сўнг чиройи очилди,
Кўзидан нур сочилди.
Қуш каби балқиб енгил,
Ирғишлар дингир-дингир.
Ёзилди бор касали,
Ёзилди бод касали.
Даркор бўлмай асали,
Дори экан заҳари.
Қовоқари тик боқиб,
Қовоқ солиб, кек боқиб,
Яшикка етди ахир,
Дилида ғазаб, қаҳр.
Бўгди қанча арини,
Емоқ бўлди барини.

Тўполон бўлди қий-чув,
Арилар учди «зув-зув».
Қовоқарини шу тоб,
Арибон урди боплаб.
Калтакдан бўлиб пачоқ
Ҳаёти бўлди адоқ.
Соғ қолди Эшак бўлса,
Бу эртақдан хулоса
Чиқарингиз ўзингиз,
Очилсин дил-кўзингиз.

22. VI. 1966 й и л



ОТА-БОЛАЛАР

Асалчи бобо боғда,
Юрар гулларин қараб.
Виз-виз учиб арилар
Гул ўпар шарбат ялаб.
Умаржон кенжа, келар,
Қўзичоқдек ирғишлаб.
Саломлашар, кўришар
Бобонинг кўнглин ҳушлаб.
«Келингиз, тойлоқларим,
Қайдан шамол учирди?
Имтиҳонлар муборақ,
Нечанчига кўчирди?
«Бешу тўрт билан ўтдик,
Аълочимиз иккимиз».
«Ўқинглар болаларим,
Билим, ҳунар кўркингиз.
Саломат бўлинглар соз,
Менга керак эдингиз :
Манави сув бочкамни,
Тўлдиришиб берингиз».

«Хўп, отажон, дедилар, —
Қани, челақларингиз?»
«Хув ана, икки пақир,
Қани танлаб олингиз».
Кичиги каттасини,
Катта кичикни тутди.
Уз ўйича Умаржон
Кенжани гўё ютди.
Эриниб ялқовланиб,
Ташир сувни имиллаб,
Кенжавой-чи, пишиллаб
Қадам ташлар гириллаб.
Ҳаял ўтмай орадан,
Тўлдирдилар бочкани;
Бобо хурсанд: — тўхтанг, — деб
Кириб кетди ичкари.
Коса ҳам пиёлада
Асал олиб чиқди чол.
Меҳнатларингга лойиқ
Болаларим таниб ол!
Каттаси пиёлани
Уялиб зўрға олди.
Меҳнатни ортиқ қилган
Кенжага коса қолди.






ВИЗ-ВИЗ-ВИЗ

**Виз, виз, виз, виз,
Учамиз, қўнамиз.
Гулдан-гулга кўчамиз,
Гул шарбатин ичамиз.
Виз ,виз, виз, виз,
Қани топинг, ким биз?
Олтин қўнғиз.**

МАҚТАНЧОҚ ҚҰНҒИЗ

Маст кишидеу, алпон-талпон
Борар экан құнғиз полвон,
Тезак лойни думалатиб,
Ўз наздида газна ортиб.
Унга учраб бир чумоли
Оғзида бир увоқ шоли,
Шолисин қўйиб ерга,
— Ҳорманг, — дебди құнғизбойга,
Қўнғиз дебди: — Ўзинг ҳорма?
Ҳалал берма, йўлдан қолма.
Кўрмайсанми, билмайсанми
Е назарга илмайсанми?
Кўрмаганинг кўриб қўй,
Билмаганинг билиб қўй.
Қўнғиз полвон дейди отим.
Тоғни йиқар ғайратим.
Мен жондорлар арзандаси,
Ҳашаротлар саркардаси.
Сенга ўхшаб юраманми,
Бир увоққа тўяманми?
Питир-питир эртаю кеч,
Ишинг битмас гимирлаб ҳеч.
Қоч, ўласан, нарироқ тур,
Босиласан, чеккадан юр!
Чумолининг гаши келди,
Қуруқ сўзга қарши келди.
Дейди: — Эй, полвон, шошманг,
Кўп ҳовлиқиб, кўп ошманг.
Дамингизни олинг пича,
Юкингиз лой тезак парча,
Не салмоғи бордир уни,
Зиёни йўқ босса менми
Сураверинг, қўрқманг, полвон,
Босади деб ҳурқманг, полвон.
Тушинг йўлга, синашайлик,
Пасту баланд қир ошайлик,
Деб баслашиб қўл олишди,
Бел синашиб йўл олишди.
Чумолининг юки шинам,
Йўл босибди илдам-илдам.

Дарров ташлаб келди юкин,
Минг қатнабди нақ ўша кун.
Қўнғиз эса ҳануз йўлда,
Иши битмай ўлда-жўлда.
Ин оғзига етиб олди,
Лекин юки сиғмай қолди.
Қўнғиз каби бўлма қуруқ,
Чумолидай бил йўл-йўриқ,
Келини келганда кўр,
Сепини ёйганда кўр.



ЕР Д А М Ч И Л А Р

Каникулда, далада
Унчоқ қувноқ пионер —
Катталардек улар ҳам
Пахта, ҳосил ғамин ер.

Эркин дер: — Оғайнилар,
Уват бўйлаб юрамиз.
Кўсак қурт капалагин —
Тухумини қирамиз!
Ин-инидан топамиз,
Кўзимиз ёруғ юлдуз.
Едирмаймиз ҳеч қачон
Қурт — ёвга кўсагимиз.
Қолган-қутганларини
Қанотли дўстларимиз
Қатрон қилишар бошлаб,
Мустаҳкам постларимиз.

Жонкуяр пионерлар,
Пахтазорга тушдилар.
Кўсак қурт капалагин
Қидириб тутишдилар.
Ўттиздан, қирқтадан
Тутишибди санашса ;
Шунча қурт, капалаклар
Кўсакларни талашса, —
Не бўлади пахтамыз,
Нобуд бўлар, албатта.
Қурт ҳам билинмас душман,
Ҳосилга зарба катта.

Каникулда, далада
Унчоқ қувноқ пионер —
Катталардек улар ҳам
Пахта, ҳосил ғамин ер.

О Л А Б Ё Ж И

(А. Пушкин шеърига ўхшашта)

Аҳмаджон қўрқар эди,
Соясидан ҳурқар эди.
Бир кун бемаҳал кечин,
Майдондан ўтарди жим.
Тер босиб ҳуркиб, чўчиб
Нафасин ҳам зўрга олар.
Юрагини қўлга олар.
Оёқ, қўли қалтирар,
Алланима ялтирар.
Қоп-қоронғи майдон ёқ,
Аҳмаджонга ҳамма ёқ.
Олабўжи юргандек
Худди пойлаб тургандек
Аҳмаджонга кўринди,
Ваҳмавой тирик ўлди.
Серрайиб шағам чироқ
Ҳар ён жимжит, симсиёҳ.
Аҳмад дейди ичида,
Ёмон бўлди иш жуда.
Олабўжи худди шудир,
Еб қўяди мени қонхўр.
Юраги гуп-гуп урар,
Қўриқчидай қотиб турар.
Бир вақт кўрса қонхўр бўжи,
Қора мушук ёнар кўзи.
Аҳмадга алам қилди,
Ақли-ҳушин жам қилди.
Бекор қўрқибман, шумшук,
Бўжимас бу қора мушук.
Шундан бери Аҳмад сира
Ҳеч нимадан қўрқмас зарра.
Ишонмайди жин бўжига
Ва дер экан ўз-ўзига.
Сичқон бўри кўринаркан,
Соя ўғри кўринаркан
Қўрқоқ бола кўзига,
Ухлоқ бола кўзига.

ЧИРОЙЛИ ДЕБ КИМ ВА НИМАГА АЙТАМИЗ?

(Ағния Бартодан)

Бешта ўқувчи ўгил
Санашаркан қўлма-қўл
Бир юз ўн тўрт қўнғизни,
— Гум қилдик ялмоғизни.
Настя дер болаларга:
— Мен қўнғиздан қўрқмайман.
Қўнғиз ёнар офтобдек
Лаъли тошча гавҳардек.
Хусни гўзал, келишган
Тилла қўнғиз дегандек.
— Аввал билиб, сўнг ўлдир,
Бўлса зараркунанда.
Настя қиз дейди кескин:
— Ўлдирмайман қўнғизни.
Ерда жажжи юлдузни,
Болалар деди: — Тўхта!
Чирой нима, бил пухта?
Қўнғиз ўрмон душмани
Дарахтларни қуритар,
Сени севган махлуқинг.
— Бир маслаҳат айтайин —
Дер Федод сўзлаб майин:
— Фойда бермас чиройни
Кераги йўқ ҳеч кимга.
Беш бола фикрлашар,
Бу жумбоғни ечишар.
Кичикдан бўлсанг гўзал
Йилдан-йил ҳуснинг ўзар.
Гар келтирсанг бир зарар
Сен ёвузсан муқаррар.

ЧУМОЛИ БИЛАН СУЗЛАШДИМ

— Чумолижон, чумоли,
Жимжимадор жамоли,
Қад-қоматинг жажжи шер
Сенга атаб ёзай шеър:
Жониворжон айт менга,
Тили сўзинг йўқ нега?
Ухшайсан соқов гунгта?
Чумоли тилга кирди.
Секин аста гапирди:
— Усмоқда бола-чақам,
Ҳисобсиз ини-оғам,
Катта рўзғор бошиман,
Оилам кўз-қошиман.
Вақтим йўқ сўзлашга ҳам
Ҳаттоки ўйнашга ҳам.
Сўзни ишга қўшганман
Иш майдонда жўшганман.
Бўлмаса тил, сўзим бор,
Ишлатмайман мен бекор.

— Чумолижон, чумоли,
Жуда қизиқ жамолинг.
Нега бошинг хумкалла,
Тананг ярми баралла?
— Бошимнинг катталиги,
Доим хизматдалигим
Дунёни ўйлашимдан
Фикрлаб бўйлашимдан.
Ер шардек ўсиб кетди,
Гавдамни тўсиб етди.
Шу сабаб бошим катта
Ақлим доим хизматда.

— Чумолижон, чумоли
Ажаб чирой жамолинг.
Белинг ингичкалиги,
Қил каби хипчалиги?
— Белим маҳкам боғлашдан
Улкан ишга чоғлашдан.
Бўлиб қолди ингичка,

Ўзим тўламан кучга.
— Қуйругинг қўпол мунча?
— Ортга ташладим барча
Диққат, жаҳл, қаҳрни,
Бошда сақлаб ақлни.
Шунинг учун қуйругим
Ўсиб кетди қирқ бўғин.

— Чумолижон, чумоли
Ажойиб жон жамолинг.
Бор бўлсин шер қоматинг
Кела берсин омадинг.
Нега йўқ қўш қанотинг,
Учоғон қуш қанотинг?
— Қанотим ичимдадур
Хизматим, бурчимдадур.
Ғайрату кучимдадур.
Меҳнатим қўш қанотим,
Қўшалоқ жўш қанотим.
Шундан ўзар ҳаётим,
Шундан гўзал қоматим.
Чарчамас чумолиман,
Жониворлар жамолиман.

10. IV. 1975 йил.

ЧУМОЛИ БИЛАН НҲАТВОЙ

Ён багирда чумолиной бир нҲхатни
Тортқиларди, юлқиларди дўмбоқ ошиб.
Думаларди, яна туриб интиларди,
Маҳкам тишлаб, тик чўққиға тармашиб.


Неча-неча агдарилар, ётиб турар,
Аммо лекин нҲхат юкин олға сурар.
Ҳайрон қолдим жони борми нҲхатчанинг?
Нима учун оширолмас зингарчани.

Назаримда гўё нҲхат тислангандай
Чумолини назар-писанд қилмагандай.
Ҳа, ростдан ҳам чумолидан нҲхат катта,
Жасадиға қараганда чўнг, албатта.

Минг йиқилиб суринса ҳам бўш келмади,
НҲрхатчани йўлга ташлаб у кетмади.
Минг биринчи мартаси даст кўтариб
- Қир-қиррадан боши билан тик тўнтариб.

НҲхатчани оширди-ку, думалатиб,
Ўз наздида нҲхат тоғни қўмалатиб
Ағдаргандай бўлди гўё, кучи тошиб,
НҲхатчани олиб кетди қирлар ошиб.

1 9 6 2 й н л.



ЖАЖЖИ ТАБИАТШУНОС

(Ағния Бартодан)

Бир гугурт қутичада
Дону дун тўла уруг.
Бир гугурт қутичада
Чумоли тўла лиқ-лиқ.
Урганамиз жониворни
Жажжи ишчи жононни.
Қизиқ турмуш ҳаёти:
Бош, оёқ, қўл, қаноти.
Шу он дерлар бувимжон:
— Гугуртинг қўй боламжон.
Ночар секин ерга қўйдим,
Олимликни дилга тугдим.
Гугуртчамга боқсам бир вақт
Чумолилар тўзғишиб шахт,
Майсазорга беркинишар,
Беркинмачоқ ўйнашар.
Мени эса завқим жўшар,
Жон-жондорга меҳрим ошар.



ИПАК ҚУРТИ

Оқ қурт, кўк қурт, ола қурт,
Бир-биридан сара қурт.
Тут баргидир емиши,
Гулдан тоза турмуши.
Виш-виш этиб аланглаб,
Баргни ейди яланглаб.
Кеча-кундуз хизматда
Шунинг учун иззатда.
Боқамиз биз ардоқлаб,
Уйда, сўрида сақлаб.
Семиради йилтиллаб,
Пилла ўрар селкиллаб.
Оқ пилла, сариг пилла,
Пилламас, асл тилла.
Пилла керак бизларга,
Ипак бўлар қизларга.
Ипак борар фабрика,
Машина ўрар дукка.
Дуглар гир-гир айланиб,
Бир-бирига боғланиб,
Бўлар шойи, жужунча,
Бизга кўйлак ва нимча.

ИПАК ЧАРХПАЛАК

Ипак қуртим бор аломат,
Товланади ипак қомат.
Танаси гўшт юмшоқ лиқ-лиқ,
Суяги йўқ юмшоқ момиқ.
Вишиллаб ейди тут барг,
Пишиллаб ишлар ипак.
Нега узоқ яшамайди,
Ипагидек яшнамайди?
Билгим келар буни мен,
Яшатаман уни мен.
Ипак қуртим ўлдирмайман,
Ҳаётини сўлдирмайман.
Умрин узоқ қиламан,
Ипак тут-боғ қиламан.
Пилладан тоғ қураман.
Ипак қуртим китобини,
Ўқидим мен юз бобини,
Билдим виш-виш тилини мен,
Билдим турмуш илмини мен.
Ипак қуртим боласини,
Седона кўз қорасини
Севаркан жондан ортиқ,
Жонин фидо этиб тортиқ.
Ясар ипак пилла қўрғон,
Боласига тилла қўрғон.
Ана шу пилласида,
Ипаги тилласида,
Пилласини орасида
Тилла уй хонасида,
Қурт боласин қучоқлаб
Эҳтиётлаб ардоқлаб,
Ғунжак бўлиб толаркан,
Ғумбак бўлиб қоларкан.
Йўргакланган чақалоқ
Синғари жизза увоқ,
Куч йигиб оларкан — дам,
Ноз уйқуга қониб бардам.
Яна аста уйғонаркан,
Бир сесканиб тўлганаркан,
Капалакка айланаркан,

Қанот қоқиб шайланаркан.
Сарф айлаб кучи барин,
Ериб пилла деворин
Чиқар оппоқ капалак,
Тўлишган оймомадек,
Бу ипак қурт онаси,
Бу ипак қурт дадаси.
Севиқли парвонаси.
Қора қош, қора кўзли
Худди куёв — келин тусли,
Сурма торгандек кўзга
Ажойиб ҳурдек ўзга.
Мен айтсам, дўстлар, сизга,
Жонивор она капалак
Фарзандим деб жон ҳалак.
Яшасин деб ипак қуртим,
Яшнасин деб ипак тутим,
Ясансин деб ипак юртим,
Қаттиқ ишлаб толишганин,
Ухлашиб дам олишганин,
Индашмасдан қолишганин,
Ўйларканмиз ўлди деб,
Ачинишиб сўлди деб.
Йўқ, ундай эмас экан,
Ипак қурт ўлмас экан.
Ўлим нима билмас экан.
Боласига берилиб,
Бор жонин унга бериб.
Пўст ташлаб турланаркан,
Ипакдек товланаркан,
Чархпалак айланаркан.

1. III. 65.

МЕН ҲАМ БЎЛАЙ ПИЛЛАЧИ

Колхоз пиллахонасига экскурсия

Ипак қурт бригадасин
Агрономи Ҳурматой.
Пилла қуртларин кўрдик,
Пиллахона — кенг сарой.

Сўриларда пишиллаб,
Ўсмоқда ипак қуртлар.
Шох новдада ўрмалаб,
Зум ўтмай баргни ҳўплар.

Ипакчи лочин қизлар,
Қуртларни кўздай асрар.
Шунинг учун яшил барг
Бўлар экан олтин, зар.

Сўрилардан сўрига
Кўчиришиб, ганалаб,
Этажерка чийларин
Гард қўндирмай тозалаб.

Ипак қуртнинг пилласи
Бола йўргаги экан,
Пилласида боласи
Жони, юраги экан.

Қанча тўйдириб боқсанг
Шунча ошар хосили.
Боқилган қурт бераркан
Ипакнинг энг асилин.

Биз ҳам қараб турмадик,
Киришдик енг шимариб,
Баргчиларга боқишдик,
Тутзор, ўрмонга бориб.

Тутзор — ипак япроклар,
Колхоз пилла макони.

Кесган билан озаймас,
Тутзор баргларнинг кони.

Машиналаб келтирдик,
Қуртларга солдик баргни.
Шипириб еб бердилар,
Шошилтириб қизларни.

Ипак қуртлар умрида
Беш марта ухлар экан.
Ноз уйқудан турганда
Пилласин ўрар экан.

Йигирма кун ичида
Уяр хирмон пилласин.
Машиналаб йиғамиз
Меҳнат олтин-тилласин.

Пиллачилар ишига
Ушанда қойил қолдим.
Шоҳи, атлас, бахмалнинг
Устасин билиб олдим.

Мактабимни битирай
Мен ҳам бўлай пиллакаш
Ҳурматой опамлардай,
Пилла боқар меҳнаткаш.

Халқим шоҳи бахмалга
Ўрасам дейман орзум,
Бу тилагим, албатта,
Ватанга ваъда, қарзим.



ИПАК НИМАДАН БУЛАДИ?

(Қизчам Гулбаҳорнинг саволига жавоб)

Тўғри, қизим, қайдан ипак?
Буни бизга билмак керак.
Кумуш пилла, ипак тилла,
Бу осон эмас хийла.
Нуқул ипак — нур, дурдона,
Ипак қурти қандай тана.
Баргдан бошқа емаса у,
Палов бергин демаса у.
Сув ҳам ичмас бир томчи,
Ипак қурти қандай кончи.
Ҳатто емай қанд, мой, асал,
Қайдан олар ипак гўзал?
Ипак қуртнинг ошқозони
Эмас ипак дош қозони,
Ичаклари қил ингичка,
Қизиқ, эга шунча кучга.
Ошқозони ипак конми?
Ипак қурти олтин жонми?
Ичаклари зар цехмикин?
Баргни ийлаб аста-секин
Ясармикан ундан ипак?
Буни бизга билмак керак.
Қандай қилиб яшил тут барг,
Қурт еганда бўлар ипак.
Тут барги ипак эмас-ку,
Ипакка ҳеч ўхшамас-ку.
Бир нима ҳам қўшса керак?
Қўшмаса ҳеч бўлмас ипак,
Қарс ҳам чиқар икки қўлдан.
Балки шундан пилла қўрғон.
Ҳа, ростдан ҳам ипак қуртнинг
Унга емиш тут барг, тутнинг
Бўлар ота-онаси ҳам,
Бўлар жажжи боласи ҳам.
Уларга ҳам уй-жой керак,
Пилла қўрғон, сарой керак.
Боласини севганидан,
Ипак қуртлар юрагидан

Она меҳри мойи билан,
Тут барг яшил лойи билан,
Қўшиб ишлар асл ипак,
Пилла қўргон шундан демак.
Йўқ, бу ҳали қуртнинг иши,
Колхозчилар ёз, куз, қиши,
Ишлайдилар ипак қурт деб,
Унга ем барг ўссин тут деб,
Гўзал тутзор боғлар қилар,
Сўкчак-сўри уйлар қураар.
Агрономлар кун-тун кезиб,
Пиллакашлар тут барг кесиб,
Ипакчи қиз, холалар ҳам,
Ёшу қари, болалар ҳам
Ипак қуртин боқишади,
Унга читир тақишади.
Ипак қуртлар ўрар пилла,
Пилла эмас ипак дурра,
Дурра эмас бахмал атлас,
Московский полотно, лас.
Талай жужун, крепдешинлар,
Қашқар товар, пайдешинлар,
Самолётнинг парашюти
Ипак қуртнинг меҳр ўти.
Она қуртнинг юрак мойи,
Она тутнинг яшил лойи,
Фарзандига ясаган уй,
Ипак гўзал қўшиқ, шўх куй.
Балки пилла каравоти,
Беланчаги ипак оти.
Ким билади яна тагин,
Мен билмайман у ёгин
Қолганин агрономдан
Ё пиллачи онамдан,
Ё китобдан ўзинг ўқи,
Ё чевар бўл, атлас тўқи.



УРГИМЧАК БИЛАН ИПАК ҚУРТИ

Ипак қуртига бир кун,
Ургимчак сўз қотибди:
— Эртаю кеч пишиллаб
Ишлаб ниманг ортибди.
Орттириш тугул ҳатто
Ўзингга кафан бичиб,
Тезда умринг ўтади
Ҳаётинг йўққа учиб.
Кўрмай роҳат-фароғат,
Қилмай сайри-саёҳат,
Ўласан қуриб-қақшаб,
Яшолмайсан менга ўхшаб.
Мени кўрдингми, маза,
Тож-тахт, бино қуриб,
Емим пашша, арилар
Уларни овлаб, сўриб,
Биғиллатиб, жиғиллатиб
Қонларини ичаман.
Сўлагимдан ясаб дор
Аргимчоқда учаман.
Доим ялла-таралла
Жон койитмай яшайман.
Луқмалар ўзи келар
Мен эриниб ошайман,
Деб ўргимчак мақтанар.
Ипак қуртин менсимай.
Ипак қурти вишиллаб
Дебди: — Эшит, дўстим-эй,
Мен эмасман сендан кам
Лекин менинг ҳаётим
Бутунлай бошқа олам.
Улим-сўлим менга ёт.
Менинг парвонам одам
Мени боқар дамодам,
Ипагим элу халқни
Белар шоҳи атласга.
Шунинг учун ҳамиша
Кўпайтиб басма-басга
Ҳамма қилар тарбият.
Ипак қурт кўпайсин дер.

Туб қўйиб, палак ёзиб
Оламга ёйилсин дер.
Сен ясаган тож-тахтинг
Беш-ўн кунлик омонат,
Супургининг учида
Тўзиб кетар оқибат.
Ажаб эмас, тез кунда
Номи-нишонинг ўчиб,
Ёруғ дунё саҳнидан
Мангу кетарсан кўчиб.
Ушанда гаплашамиз,
Баҳомизни берсин халқ.
Ушанда кўришамиз,
Ким ҳақу, кимдир ноҳақ.

3. X I. 6 5 й.

ТҮЙЧИВОЙ БИЛАН ТОМЧИВОЙ

Тўйчивою, Томчивой —
Икки ошна лочинвой.
Қувлашмачоқ ўйнашди,
Бир-бирини қувлашди.
Томчивой ирғиб қочди,
Осмондан ёмғир сочди.
Жала-сел қуйди Томчи,
Шалаббо бўлди Тўйчи.
Бўш келмади Тўйчивой,
Ивиди, демади вой,
Тўйчивой худди герой.
Охир томчи бўшашди,
Тўйчивойга ёндошди.
Томчини Тўйчи тутди,
Томчини гапга тутди:
— Қани айгинчи, Томчи,
Тинчимайсан не учун,
Учасан жажжи лочин?
Томчи деди: — Тўйчивой,
Менинг отим Томчивой.
Томчиман — томчилайман,
Отимни қамчилайман.
Биз кўпчилик, анчамиз,
Томчилашиб барчамиз,
Йигилиб кўл бўламиз,
Кўл бўлиб мўл бўламиз.
Томмасак чўл бўламиз,
Чўликча ҳам қолмаймиз,
Кўликча ҳам қолмаймиз.
Оқамиз ҳеч толмаймиз,
Ариқ-анҳор бўламиз.
Дарё-океан бўламиз.
Экинзорга борамиз,
Ерларни суғорамиз.
Ташнани қондирамиз,
Лампани ёндирамиз.
ГЭСларни юргизамиз,
Кучимиз кўрғазамиз.
Узамиз пойга ўйнаб,
Кезамиз олам бўйлаб:

Ҳамма ёқни кўрамиз,
Тоғу тошга қўнамиз.
Ундирамиз тошда гул,
Ишларимиз жуда мўл.
Бўламиз ола булут,
Сув боши — она булут.
Кўкда учамиз пар-пар,
Ерга ёгамиз шар-шар.
Баъзида қор бўламиз,
Баъзан қиров бўламиз.
Эл кўнглини хушлаймиз,
Эртаю кеч ишлаймиз.
Халқ бизни «ош-нон» дейди,
Ер бизни «ошнам» дейди.
Биз истаймиз тозалик,
Оламда озодалик.
Ҳеч ер кир-чир бўлмасин,
Табиат кир бўлмасин.
Ер юзини ювамиз,
Чанг-ғуборни қувамиз.
Кирамиз ер пастига —
Бўламиз чашма булоқ,
Қайнаймиз шарақ-шарақ.
Биздан бўлар иссиқ сув,
Дардга даво қизиқ сув.
Артезиан қудуқлари,
Олтин маъдан сувлари.
Денгизда чиганоқлар
Томоқлари тақиллар.
Оғзин очиб ов қилар,
Бизни тутиб завқ қилар.
Бизни дарров ютаркан,
Биз томоқдан ўтаркан,
Бўламиз марварид-дур,
Яшнаймиз ярқираб нур.
Пешона тер ҳам бизмиз,
Мана қатъий сўзимиз,
Одамнинг жон сувимиз.
Ишимиз чексиз катта,
Тинчирмидик албатта.
Жажжи мироб саркормиз,
Биз халққа хизматкормиз.



КАМОЛВОЙ БИЛАН ШАМОЛВОЙ


Ғир-ғир шамол эсганда,
Камол кўнгли қизибди.
Тугаман деб шамолни
Қўл-қулочин ёзибди.
Шамолвой тутқич бермас,
Камолвой жигибийрон.

Одам сўзига кирмас,
Мунча қочагон жийрон.
Оёғи йўқ, чопади,
Кўзи йўқ, йўл топади.
Ғир-ғир учиб келади,
Тоғдан кўчиб келади.
Селдай тошиб келади.
Жуда шошиб келади.
Ҳамма ёқни кезади,
Жонивордай сезади.
Чақмоқдан ҳам ўзади,
Бўрон, қуюн тўзади.
Чалади қизиқ ҳуштак,
Қийқириб бургут қушдек —
Дов-дарахтни силкитар,
Баъзан синдириб кетар.
Өшикни қоқар тақ-туқ,
Чиқиб боқсам ҳеч ким йўқ.
Деразани чертади,
Билмайман не айтади?
Ув тилида гувиллар,
Соқов каби гўлдирар.
Алланималар дейди,
Билмайман нима дейди?
Шамолвойни тутолмай,
Камолвой жигибийрон.
Тутса ҳам қўлда турмас,
Қочагон учқур жийрон.





Уқувчилар билан учрашув ҳамيشа қизгин утади.



САМОЛЕТИМ

**Самолётим, самолётим,
Менинг толмас зўр қанотим.**

**Бургут, лочин тенглашолмас,
Самолётим учса агар.
Шамол, булут ортда қолар,
Кенг осмонни қучса агар.**

**Денгиз, тоғлар, чўл, саҳролар
Бўйлаб тикка ошиб ўтган.
Москвадан муз саҳрога
Зум ўтмайин бориб етган,**

**Самолётим, самолётим,
Менинг толмас зўр қанотим.**

МОТОР КЎЙЛАК ЯСАЙМИЗ

*(Мотор кўйлак ҳозир магазинда сотилаётгани
йўқ-ку, уни биз тезда кутиб турибмиз)*

Эртадаги орзумиз —
Учар гилам рост бўлди.
Мотор кўйлак ясаймиз,
Учиш осон, соз бўлди.
Мотор кўйлак кийсанг бас,
Мурвати қўлингда.
Қайга борсанг боравер,
Осмон асфальт йўлинг-да.
Ҳеч нарсага қоқилмай,
Дарахт, тоғлар устидан,
Қўйруқли юлдуз каби
Учиб ўтсанг елсимон,
Қўнгинг келса бургутдек
Тоғларнинг чўққисига,
Бура, майли, тушиб ўт,
Қорли тоғлар устига.
Бизга олам бир қадам,
Уфқ гардиши от ўйин.
Бизни қувлаб етолмас
Яшин, чақмоқ, шум қуюн.
Мотор кўйлак ясаган
Олим акамга раҳмат.
Қушдек учиб юрамиз
Осмонда роҳат-роҳат.

1 9 6 2 й и л.


УЧИШНИ СЕВГАН БОЛАГА

*(Бухоро область, Гиждувон район,
Москва номли колхоз ҳузуридаги
ВЛКСМ номидаги мактаб ўқувчиси
Юсуф Исроилов менинг 1962 йил,
ноябрь ойида «Гунча» журналида чиққан
«Мотор кўйлак» шеъримни ўқиб, бир
мактуб ёзди. Шу мактубга жавоб.)*

Юсуфжон, балли, раҳмат,
Ёзбисиз мазмунли хат.
Хат боши салом Сизга,
Энди мен ўтсам сўзга,
Хатингиз менга ёқди,
Кўнглимда чақмоқ чақди.
«Мотор кўйлак Тошкентда,
Қай заводда ишланди?
«Динамо»да у борми,
Сотиб олсак бўларми?
Нархин айтинг, неча пул,
Оғирлиги неча пуд?»
Деб сўрабсиз мактубда,
Ҳавасингиз зўр қалбда.
Мотор кўйлак кийишни —
Осмонда сайр этишни —
Биламан, сиз севасиз,
Бир сиз эмас — ҳаммамиз.
Лекин яна бир гап бор,
Ҳаммага тенг бир наф бор.
Шуни ўйламоқ керак,
Олам бўйламоқ керак.
Сиз тайёрни кўзламанг,
Ўйламасдан сўзламанг.
Ўзингиз ҳам бир изланг,
Ундан қизигин кўзланг.
Ўқиябсиз мактабда,

Ешлигингиз офтобдек.
Қай томон чўзсангиз қўл,
Сизга равон, очиқ йўл,
Илм-ҳунар, таги мўл.
Улуғ Ленин ўғлисиз,
Коммуниам гулисиз.
Химияни ўқиябсиз,
Физика ўқиябсиз.
Ўқиябсиз ҳисобни,
Ўқиябсиз китобни.
Ерни, сувни, офтобни,
Тепаяпсиз коптокни.
Ҳаммасин ўқиябсиз,
Ўқитгани уқябсиз.
Илми солинг ишга,
Ўрганинг яратишга.
Кутманг мотор кўйлакни,
Ишлатинг онг, билакни.
Ясаб олинг ўзингиз,
Топқич фикр-кўзингиз.
Ясанг сиз осмон костюм,
Узайтиринг инсон дастив.
Мотор кўйлак нима у?
Янгилик эмас-ку бу.
Паращют капалак-ку,
Ё оддий вертолёт-ку,
Шаҳар учар мисли «Ту»
Шовқинсиз майин гув-гул.
Ахир атом асри-ку,
Одам ақли асил-ку.
Акангиз мард Гагарин,
Ишланг сиз фан тулпорин.
Бўлинг жажжи Алпомиш,
Олма пиш-оғзимга туш, —
Деб ўлтирманг, асло бўш.
Мотор кўйлакни кутманг,
Бу гапимни унутманг.

1 9 6 2 й и л.



НУР КОНИ ҚАЙДА ЭКАН?

Нур кони қайда экан?
Ут кони қайда экан?
Фақат Қуёш, Ойдами
Ёки тоғ-тош, сойдами?
Ёки чақмоқ чақинда
Ё булут оқимида.
Ё бұрон тақимида
Қуюнлар қўйнидами?
Шамол ўйинидами?
Ё дарёда кезарми,
Тўлқинларда сузарми?
Ё шалола ичида,
Ё вулқонлар кучида,

Айтинг, уни ким ушлар,
Қайга қўнар нур қушлар?
Эркин билолмай ҳайрон
Дададан сўрар бийрон.
Дадаси сўзлар майин:
— Нур кони, болам, тайин.
Уни ушлар инженер,
ГЭС қурувчи ишчи шер.
Дарёларни гиб бўғар,
Шалола кучин йиғар.
Қучар пўлат тўғонлар
Цемент, бетон, қопқонлар.
Ушлар электр кучни,
Паҳлавон ўткир кучни.
ГЭС ичига қамашар,
Минг мурватни бурашар.
Томизмай заррасин ҳам
Боғлашар зардасин ҳам.
Нур кони қўлимизда,
Фикримиз, дилимизда.
Офтоб, ой йўлимизда,
Ҳаммасин ўрганамиз,
Томчи бу кўрганимиз.



Н У Р К О П Т О К

*(«Дада осмонда осмондек копток кўрдим»
— деди қизим Баҳриой)*

Дум-думалоқ бир жумбоқ,
Жуда қизиқ нур жумбоқ.
Қизим, Баҳри, ўйлаб боқ,
Кўк коптоги жуфтми, тоқ?
Кўк денгизда кўк копток,
Кўп коптокда кўп копток.
Кўп коптокда нур копток,
Нур копток кўркам копток,
Нур копток улкан копток.
Қизиқ, аломат копток,
Осмон оламдек копток.
Нуқул нурдан ишланган,
Олтин дурдан ишланган.
Кимди уни ушлаган?
Йўқдир уни ушлаган.
Талай жажжи кичиги,
Коптоқларнинг гижинги.
Минг-миллионлаб беҳисоб,
Қиламиз ҳисоб-китоб,
Уни билдирар китоб...
Спортчилар қувла, чоп.
Уни тутиш йўлин топ,
Тутиб ол, ўйнашга боп.
Лекин биттаси олов,
Кундуз ёнади лов-лов.
Уни ушлаб бўлмайди,
Тепиб, муштлаб бўлмайди.
Унга олов қўл керак,
Илм, ҳунар йўл керак.
Уни ҳозир тутмаймиз,
Аммо ҳеч унутмаймиз.
Тутмасдан ҳам қўймаймиз,
Қолганлари маза, соз.
Спортчилар, қил парвоз,
Юрий акам каби уч,
Нур коптокни сакраб қуч!
Кумуш копток, зар копток,


Олтин нур гўзал копток.
Оламда ўзар копток,
Оламини безар копток.
Ҳаммасин тутиб олиб,
Қувалаб йўлга солиб,
Ўйнаймиз катта ўйин.
Чир айланиб кўк қўйнин.
Гир айланиб кўк қуюн,
Эгамиз кўкнинг бўйнин.
Бизга фазо, ер, осмон,
Маза кенг стадион.
Уфқлар дарвозамиз,
Қулочни кенг ёзамиз.
Ер одам, осмон одам,
Курашамиз олмай дам,
Тортишамиз биз бардам.
Осмон одамин тутиб,
Нолда қолдириб ўтиб,
Роса қойил этамиз,
Ўзга мойил этамиз.
Барин тутиб терамиз,
Болаларга берамиз.
Баҳри қизим, санаб боқ,
Кўк коптогинг жуфтми, тоқ?



ИССИҚ-СОВУҚ

Иссиқ-совуқ бир-бирига зид дердим,
Булар феъли мушук билан ит дердим.
Бир-бирига иссиғи-совуқлиги
Келишмаслик нишонаси, ёв қилиги.
Уйлардим иссиқ қайда, совуқ қайда,
Маконларин билайин, қайси жойда.
Аслин билсам иккиси туғишгандай,
Ака-ука сингари ўхшашгандай.
Теран боқсам булар ҳам дўст-ёр экан,
Дўст-огайни доим бахтиёр экан.
Қуёш экан иссиқнинг она боши,
Оймомажон совуқнинг қалам қоши.
Икковлари оламнинг нақ тенг бўлиб
Нур сочишар дўстликнинг кўрки бўлиб.
Ҳаётнинг қош-кўзи кўрки бўлиб.
Кундуз қуёш, тунда эса оймома,
Бажараркан дунё ишин мардона.
Тўрт фаслни тузган ҳам шулар экан,
Йил, асрни тузган ҳам шулар экан.
Шарқ билан ғарб, жануб ҳам шимол тузиб,
Орасида оқар сув, шамол кезиб.
Усимлигу жони-жондор ҳаммасин ҳам
Сизу биз деб тузган экан, тинмай бардам.
Иссиқ-совуқ бизнинг ҳам қалбимизда
Пайвандижон жонимизда, қонимизда.
Қалб меҳримиз таптидан иссиғидир,
Жаҳлимизнинг заҳридан совугидир.
Аммо инсон қалб иссиғи-совуғин
Унга асло тенглаб юрманг сиз тағин!?
Одам қалбин иссиғи ошиб-тошсин
Лекин, ҳай-ҳай, қалб совуғи гумдон ошсин.





КУН ВА ТУН

**Яхши ёмон сўз каби
Бу ёрқин сабоқ бизга.
Нечун куну нечун тун?
Билганим айтсам сизга:
Кун, албатта, дилбар, соз,
Оламга ҳусн пардоз.
Афсус, тун қўпол бир оа.
Табиати қоронғу,
Ваҳмаси совуқ, аёз.
Аммо лекин туннинг ҳам
Ажойиб жамоли бор,**

Қоп-қаро тус бахмалдай
Салобат, камоли бор.
Кунга ўжшаш тунда ҳам
Талай ишлар битади.
Ҳай-ҳай, ойдин тунлари
Кундуздан ҳам ўтади.
Чамандек юлдузлари,
Ҳамма ёқ жимжит, сокин.
Табиат ором олар,
Кўзинг очиб-юмгунча
Бўз тонг оқариб қолар.
Яна кун порлар кундуз,
Ҳамма хизматда яна.
Тун ҳам кунга мададкор,
Гуноҳи туси қора.
Кун дегани ёруғлик,
Тун эса қоронгулик.
Иккиси оға-ини,
Бири бирига боғлиқ.
Бир-биридан ардоғлиқ
Лекин бир хил болалар
Тунни севмас не сабаб.
Қоронгудан қўрқишиб,
Чўчишади ваҳмалаб.
Бўлмаса тун ҳам яхши,
Кунжоннинг соя нақши.
Икковлари эгизак,
Оламга берар безак.
Бири-бирига ўзак.



ФАСЛЛАРНИНГ МЕҲРИ ЭРИБ ТОШГАНДА

*(Қизчам Гулиойнинг: «Дада, нега бу йил
қиш бўлмапти?» — деганига жавоб)*

Фаслларнинг меҳри эриб тошганда,
Фаслларнинг меҳри жўшиб Тошкентда.
Тўрт фаслим, тўрт баҳодир
Бир-биридан зўр баҳодир,
Ҳамма ишга моҳир, қодир.
Бир-бирини қилиб қадр
Қадам босар шахдам, дадил.
Тўрттови ҳам теппа-тенг,
Қўнгилларин тутиб кенг,
Бир йилни — тўрт бўлишган,
Бир жон — бир тан бўлишган.
Ҳар фасли уч ойдан,
Бел боғлаб тўқсон жойдан,
Буларга, дунё майдон,
Куч эмар Қуёш, Ойдан.
Хизмат қилишар, эриб,
Бир-бирга меҳр бериб.
Гўзал йилни тузишар,
Узар йилни тузишар,
Гўзал Ерни безашар.
Аммо гоҳ меҳри ошиб,
Ғайратлари туташиб.
Қувлашмачоқ ўйнашиб.
Шўхлиги ҳаддан ошиб,
Уз ишидан адашиб.
Узларин билмай шошиб,
Кўзлари ҳам қамашиб
Ёз қишга кириб кетар,
Қиш меҳри эриб кетар.
Қиш қишлигин қилолмас,
Гўзал оққуш бўлолмас.
Қорбобо ҳам келолмас
Бу, албатта, соз эмас.
Қишдаги ёз, ёз эмас,
Бу эркалик ноз эмас,
Фаслларга мос эмас.

Ҳар фасл ишин билсин,
Қишвой, қишлигин қилсин,
Майли қирчиллаб турсин,
Қори ғарчиллаб турсин!
Бундан буён адашмасин,
Ез ҳаддидан ошмасин.
Бўлсин меъёр режада.
Бу нима қаш чиллада
Езнинг мужмал қилиги,
Эркалик тантиқлиги
Қиш олсин навбатини,
Қуйсин қанд-новвотини.

14. I. 1966 й.

ҲАРФЛАР ҲИИНИ

Ҳарфлар ёзда бўш қолиб,
Юраги қизиб кетди.
Беркинмачоқ ўйнашиб,
Ҳар ёққа тўзиб кетди.
«А» айри столбадек,
«Б» барабан шўх, қувноқ.
«В» вағ-вағ мотоцикл,
«Г» гўзал илгак қармоқ.
«Д» дарбоз самакатка,
«Е» елдек оқ қуёнча.
«Ё» ёлдор гижинг тойча,
«Ж» жажжи шўх гармонча.
«З» зўраки «уч» баҳо,
«И» ингичка қисқичча.
Соатсозларга керак,
«Й» йилтироқ капалак,
«К» келишган бўталоқ,
«Қ» қирғий учқур илдам.
«Л» лола қизил кўркам,
«М» «Москвич» машина.
«Н» нарвонча бир зина,
«О» олмадек тарвузча.
«П» пўлатдан турникча,
«Р» ростакам байроқча.
«С» сулув янги ойдек.
«Т» турна самолётдек,
«У» узун карнайчадек.
«Ф» физкультурачи полвон,
«Х» худди вентилятор.
«Ч» чумоли оғзидек,
«Ш» шкафча ёшиги.
«Э» эгар минсанг агар,
«Ю» юмалоқ самовар.
«Ў» ўрдакча оғзидек,
«Я» янги тоқ қайчидек.
Ҳаммаси ҳар хил тусда,
Ўзгарилиб бирпасда
Тушдилар танца-ўйин
Қувлашиб шамол қуюн.
Болалар қани топсин,

Алифбесига боқсин.
Пойгачилар бўш келмас,
Қувлаб тутишар қўймас.
Бошладилар қидириш,
Ҳарфлар бари таниш.
Кўпчилиги тутилди,
Беши қочиб қутилди.
Болалар сиздан талаб,
Югуринглар ҳар тараф.
Ҳаммангиз ёрдам беринг,
Беш ҳарф қочди қидиринг.
Белгисин айтсам шундай:
Тўртови думдор бирдай,
Бирининг белбоғи бор,
Ушланглар турмай бекор,
Келтиринглар ўтмай зум,
Ҳамма ҳарфлар турар жим.
Келтирдилар «Ц», «Ҳ»ни,
Камарча таққан «Ғ»ни,
Қаттиқ хафа биттаси
Юпатади кенжаси.
Тўлқин берар команда,
Барча ҳарфлар шу онда
Тизилишдилар сафга,
Йўл олдилар мактабга.
Энди ҳарфлар тўзимас,
Юраклари қизимас.
Синф тўла ўртоқлар,
Ўқиб, ўйнар қувноқлар.



КЎРИНМАС ЁВ

Кўринмас ёв,
Қилади ов,
Ҳар ишда гов,
Гар ичсангов,
Вақтинча дов.
Сўнг шалпайиб,
Ланж ялпайиб,
Тананг зир-зир,
Суяк қизир.
Жонинг ёнар,
Тилинг сайрар.
Дил қоронгу,
Оғзинг оғув.
Талха аччиқ,
Ақлинг қочиб,
Яна истар,
Ют деб қистар.
Қуртдек талар,
Ич таталар.
Бағринг ёнар,
Заҳар бости
Жоннинг қасти,
Қилар абгор.
Охири кор
Этиб жонга,
Қўшмай сонга,
Кўзинг шилпиқ,
Еш мўлдир жиқ.

Қовоқ шишган,
Бўйнинг тушган.
Пойма-пой сўз,
Лўқ бўлиб кўз.
Гардон қотар,
Томир тортар.
Қўлинг титроқ,
Узинг қўрқоқ.
Ваҳма босар,
Юрак қисар.
Доим тажанг
Сағалга жанг,
Аҳволинг танг,
Бош ҳангу манг,
Қулоқ гаранг,
Бу нима ҳол,
Қандай аҳвол.
Дейсан увол,
Эсиз одам,
Бўпти тамом.
Кўринмас ёв,
Ебдиёв,
Эсиз одам
Битибдиёв,
Кўринмас ёв,
Шум бало гов.

6. I V. 66 й.

ЧАНГ БИЛАН ЖАНГ ҚИЛАМИЗ

Кўринг ҳамма ёқ тоза,
Тозалик қандай соз-а.
Лекин битта губор, чанг,
Шаҳар ҳуснида доғ, занг.
Ивирсиб увададек,
Ўргимчакнинг инидек
Асфальтни хира қилар,
Одам таъбин кир қилар,
Биз зарбдор бригадалар,
Отряди дружиналар
Пионер патруллармиз,
Темир пўлат қўллармиз.
Чанг билан жанг қиламиз,
Чанг ҳолин танг қиламиз.
Кўчаларда қоровул,
Суз сепар машина — қўл.
Мактабу ишхонада,
Вокзал, вагон, хонада
Чанг билан эл курашар,
Чанг, губорни қувлашар,
Шаҳарга қўнмасин гард.
Машина юрсин ялт-ялт,
Тутамиз чанг, шайтонни.
Микроб деган шпионни.
Қўл билан ушлаб бўлмас,
Бошига муштлаб бўлмас,
Кўзга кўринмас ўғри,
На боши бор, на қўли.
Дум-думалоқ фалокат,
Касал ёяр ҳалокат
Унинг йўқ тайин уйи,
Йўқ кирмаган кўча-кўйи,
Ярамас дайди, саёқ,
Елим, шилқим ёпишқоқ.
Машинага осилар,
Ғилдиракда босилар.
Бирдан шамолга миниб,
Уни самолёт қилиб,
Қуюн билан қувлашар,
Девор, томлардан ошар.

Дов-дарахт йўли тугар,
Баргга чап бериб ўтар.
Борар ойна ёнига,
Тиқ-тиқ тегар жонига.
Хира қилар юзини,
Очирмасдан кўзини.
Тирқишдан кирар қирқ-қирт,
Шкафга қўнар исқирт.
Кўзни шамғалат қилиб,
Лип этиб сакраб ирғиб,
Одамга ўтиб олар,
Ёпишиб ётиб олар.
Ўтар бурун-оғизга,
Кирар ўпка, бўғизга.
Микробни қўйиб қочар
Безгак пашшадек учар.
Супургини менсимас,
Қашлогичим дейди мос.
Пилесосдан зириллар,
Ушласа узр сўрар.
Додин берар ёмғир, сув,
Тўкилиб ўлар дув-дув.
Тувак гул ушлаб олар,
Барглар шапалоқ солар.
Унга ҳам бўй бермайди,
Ҳадеганда ўлмайди.
Фақат уни ўлдирар,
Паймонасин тўлдирар,
Биттагина йўли бор,
Пионерлар, бўл тайёр!
Кўчат, гуллар экавер,
Чаман бўлсин ҳамма ер,
Ерни боғ-роғ қопласин,
Чанг, губорни ҳўпласин.
Қопласин ерни ўрмон,
Яшнасин боғу майдон.
Чангни бўғсин томоғдан
Ушласин қўл-оёғдан.
Ғарқ этсин яшил денгиз,
Дўстлар, кўчат экингиз,
Қонайлик ҳаво, нурга,
Чангни кўмайлик ерга.



СОЛИЖОН БИЛАН САВОЛЛАР ЖАНГИ

Саволлар бир кун яна
Соливойнинг йўлини тўсди.
Соли мактабда ўқир,
Ақли бўйи қанча ўсди?
Қани бир кўрайлик-чи,
Савол бериб синайлик-чи,
Саволларнинг бошлиғи:
— Соли, кўзинг оч, — деди —
Қани бизни ечмасдан
Қадам ортга қоч, — деди!
Ерга кирсанг қулоқдан,
Кўкка чиқсанг оёқдан
Ушлаймиз, силжитмаймиз,
Кўз-қошмиз ҳар қаёқдан.
Юз бир дона хилма-хил,
Саволимиз бор сенга.
Ҳаммасин айтиб берсанг,
Огзингга бол, ёг сенга!
Соли кўзи олайиб,
Саволларга қарайди.
Агар роса интилса,
Ечмоққа у ярайди.
Лекин ҳозир эпполмас,
Саволлар босиб олган.
Занжир ҳалқа бўлишиб,
Йўлини тўсиб олган.
Ноилж «майли» деди,
Қўйворинглар ечаман.

Ўртоқлар, кечирасиз,
Ҳозирча ўқувчиман.
Мабодо ечолмасам,
Менга шаҳар берасиз.
Ахир ечиб бераман,
Ёш кучимни биласиз.
Саволларнинг бошлиғи
Бошлаб берди саволни.
Ҳар савол тепа тоғдай
Чўчитворди Солини.
Осмондаги юлдузлар
Санаганмисан нечта?
Оймомага қурилар
Қачон электр почта?
Нега ёнғоқ меваси
Тарвуздай катта эмас?
Нечун ҳамма ўқувчи
Нуқул бешга ўқимас?
Нима учун тол-терак
Меваси йўқ, айт қани?
Инженер қандай топар
Ер остида бор конни?
Нима учун булоқнинг
Суви сира қуримас?
Сариёғ нега бўрсимас?
Олтин нега чиримас?
Солижон ҳайрон қолди,
Саволлар зўр-ку жуда.
Мен дарров ечолмайман
Ўқишим керак бунга.
Беш-ўнига жавобни
Қотириб ташлади-ку.
Қолган тўқсон бирига
Бошини қашлади у.
Менга шаҳар берасиз,
Жон Саволжон амаки,
Барин ечиб келаман.
Китобим-ла гаплашиб,
Тезда учиб келаман.
Унгача янгисини
Топиб қўйинглар, майли.
Саволларнинг бошлиғи

Дер сўзинг ўткир, мойли.
Қани тез бор, ечиб кел!
Муҳлат эрта тонггача,
Шу ерга тез учиб кел!
Сенга рухсат унгача.
Солижоннинг қўли қанот,
Қуш бўлиб уча кетди.
Бир зумда уйга етиб,
Китобни қуча кетди.
Варақлаб оча кетди
Саволларни еча кетди.
Юз бир саволга жавоб
Топиб берди китоби.
Ҳаммасини ўхшатиб
Қилди жавоб ҳисобин.
Оёгин қўлга олиб
Чопди саволлар томон.
Савол бошин кўради,
Салом бергач Солижон —
Савол-жавоб сўради.
Қолган катта-кичиги
Атрофини ўради.
Бу гал бизнинг Солижон
Гўё бир қаҳрамондай.
Саволлар бошлиғини
Мот қилди паҳлавондай.
Юз бир савол — барини
Бир-бир ечиб ташлади.
Саволлар бошлиғини
Кўнглин роса ҳушлади.
Ҳамма саволлар қойил,
Миқ ётмай доғда эди.
Солижонга раҳмат деб,
Севишиб ардоқлайди.

Шундан бери саволлар
Солижон билан адаш.
Энг қадрдон оғайни
Бўлишганлар кўзу қош.
Чунки Соли қўлида
Энг доно китоби бор.
Ҳар қандай саволни ҳам
Ечар йўл — ҳисоби бор.

БОЙҚУШ ЭМАС, ОЙҚУШ ҲАҚИДА

Қадим-қадим замонда
Жуда олис томонда
Утганмиш бир подшо,
Жон-жондор қушларга шоҳ.
Оламда қуш паридан,
Сони, биқин, бағридан
Парининг майинидан.
Кун тегмаган еридан,
Ҳар бир қушдан биттадан,
Нозик, қитиқ патидан.
Юлдирибди атайлаб
Парни бахмалга жойлаб
Болиш тўшак ясатган,
Қушлар жонин қақшатган.
Ойқуш эса шоҳ сўзин
Бажармай буриб юзин,
Хахолаб кулган эмиш,
Қушларга куйган эмиш.
Паридан бермаганмиш.
Шоҳ деганмиш: — Тутинглар,
Ойқуш кўзин ўйинглар,
Қолдирманг битгасини,
Ўлдиринг ҳаммасини.
Бойқушжонни тутишар,
Шаҳло кўзин ўйишар.
Бун кўриб кўп ойқуш
Қўрқишиб бари ноҳуш,
Чаман боғдан бешишар,
Пастқамларга кетишар.
Ғор-туйнукка буқишар,
Одамдан беркинишар.
Ҳанузгача жонивор,
Гуноҳсиз қушча — жондор
Богларга йўлолмайдн,
Ҳадиксиз юролмайдн.
Юрмайдн ҳатто кундуз,
Тунда юришар ёлғиз.
Қачон кўрсанг чет-четда,
Беркиниб ўтда-бўтда.
Жуда камайиб кетган,

Ваҳма суякка етган.
Икки кўзи ўйнаган,
Алланима ўйлаган.
Хаёл сурар паришон
Уша қўрқувдан нишон.
Лекин ҳамон чақ-чақлаб,
Фарёдлаб, шикоятлаб.
Хаҳолаб кулиб қўяр,
Қовоғин уйиб қўяр.
Буни баъзи билмаслар,
Янглиш уни севмаслар.
Аксимча ёмон қуш деб,
Тилаги беомон қуш деб.
Қайда кўрса қувлашар,
Баъзан тутиб қийнашар.
Бу нотўғри мутлақо.
Қуш гўзали бу танҳо,
Патлари кул ранг ипак,
Устига хол сепгандак,
Энг дўмбоқ қуш гилдирак.
Бир ажойиб келишган,
Кўрганда суқинг тушган,
Қоши қайрилиб тушган.
Кўзи ўткир — шахло кўз,
Гавҳари гўё ўттиз.
Электрдай ёнади,
Юмрон ўтин ёради.
Кўр сичқонни қиради,
Каламушни уради,
Тунда соқчи юради,
Шунақа фойдали қуш,
Изда-қоидали қуш.
Ҳеч кимга озори йўқ,
Зарари — безори йўқ.
Дала-экин посбони,
Деҳқоннинг севган жони.
Буни билмай баъзилар
Эски, чакки оғизлар,
Қўнса эмиш дарахтга,
Ё бирон иморатга,
Қўнган дарахт қурурмиш,
Бино вайрон бўлурмиш.

Ҳатто ойқуш уявонин,
Ажойиб гўзал номин,
Дерлар янглиш: Бойғули,
Хароба қуш, қайғули.
Йўқ, мутлақо ундаймас,
Ойқушжон бундай эмас.
Қанотли дўст сараси,
Саранинг ҳам аълоси.
Дунёда энг бир ювош,
Ой каби қайрилма қош.
Бойқуш эмас, ойқуш қуш,
Кўрсангизлар қилинг хуш.



АДҲАМЖОН БИЛАН АСАЛАРИ

Бир кун колхоз богида
Адҳам ўйнаб юрарди.
Капалак қувлаб чарчаб,
Дамин олиб турарди.
Тол тағи муздек салқин,
Этагидан оқар сув.
Кўк майсалар товланиб,
Шамол эсарди гув-гув.
Ранго-ранг гул-чечаклар
Боғчани безатганди.
Гул-раъно, наъматаклар
Бўялиб қизарганди.
Шу чоқ қий-чув бошланди,
Патнис чалиб ҳар тараф.
Бир тўп ари учарди,
Гул боғчада ин танлаб.
Боғча ёқди, арилар
Айланишиб қолишди.
Бир нечаси гулларга
Шира истаб ёпишди.
Адҳам буни кўраркан,
Ёш ҳаваси қўзғалди.
Ариларга тегаркан,
Қўлини чақиб олди.
Шишиб кетди мурғак қўл,
Онасини чўчитди.
— Ари тушсин, жон болам,
Сени билмай чақибди.
Асалари қурмагур,
Ўзи учиб кетдимми?
— Йўқ, ойи, кетолмади,
Чаққан жойда ётибди.
Қуёш ботди, кеч кирди,
Қушлар қўноғ ахтарган.
Подачилар молларин
Ўйларига қайтарган.
Бу кун Адҳам уйида;
Мўлгайиб ўтиради.
Ота қайтаркан уйга,
Ўғлин хомуш кўради.

Кўзин қисиб онаси,
Адҳамдан сўз бошлади:
— Ари тушсин, дадаси,
Ўғлим кўзин ёшлади.
— Ие, ўғлим, шундайми?
Нега жим деб айтувдим.
Зарар қилмайди майли,
Керакмас дори-ирим.
Она келтирди овқат,
Ота секин қўл чўзди.
Адҳам бир оз бетоқат
Овқатни еб чўзилди.
Дастурхонни йиғишиб,
Суҳбатга киришдилар.
Бир-бирини тинглашиб,
Адҳамдан кулишдилар.
— Адҳамжон, қани болам,
Бери келгин кўрай-чи?!
Ёмон чақдими, бўтам,
Қўлинг бергин, силай-чи?
Силаб туриб отаси,
Адҳамни танқид этди.
Қулоқ солиб боласи,
Насиҳатин эшитди:
— Аввало айб ўзингда,
Шўхликка берилгансан.
Ўт чақнайди кўзингда,
Тегмаганга тегасан.
Ўзинг ўйла, яхшими,
У кун қилган ишинг?
Тиллақўнғиз шўрликни,
Ипга боғлаб қийнашинг?
Ўтган кун ҳам бир қушни,
Аямай қийнаб эдинг.
Қанот-патларин юлиб,
Кўрмулла қилган эдинг.
Шунга ўхшаб арига
Аввал ўзинг теккансан
Е инига чўп тиқиб,
Сен безовта этгансан.
Бўлмаса у ҳеч маҳал
Тегмаганга тегмайди.

Боларининг иши қўп,
Ишдан қўли тегмайди.
Боларида бир одат,
Қир юрсанг ҳам севмайди.
Сен агар тоза юрсанг
Пашша-чивин қўнмайди.
Ари катта пашшадек,
Рангли қўнғиру қизғиш.
Оғзи, бурви хартумлик,
Ханжар тили ялағич.
Оёғи уч жуфт бўлар,
Сонида саватчаси.
Бунга овқатни солар
Тиришқоқдир ишчиси.
Кўксида жуфт холи бор,
Ундан асал, мўм чиқар.
Мўмдан ясаб уясин,
Уясига бол қусар.
Булар уч хил бўлади
Ота-она ва ишчи.
Ҷаммаси бир туради,
Тартиблидир турмуши.
Она боши буларнинг
Уясида ўтирар.
Тухум туғиб наслини
Йилдан-йилга ортдирар.
Ишчиси гулзор бўйлаб,
Кун бўйи ҳар ён учар.
Гул ширасин тўплайди,
Боғма-боғ чечак қучар.
Боларининг фойдаси,
Бизга асал, мўм берар,
Яхши боқсанг лаззатли,
Асалини мўл берар.
Боғимизда гул зотин
Бир-бирига қўшади.
Мевамиз ҳосилотин
Болари яшнатади.
Ота қизиб сўзларкан,
Эшик тиқиллаб қолди.
— Чиқиб қаранг, ким экан?
Ширин суҳбат тўхталди.

Эртасига Адҳамжон
Мактабдан қайтди хурсанд.
Овқат қилиб дам олгач,
Уйнашга чопди бирдан.
Эсга тушиб кечаги
Ари томонга борди,
Қўрқа-писа уларга
Четдан туриб гап сояди:
— Ҳой арилар, ҳорманглар,
Ишлаб сира толманглар!
Энди ўртоқ бўлайлик,
Богда бирга ўйнайлик!
Колхозимнинг боғида,
Сизга атаб уй қурдим.
Кичик-кичик қутича,
Сиз учун ясаб қўйдим.
Тагин мени чақмангиз,
Кўп қўрқаман сизлардан.
Жон ачитар найзангиз,
Чақманг деб ўтинаман.
Уша куни билмасдан
Мен сизга теккан эдим.
Дадам сизни танитди,
Мен энди яхши билдим.
Сизлар учун гул экай,
Колхозим даласига.
Сиз берингиз мўм, асал,
Роҳат яшайлик бирга.
Арилар дўстлашгандай,
Адҳамдан айланарди.
Учиб, қўниб, ғув-ғувлаб
Гўё раҳмат айтарди.
Шу чоқ она кўринди,
Суҳбатлари бўлинди.
Адҳамжон хайрлашди,
Арилар ғув-ғувлашди.





ЧИВИН УРИШҚОҚ ВА ШАМОЛ БОТИР

Бир бор экан, йўқ экан,
Бир чивинбой бор экан.
Феъли заҳар, уришқоқ,
Қўнгли қора, тор экан.
Усимликлар ширасин,
Жониворлар қонини —
Сўриб, текин яшаркан,
Койитмасдан жонини.
Бир куни шира истаб
Қўнибди бир янтоққа.
Янтоқ чивин бурнига
Тиконин суқар поққа.
Чивин чинқириб қолар,
Учиб борар Эчкига :
— Эчки, эчки, ҳой эчки!
Қара янтоқ ишига.
Бурнимни чақиб олди
Тиканагини санчиб.
Уни ғажиб еб қўйгин,
Восиб, тепкилаб, янчиб.

Ма-малаб эчки дебди:
 — Барра ўтлар турганда,
 Янтоқни мен емайман,
 Кўаингга қараб юр-да.
 Чивин учар гингиллаб:
 — Ҳаф, саними тўхтаб тур!
 Бўрига сени айтиб,
 Шиширмоқни мендан кўр!
 — Вўри, бўри, ҳой бўри,
 Сен-ку жондорлар зўри!
 Эчки сендан қўрқмасмиш,
 Еб қўй, қурисин шўри!
 Увиллаб бўри дебди:
 — Қўй турганда эчкини
 Ялинсанг ҳам емайман —
 Егсиз ориқ гўштини.
 Чивиннинг жаҳли чиқар:
 — Ҳаф, саними, бўрини,
 Мерган акамга айтиб,
 Ўлдирай сен ўгрини.
 — Мерган, мерган, ҳой мерган! —
 Учар мерган ёнига:
 — Бўри сендан қўрқмасмиш,
 Бела қора қонига.
 Мерган дебди: — Шошмай тур!
 Ишим бор менинг ҳозир.
 Эрта отиб ўлдирай
 Бу гапим эмас ҳазил.
 Чивин диққат, гингиллар:
 — Ҳаф, саними мерган дер!
 Тештирай ўқ халтангни.
 Мендан овни ўрган дер.
 Учиб борар сичқонга:
 — Сичқон, сичқон, ҳой сичқон!
 Мерган халтасин тешгин,
 Тишинг бор олмоссимон.
 Сичқон дебди: — Чивинжон,
 Турганда буғдой-арпа
 Мерган халта тешайми?
 Тешмайман бўлма хафа.
 Чивин учар мушукка:
 — Мушук, мушук, ҳой мушук!

Сичқон сендан қўрқмасмиш,
 Беркинмасмиш тешикка.
 Мушук мўйловин силар:
 — Қўрқмаса қўрқмасин! — дер,
 Юмшоқ гўшт-ёғ турганда
 Сичқон гўшти қурсин дер.
 Чивин роса тутақар:
 — Ҳой олапар, олапар!
 Мушук сендан қўрқмасмиш.
 Юмалат, ол, талавор.
 Олапар дер чивинга:
 — Менга не қилди мушук,
 Тегмаганга тегмайман,
 Уришқоқ бўлиб шумшук.
 Чивин тажанг тутақар:
 — Ҳаф, саними кучук, — дер,
 — Болаларга урдирай.
 «Бурнинг қилай пучуқ», — дер.
 Ғингиллаб учиб борар
 Болаларнинг ёнига:
 — Ҳаф, санларни, болалар! —
 Югуриглар майдонга,
 Олапарни тутинглар,
 Тош-кесаклаб уринглар!
 Сизларни қопар эмиш,
 Қопмасдан ўлдириглар!
 Болалар кулишибди,
 «Ғингиллама, чивин» деб.
 Кучук бизга тегмаса,
 Биз урайлик нечун, деб.
 — Ҳаф, санларни, болалар! —
 Шум чивин жиғибийрон,
 Оналарингга айтиб
 Саватай жундек чунон.
 Чивин учар зингиллаб
 Оналарнинг ёнига:
 — Ҳой оналар, оналар!
 Қулоқ солинг додимга.
 Болангизни урингиз,
 Адабини берингиз!
 Менга тинчлик бермайди,
 Буни яхши билингиз!

Оналар дебди, тузук,
Ҳозир эмас кечқурун.
Чивин жони чиқипти
Гапи топмагач ўрин :
— Ҳаф, саними, оналар!
Шамолга айтай сизни.
Шамол акам чангитиб
Булғатсин ҳовлингизни.
— Шамол, шамол, Мирҳайдар!
Шамолингни қўявер.
Ота-онанг ўлибди,
Кетмон олиб келавер, —
Деган экан — бир қаттиқ
Кучли шамол турибди.
Оналар ҳовлисини
Тозалаб супурибди.
Аммо уришқоқ чивин
Ўзи қопти балога.
Шамол уни учириб
Кўтарибди ҳавога.
Чанг-чунг, тўзон аралаш,
Йироқларга сурибди.
Юмалатиб, мижғилаб
Тоғу тошга урибди.
Қаноти қайрилибди,
Оёқ-қўли синибди.
Чангак бўлиб учолмай
Чивин кўзи тинибди.
Ўлай-ўлай деб толиб,
Бир чеккада ётганда,
Читтакча еб кетибди,
Ел тиниб, тонг отганда.



ТУТ ДАРАХТИ ВА ИПАК ҚУРТИНИНГ ТУҒИЛИШИ

Абдулла Набиев номидаги пионерлар уйининг адабиёт тўғараги ўқувчиси Рамажон бир кун менга савол беради: «Нима учун ипак қурти тут баргини севиб ейди-ю, бошқа дарахтларнинг баргини емайди?»

Тингланг, Рамзжон ўғлим,
Бўлажак шоир гулим.
Саволингизга жавоб
Арзигулик монанд, боб
Бир гапни топгунимча
Бўлмади унча-мунча.
Ўқидим талай китоб
Маъноси нур, офтоб.
Варақладим қанча, боб.
Одамлардан сўрадим,
Олимлардан сўрадим,
Сўроқладим-изладим,
Мақсаддан кўз узмадим.
Охири топиб олдим,
Жавобни шеърга солдим.
Қўл келди шеър сўзим,
Айтиб берди шеър юлдузим;
Ўқиб кўринг-чи қани,
Чиқарми жавоб, маъни:

Бир замонлар тут дарахт,
Эмас ипак, қурт дарахт.
Мақсад йўлида карахт.
Меваси ҳам йўқ экан,
Эгаси ҳам йўқ экан.
Усар экан ёввойи,
Тоғу тошда ҳавойи.
Тутга бу алам қипти,
Ҳасрат чекиб ғам қипти.
Ўзидан армон қипти,
Ғайратни дармон қипти.
Иснод-ку, менга бу ҳол
Беҳосил ўссам увол.
Олий тилак аҳд қилар,
Аҳд йўлида шаҳд қилар.
Нечун бўлмай дўстлардек,
Олма, нок, гилослардек.
Улкан ёнғоқ бобомдек,
Кўркама ўрик огамдек
Бодомжон, тоғолчадек.
Қиём гули олчадек.
Бир мева қилай мен ҳам,
Улардан қаерим кам?!
Бўлай дарахт сархили.
Пишай шарват ҳил-ҳили.
Деб доим тирмашибди,
Туну кун ишлашибди.
Куну ой йиллар ўтди,
Баҳор, ёз, еллар ўтди.
Ўтар қанча асрлар,
Ўтар миллион фасллар.
Ҳаракат қила-қила
Дилда ораулар тўла
Тут ўзғариб, товланиб,
Яшил барги товланиб
Тилагиға етибди.
Қўноқ балиқ тут бўпти.
Қувноқ балиқ тут бўпти.
Шарвати ортиқ бўпти,
Эл-юртга тортиқ бўпти,
Ҳаммага тансиқ бўпти.
Уни одамлар ебди,

Биринчи сариқ дебди.
Парвариш қилишибди,
Пайванди қилишибди.
Хурсанд бўпти тут дарахт
Яна ҳам ғайрати шаҳд.
Шунда ҳам кўнгли тўлмас,
Мевам олмадай эмас.
Бўлсам узум, анордай
Ҳолва, беҳи, хурмодай.
Дунёда мен ҳам бордай.
Шунчаки қўноқ тутман,
Беш, ўн кунлик унутман.
Қолган ҳамма жасадим,
Яшил баргим, савлатим
Афсус кетади бекор,
Умрим ўтади бекор.
Деб яна куйинибди,
Олға мақсад қўйибди.
Интилиб уринибди,
Оқибат шундай бўпти,
Тилаги қундай бўпти.
Қани, у қандай бўпти?
Тут дарахтдек бир қурт ҳам
Армонда ёнар ўт ҳам
Ер юзида сурғалиб,
Пружинадек буралиб,
Оёқ ости ўралиб,
Паноҳ топмай хўрланиб,
Минг мақомда турланиб,
Ҳеч кимга ёқмас экан,
Ҳеч кимга боқмас экан,
Умри ўтиб бефойда,
Уни ким кўrsa қайда,
Текинхўр деб ўлдирар,
Паймонасин тўлдирар,
Охири жондан тўяр,
Ёмон феълини қўяр.
Минг тўлганиб йўртгаркан,
Мақсадга йўл гортаркан.
Орзулар экан ул ҳам:
Элга фойдали бўлсам.
Бўлсам асаларидек,

Ҳурматли бўлсам зардек,
Афсус яроқсиз қуртман,
Шиллиқ қуртдай қуруқман.
Деб ҳамиша зорланар,
Ким кўргандан орланар.

Бахтин излар, ўрмалар,
Доим олға тирмалар,
Излай-излай оқибат
Ўрмалаб бориб бир вақт,
Шафтолига чиқибди,
Баргидан чимчиб ебди.
Ачиб кетибди оғзи,
Бўгилиб ютқин бўғзи
Танаси тиришибди,
Зўрға қайтиб тушибди.
Ўзини эплаб олиб,
Ҳар тарафга кўз солиб,
Тирмашибди ёнғоққа,
Кўкси баланд тик тоққа.
Силлиқ экан пўстлоғи,
Қуртнинг тойиб оёғи
Қийналиб ўрмалабди,
Шоҳидан думалабди.
Яна қайтиб чиқибди,
Баргидан чўчиб ебди.
Жуда ҳам тахир, аччиқ,
Ундан ҳам ҳуркиб қочиб
Бир пайт гулга борар,
Баргини севиб ялар.
Ширин экан-ку, аммо
Унда ҳам йўқ қувватбо, —
Ҳидига кетар экан,
Қурт қайрон йўртар экан.
Ниҳоят толиб бориб,
Йўлларда қориб бориб,
Қўноқ тут-ла учрашар,
Қувноқ тут-ла учрашар.
Дил ёзиб ҳасратлашар,
Дўстлашиб улфатлашар.
Узоқ маслаҳатлашар.
Орзулари бир чиқиб,
Қўш орзудан нур чиқиб,

Оғайни бўлишибди,
Вафо аҳд қилишибди.
Тут баргин бермоқ бўпти,
Қурт баргини емоқ бўпти.
Яхши тилак ярим мол,
Ярим молмас бутун мол
Юз берибди шундай ҳол:
Тут баргидан тўйиб еб,
Унга меҳр қўйиб еб,
Қурт ўзгариб бутунлай,
Товланиб ҳусни дурдай,
Ярқираб бахмал гулдай,
Пилла қурт бўлиб қопти,
Тилла қурт бўлиб қопти.
Ушандан бери тут, қурт
Ўтган кунлари унут
Бўлиб дўсти қадрдон,
Уюшиб ипак хирмон —
Эл кўнглини хушлашар,
Қўллашиб-қўлтиқлашар,
Ишлашиб роҳат яшар.
Шу сабабдан қурт доим
Тўлганиб хуш мулойим
Рангто-ранг гўзал туллаб,
Очилиб ҳусни, гуллаб,
Ўтган умрин хотирлаб,
Охирида патирлаб,
Пилла бўлиб қоларкан,
Тилла бўлиб қоларкан.
Шунинг учун пилла қурт,
Гўзал, асл тилла қурт.
Вафо қилиб аҳдига,
Севиб тут дарахтига,
Она сут дарахтига,
Ҳамиша меҳр боғлаб
Онасидек ардоқлаб,
Ўзга барг емас экан,
Ваъдасин бузмас экан.
Пилла қуртдай тутнинг ҳам,
Тилаклари бўлмайдикан,
Хил-хил мева бераркан,
Шарват ҳил-ҳил бўларкан.

Қўноқ туту балиқ тут,
Шотут даво ёглиқ тут.
Марвартаги ортиқ тут,
Бутун борлиқ гавдаси,
Новда, шохи-шаббаси,
Чиқитга чиқмас экан,
Ҳамма ишга мос экан.
Дуторнинг қопқоғи ҳам,
Онамиз тароғи ҳам,
Ҳамма чолғу асбоблар
Дутор, ганбур, рубоблар. }
Ишланаркан шу тутдан,
Тори ҳам ипак қуртдан.
Қўш ипак тор бирлашиб,
Тут қопқоқ-ла тиллашиб,
Бир-бири-ла сирлашиб,
Она-бола ҳидлашиб
Меҳрини куйлашаркан,
Минг тилда сўзлашаркан.

1965 йил.



БИР ҮЗБОШИМЧА ЧУМЧУҚ ҲАҚИДА

Дўстлар, шундай воқеа
Чумчуқлар эрта баҳор
Ин қурмоқ бўлишипти,
Ҳаммалари бир қатор,
Бир турмоқ бўлишипти.
Булар ичида ёлғиз
Бир чумчуқча көккайиб,
Кўпчиликка қўшилмай
Қанот патларин ёйиб,
Депти: — Тураман якка,
Тайёр кавак инлар кўп,
Ҳаммаси ўзимники,
Нима керак ин қуриб.
Бир кичик сўққа бошим
Қайга борсам сираман.
Ин қуришнинг ўрнида
Ялло қилиб юраман.
Чумчуқчанинг гапига,
Кўпнинг қотиб энсаси:
— Бундай қилма, ўғлим, — деб
Яливишти онаси.
Қайта-қайта уқтирар:
— Бу фикринг хато, болам!
Кўпнинг юзидан ўтма,
Кўп — улуғ денгиз, олам...
Бошқалар ҳам айтишар:
— Бу ишинг, ука, чакки.
Ўзбошимчалик қилма,
Еб қолма тагин дакки.
Кўпчиликнинг сўзига
Қулоқ солмади чумчуқ.
Ликиллаб учиб кетди,
Ўзим биладан «чирқ-чирқ».
Шаҳарни кезиб чиқди,
Бир зумда чир айланиб.
Тегирмонга ҳам кирди
Сўрамай дондан олиб.
Охири паркка борди,
Кино кўрди «билетсиз».

Контролдан бекиниб,
Тол шохида уятсиз.
Кинодан сўнг боғ ошиб,
Инин тополмай шошиб,
Печканинг карнайига
Кириб қолди адашиб.
Иним, деб ёта кетди,
«Тайёр ин маза» депти.
Ис-қурумга беланиб,
Кир, масхара бўлипти.
Бу аҳволга тушганин
Ўзи сира сезмапти.
Бепарво ҳафтафаҳм
Юришини бузмапти.
Қани, ойнага боқса,
Аксини кўrsa ўзи
Юраги ёриларди,
Қинидан чиқиб кўзи.
Кўрганлар ҳеч танимас,
Ҳеч бир қушга ўхшамас.
На ола-ю, на қора,
На чипору, қашқамас.
Ҳатто буни қидирган
Чумчуқлар дув қочишар.
Бу иркит қуш қандай қуш? —
Деб жирканиб койишар.
«Орамизда йўқ эди
Бунақа ифлос чумчуқ,
Қайдан пайдо бўлди бу?» —
Чумчуқлар хафа «чирқ-чирқ...»
Бир вақт қарасаки,
Қолипти якка ўзи.
Қушларга қўшилолмай
Жовдираб мунчоқ кўзи.
Термилар ҳар тарафга
Бирор бекорчи кўрмас.
Ҳамма, иш-ҳаракатда,
«Ҳорма»га қўли тегмас.
Хаёл сулар чумчуқча
Ҳайрон бўлар ўзича:
— Мендан дўстларим безор
Гуноҳим недир бунча?!

Мусича холамларга
Борай-чи, не деркинлар
Бу хўрликка чидолмай
Кир чумчуқча ликиллаб:
— Мусича хола салом,
Бир сўзим бор айтайин.
Ҳамма мендан қочади
Хола, айтинг нетайин.
Мусича «ку-ку-ку»лаб
Сўзга киришди, қаранг:
— Яқинроқ кел, ҳой кимсан?
(У ҳам танимамай гаранг).
Тол чумчуқнинг кимисан,
Уғлими-қизимисан?
Менга ўзингни танит,
Ширгулдукми, сен кимсан?
— Мен чумчуқча бўламан,
Танимаяпсиз нега?
— Овозингдан чумчуқсан
Намунча ботдинг кирга?
Афти-ангоринг қара,
Ҳамманинг қочгани рост.
Юз-кўзинг қасмоқ-яра,
Патларинг ҳам тўзғиган.
Ис босган кир, ғижмалоқ,
Устингга қараб бўлмас,
Ҳеч бир жойинг эмас соғ.
Патларинг тарамапсан,
Ўзингга қарамапсан.
Яхшиси ҳозир, болам,
Дарёга бориб чўмил.
Чўмил, ювин, тозалан,
Тозаланиб сўнгра кел!
Чумчуқ елкаси қотиб,
Чирқ, чирқ, энсаси қотиб,
Яна тагин ўйлапти,
Ўз-ўзига сўйлапти:
«Илож йўқ чўмилмасам,
Холам сўзин қилмасам.
Ҳеч ким ёндошмас менга,
Қолмайин ёмон кунга.
Ишим бўлмасин чатоқ,

Яхшиси тез чўмилмоқ...•
— Хўп, холажон, хўп, — депти,
Дарёга учиб кепти.
Соф сувда шўнғиб-шўнғиб,
Тараниб, ювинипти.
Тоза бўлиб холанинг
Енига қайтипти тез.
•Кўринг энди, холажон•
Шодлигин айтипти тез.
Хола дер: — Вой айланай,
Энди бўлибсан чумчуқ.
Ҳеч ким сендан қочмайди,
Тозасан йўлинг очиқ.
Чумчуқчанинг кўнгли ҳам
Очилиб кетди боғ-боғ.
Ичидан офтоб чиқиб,
Сайраворди кайфи чоғ.
Чирқ... чирқ... чирқ... чирқ...
Холага раҳмат этар,
Пириллаб учиб кетар.
Дўстларин орасига
Уша он бориб етар...
Чумчуқлар кўришади
Хуркмайди ундан ҳеч ким
Дўстлари сўрашади:
— Қайда эдинг шунча кун?
Чумчуқ холам қидирди,
Биз қидирдик ортингдан.
Ҳеч ердан тополмадик,
Сарсон бўлдик кетингдан
Чумчуқча эса мағрур
Сўзлар карнай — инидан,
Дўстларига мақтайди:
— Хас инмас тунукадан,
Сизларнинг инларингиз
Ҳанузгача битмапти.
Бизнинг ин тайёр, иссиқ,
Кўкка қараб турипти.
Майли қани кўрамиз,
Кимнинг ини чиройли.
Инларингиз битсин-чи,
Солиштириб кўрайлик.


Чумчуқлар гаплашмоққа
Ортиқча вақtlари йўқ.
Ҳаммалари пириллаб,
Хизматда отилган ўқ.
Тинмасдилар бир нафас
Бири чўпу бири хас,
Бири келтирарди пар,
Бири уста дурадгор.
Ҳар бирин ўз иши бор,
Елғиз чумчуқча бекор
Серрайиб томошабин.
Ўзига таъсир қилди.
Дер: —Бир оз қарашайин..
Яна кўнгилга келди:
«Бошда нима деб эдим».
Бирдан қотди энсаси
«Ялинмайман мен!» — деди.
Синчиклаб назар солар
Кўпчиликнинг ишига.
Ичида қойил қолар,
Чумчуқларнинг кучига.
Битказай деб қоптилар,
Теракларда ин қатор.
Солинган бир қолипда
Кўрган кўзни қувнатар.
Баҳаво шийпончалар
Турмоққа роҳат, маза.
Чумчуқчанинг инларга
Ҳаваси келди тоза.
Тумшугини кўтариб,
Дили куйиб ўт олиб,
Хайр сўзини ямлаб,
Учиб кетар дайдилаб.
Учади шаҳар бўйлаб,
Каппонга ҳам боради.
Тариқ излаб атайлаб,
Тўкилган-сочилгандан
Жигилдонин тўлдириб.
Карнай инига қайтар,
Яна сезмай, кўр бўлиб.
Бўлмаса ўтган куни
Бу ин жабрин кўрувди,

Дареда чўмилмаса,
Нақ тириклай ўлувди.
Мусича хола сўэин
Тушунмапти чумчуқча.
Кўргилиги бор экан,
Анқов бўлмаса бунча.
Ёта кетар юмалаб,
Хуррак отар беҳабар.
Индан олов-дуд чиқиб,
Абгор бўпти бу сафар.
Қош, пари куйиб кетди,
Ташқари гиз-гиз совуқ.
Чумчуқча қип яланғоч,
Эгнида пар тўни йўқ.
Куйган аъзо-бадани,
Ачишарди жизиллаб.
Чирқирабди бай-байлаб,
Чидолмай юм-юм йиғлаб.
«Қани, она, дўстларим,
Бирга турсам қарарди.
Ярамга малҳамми, йод —
Суриб, тез даволарди.»
Кўпчилиқнинг қадри хўп
Чумчуқчага билинди.
Елғизлик ёмон экан,
Бошига тушиб билди.
Хатосин тушунипти
Жони оғригач чумчуқ,
«Куйган танам тузалса,
Кўпдан айрилмай... чирқ-чирқ...»
Дилдираб қор ичида
Ётар эди ўлай деб.
Тонг пайтида мусича
Кўриб: — Вой, ўргилай, — деб —
Тагин не гап, не бало
Усти бошинг қаёқда?
Чумчуқлардан айрилиб,
Нега қолдинг бу ёқда?!
У кунни тоза бўлиб,
Қайтмабмидинг инингга?
Қаерда куйиб қолдинг,
Бу ҳолга тушдинг нега?

Совуқ элитган чумчуқ
Сўзлашга тили келмас.
Кўзани зўрға очди,
Нима дейишин билмас.
Мусича қўш қанотлаб,
Инига олиб борар,
Қаришиб қолган огзин
Очиб, чайнаб дон солар.
Чумчуқча тирилади,
Холма-ҳол аҳволи танг,
Ўлимдан сақлаб қолди
Мусича хола аранг.
Чумчуқлар хабар топиб,
Келишди чирқиллашиб.
Ота-она уруғи
Кўришдилар ўпишиб.
«Мусича хола раҳмат,
Минг-минг раҳмат,» дедилар,
Чумчуқчани ўша он
Инга олиб келдилар.
Она чумчуқ парвона:
— Вой айланай, болам, деб
Ҳамма айб ўзгинангда
Топилдинг ўргулай деб.
Хавотир олдик тоза
Излашиб жоним сени.
Калхатми ёки мушук
Олиб кетдим уни.
Ё бировнинг боғига
Кирган бўлса янглишиб,
Тузоққа илинтириб,
Одиларми ушлашиб.
Ўша куни орқангдан
Эй, қидирди дўстларинг.
Ҳеч қулоққа олмапсан
Уларнинг ҳам сўзларин.
Мен ўзим хўп қидирдим,
Тополмадим ҳеч ердан.
Ажриққа ағанадим
Кўп уялдим элимдан.
Кўпчиликнинг боласи
Қанот остида юрса,

Наҳотки, менинг болам
Гап уқмас ўжар бўлса.
Хайрият бор экансан,
Энди кўпдан айрилма.
Кўзингни оч, оппогим,
Ўзинг билармон бўлма.
«Бўлиганини бўри ер»
Мақолини унутма!
Зинҳор-зинҳор ҳушёр бўл,
Ўзингни катта тутма!
Чумчуқча деди энди:
— Айрилмайман сизлардан
Таъзимимни хўп едим.
Жоним огриб кетяпти,
Куйган жойларим яна
Ачишиб тиртишяпти.
Она дер: — Шундай экан
Ўтган кунинг унутма!
Энди адашма, болам,
Кўпнинг юзидан ўтма!
Кўпчиликдан тасаддуқ
Чиқармади ёдидан.
Биэга ҳам бир ин солди,
Қолдирмади қатордан.
(Янги инга бошлайди,
Чумчуқчасин етаклаб).
Бир ўзинг қурганингда
Улгуармидинг эплаб?
Кўпчиликка раҳмат айт
Улардан сўра узр.
Ўғлим, билсанг кўп билан
Кўряпмиз роҳат, ҳузур
Эртасиёқ чумчуқча
Дўстлардан узр сўрар.
Шундан бери тўпидан
Айрилмас, бирга юрар...





АНҶО ҚУШМАС, АНҶОР ҚУШ

Менинг бола чоғимда,
Кўзи ола чоғимда,
Олам сўлу соғимда —
Ечилмаган бир жумбоқ,
Очилмаган тугун тоғ.
Назаримда кўк осмон
Гулсафсар гунчасимон.
Мени ечгин дегандек,
Гунчам очгин дегандек,
Кўнглимда минг бир сўроқ
Барин ечолмай мен доғ.
Эртакчи ой бувимга,
Сўзлари мой бувимга,
Юзлари ой бувимга,
Хил-хил савол берардим,
Жавоб гулин терардим.
Дердилар Ойхон бувим,
Сўз бўйи райқон бувим,
Эртакка чаққон бувим,
Ҳаммага ёққан бувим.


— Эй, тайлогим, болажон,
Хаёлинг олам жаҳон.
Мен сенга десам ўнг сўз
Сенинг саволинг сўнгсиз,
Осмон томи устунсиз,
Дунёнинг таги тубсиз.
Тоғ-тошин саноғи йўқ,
Кўл, денгиз қопқоғи йўқ.
Нима олам тиргаги,
Битмас олам эртаги.
Ҳаммасин билиш керак,
Билмоққа ўқиш керак.
Ўқишни уқиш керак,
Ўқишинг юқиш керак,
Доно ақл-ҳуш керак,
Деб эртак бошлардилар,
Кўнглимиз хушлардилар.
Кўнглимиз ушлардилар.
Уша эртакдан бири,
Эртакларнинг ҳузури,
Эртакнинг қизиқ зўри
Бор экан бир анқо қуш
Анқо қушмас анқор қуш,
Анқор қуш бу танқо қуш,
Хизмати бебаҳо қуш.
Бўлган экан биз ёқда
Уяси бобо тоғда
Офтобдай меҳрибон қуш,
Жондорга меҳрикон қуш.
Вафоли, паҳлавон қуш,
Қанотлари зар-кумуш.
Тумшуғи нилу зумрад,
Оққуш чиройли сумбат.
Тоғ-қоя қўналғаси,
Дарё манзил хонаси,
Дашту саҳро онаси,
Оби ҳаёт фидоси,
Ҳақиқатнинг нидоси.
Дарё сувин севаркан,
Дарёни симираркан.
Сув билан аралашиб,
Балиқчалар илашиб,

Қаноти йилтиллашиб,
Утаркан қуш ичига
Жигилдони мешига.
Жигилдони булут қоп,
Булут қоши зўр мешкоп.
Сув тўлатиб мешкопга,
Жигилдони иш қопга,
Узи ўхшаб мешкопга,
Парвоз этиб учаркан,
Кенг осмонни қучаркан.
Сахрога шошар экан,
Фалақдан ошар экан.
Осмонни чир айланар,
Қўнмоқ учун шайланар.
Чирқиллаб қолар экан,
Дашт чўлга қўнар экан.
Саратон иссиғида,
Куннинг оташ тигида,
Олов чўғ яллиғида
Чўллаган жон-жондорлар,
Кийик, олқор, жайронлар,
Қанчалаб ташналарни,
Жон-жондор ошналарни
Мешқопи суви билан,
Ишқопи суви билан
Севиб меҳмон этаркан,
Узин мезбон тутаркан.
Жигилдондан кўл очиб,
Кўл сувини мўл очиб,
Жон-жондорга улашар,
Жониворлар қувнашар.
Анҳор патин ялашар,
Меҳри қониб яйрашар.
Шунда анҳор қуш тошиб,
Жигилдонин кенг очиб
Сувдан қолган-қутганин,
Жигилдонга ўтганин
Барин баҳам кўраркан,
Баб-баровар бўларкан.
Жон-жондорга улашар,
Жониворлар қувнашар.
Уйнашар чувиллашар,

Улкан базм қуришар,
Қўплар ўйинга тушар.
Меҳрга меҳр қўшар.
Қушга раҳмат айтишар,
Шу алфозда ёз бўйи
Ташна қондирмоқ ўйи,
Танда қўйиб дарёга
Куну тун биёбонга
Сув ташиб ўтар умри,
Қушларнинг полвон зўри,
Муни билмасдан бир хил,
Ўзи анқов, лақма гўл
Анҳор қушни анқо дер,
Анқо эмас, анқов дер.
Бўлмаса бу танҳо қуш,
Хиамати бебаҳо қуш,
Дарёни ютсам деркан,
Сахрога элтсам деркан.
Қаранг, бир қуш ҳиммати,
Олижаноб хизмати,
Қанчалик зўр ҳикмати,
Меҳр, қадр қиммати.
Афсус бир хил одам бор,
Нафси аждар юҳо-гор.
Ўзи тўяр бир нонга,
Кўзи тўймас минг конга.
Муни эл дер: бало нафс,
Мунча бўлмаса нокас?
Сақласин бай-бай ундан,
Гар бўлса одам ундай
Анҳор қушни эсласин,
Танҳо қушни эсласин —
Деб бувим эртақларин,
Эртақмас, тилақларин
Тугатган чоғда мен ҳам
Бу қушга жон-дилимдан —
Ҳавасим келиб қолган,
Эртақ кўнглимни олган.
Сахий қушни ахтардим,
Ич-ичимдан алқардим.
Э, изладим, топмадим,
Излашдан ҳеч толмадим.

Топмасам ҳам топгандай,
Топган гаштин тотгандай,
Кўрмасам ҳам кўргандай,
Гўё бирга бўлгандай,
Бирга-бирга тургандай.
Бувим айтган ўша қуш,
Қуш асили қўша қуш,
Эл қалбида яшар хуш,
Эртакдаги пок оққуш,
Минг дарёдан кечган қуш,
Сирдарёдан ичган қуш,
Минг йил умр кўрган қуш,
Мана чиздим суратин,
Мисли оққуш сумбатин.
Ўша бувим суҳбатин
Оқ қоғозга кўчирдим,
Сўз анҳорин ўчирдим.
Сўзим бўлгин анҳор қуш,
Шеържоним анҳор жўш.
Халқ ишига ҳиссанг қўш,
Эртакдаги бўл оққуш.
Анҳор қушдай бўл пок қуш,
Э, илҳомим қайна, жўш.

18. VII. 1968 йил.



ПИ-ПИВОЙ ВА ЧИ-ЧИВОЙ

Бор экан бир Пи-пивоЙ,
Бор экан бир Чи-ЧивоЙ.
Пи-пивоЙ деркан «пи-пи»,
Чи-чивоЙ деркан «чи-чи».
Кунлардан бир кун булар
Пи-пи, Чи-чи сўз қилар.
Дептилар: — Энди бундай,
Елғиз битта ерда юрмаЙ,
Ҳамма ерни кўрамыз,
Ҳамма ерда бўламыз.
Осмонга ҳам чиқамиз
Космосда ҳам учамиз.
Чор уфқни қучамиз,
Бор бўлсин тўрт мучамиз, —
Деб иккиси отланиб,
Шайланиб, қанотланиб,
Энг баланд тоққа чиқиб,
Кўзларин кўкка тикиб
Жажжи самолёт бўлиб
Юраклар завққа тўлиб,
Адл парвоз қилишар,
Дадил парвоз қилишар...
Баланд бормаЙ тушдилар,
Она ерни қучдилар.
Урдак хола, товуқ хола

Кўришиб кўзлар ола.
Қа-қалашиб, ғоқ-ғоқлашиб
Сўроқ истоқ қилишиб
Орзуларин билишиб,
Илк назарга илишиб
Дейишибди: — Тингланг, сиз
Ўзингизни англанг, сиз.
Илм-ҳунар тўплангиз
Олам илмин ҳўплангиз.
Сиз ҳали чақалоқсиз
Билимсизсиз, қолоқсиз,
Ожиз қанот парингиз,
Оёғу думларингиз
Ҳали эмасдир егук,
Ўсишиб, бўлинг тетик.
Оқ қушлардан ўзарсиз
Олам бўйлаб кезарсиз.
Ҳумой қушдек бўласиз
Ҳар нимани сезасиз.
Вунинг учун бир талай,
Машқ қилинглар, айланай,
Дейишса ҳам тингламай,
Сўз маъносин англамай,
Паналаб биқинишиб,
Ўз билганин қилишиб,
Бирдан жўнаб қолишар,
Зол ариққа боришар,
Бол ариққа боришар.
Қирғоқда дам олишар,
Алҳор сувин кўришар,
Кўриб диллар қизишар.
Сайр этишар қирғоқда,
Сувга боқишган чоғда
Кўришди яна ўртоқ,
Ўзлари каби қувноқ.
Юраклари шўх қайноқ,
Саломлашар қўш ўртоқ,
Сувга шўнғишиб шу чоқ
Чи-чивой чўкар шу чоқ.
Чи-чивойим бемажол,
Қучгандек бевақт ажал,
Тўлқинда ғарқ бўлувди,

Улгандек тахт бўлувди,
Сал бўлмаса чўкувди,
Зол ариқда бўкувди.
Пи-пивоӣ дўсти кўрди,
Ёрдамга ўзин урди,
Қутқариб олди қучиб
Чи-чига жони ачиб.
Қирғоққа тез чиқарди,
Фалокатдан қутқарди.
Чи-чини рангги ўчди.
Оғзидан сув мўлдирад,
Пари ивиб дилдирад.
Чийлашга келмас ҳоли
Марра, манзил қайда ҳали?
Кунчивоқда бир оз ётди,
Қанот парин ҳўли қотди.
Чи-чилаб эси кирди,
Урдидан секин турди.
Сувга тушмайман деди,
Бундай қилмайман энди.
Ҳовлиқишлар босилди,
Икков уйга шошилди.
Келган йўллари қайда,
Катта йўл қайси жойда
Йўл адашиб қолишди,
Юра-юра толишди.
Энди қайга бордилар?
Уйга ботиб қолдилар.
Пи-пивоӣ «пи-пи» лади,
Чи-чивоӣ «чи-чи» лади.
Эшитмади Урдак хола,
Эшитмади Товуқ она.
Эшитмади Урдак ота,
Эшитмади Хўроз ота.
Чи-чи, Пи-пи изғишар,
Пи-пилашар, йиғлашар.
Қоринлари очиб кегди,
Хаёллари қочиб кетди.
Булар қайда, уй қайда,
Ораси қанча жой-да!
Худди шу он мов мушуқ,
Паррандага ёв шумшук

Пи-пи Чи-чини кўрди,
Бало-қазо югурди.
Сағал қолди ейишга,
Пи-пи, Чи-чи ўлишга.
Келиб қолди Деҳқонбой
Мов мушукка деди «ҳой»!
Уриб қувди кесаклаб,
Мов мушук қочди сакраб.
Дарров Деҳқонбой ака,
Чи-чи, Пи-пини якка
Қолдирмай олиб кетди,
Қопига солиб кетди.
Энди тингланг бу ёгин
Ота-она ғам доғин.
Излашибди Пи-пини,
Излашибди Чи-чини.
Топишолмас ҳеч қайдан,
Садо чиқмас ҳеч жойдан.
Чақиришар қоқ-қоқлаб
Чақиришар ғоқ-ғоқлаб.
Чи-чи, Пи-пини йўқлаб.
Онаси-ю, дадаси,
Опа, ака, ҳаммаси
Ҳеч қайдан топишмади,
Излашди, толишмади.
Балки излашар қануз
Кўришолмай юзу кўз.
Келишолмай юзма-юз.
Мангу доғда қолдилар,
Мақол бўлиб қолдилар:
Қўй келади қўзи билан,
Бир-бирининг изи билан
Ўгил-қиз бахт топади,
Ота-она сўзи билан,
Ота-она кўзи билан.
Ота-она изи билан.
Бўлган экан Пи-пивой,
Бўлган экан Чи-чивой.
Пи-пивой деркан «пи-пи»,
Чи-чивой деркан «чи-чи».
Бу эртақ мағзин ечинг
Маъно шарбатин ичинг!..



ҚҰНҒИЗОЙ БИЛАН СИЧҚОНБОЙ

Бор эканда, йўқ экан,
Оч эканда, тўқ экан.
Яқин ўтган замонда,
Қўрғонтепа томонда
Қўнғизой қиз бор экан,
Ҳуснда барно экан,
Ой каби танҳо экан.
Содда феълли қувноқ қиз
Кўнгли очиқ ўйноқ қиз,
Сочлари сунбул экан.
Қўшиқда булбул экан.
Серғайрат меҳнатсевар,
Одобли, эпчил, чевар.
Севаркан уни ҳамма
Элу юрт, хола, амма,
Ҳатто, митти капалак
Қўнғиз деса пирпирак.
Гирра-гирра келаркан,
Учиб қўниб еларкан.
Тирмизак чигиртка ҳам
Уйқусин бериб барҳам,
Юрар экан зириллаб,
Дала-даштда чириллаб.

Айниқса кирпитикон,
Термилиб кўзи ҳар ён;
Ҳар кун совчи юборар,
Кўнгли тинмай беқарор.
Ҳаттоки, тошбақа ҳам
Оёқ қўллари илдам.
Қирдан келар ўрмалаб,
Адирларда думалаб.
Ҳаммасидан ҳам ўтар —
Айёр сичқон йўл тутар:
(Хотини бор уйида)
Қўнғизойнинг куйида
Боши қотиб келаркан,
Қўнғизой деб ўларкан.
Баҳона топиб тездан
Умидвор бўлиб қиздан,
Хотинини қўйибди,
«Бўйдоқ» бўлиб юрибди.
Қўнғизга қўйиб совчи,
Мақтанарди ёлгончи.
Эмиш қирлар, далалар,
Унган ҳосил доналар;
Олма, ўрикли боғлар,
Яйлов, сой, қиру тоғлар
Сичқонбойга қарармиш;
Мол давлати қаланмиш.
Қайга солса қўлини —
Олар эмиш гулини.
Эмиш: омбор мудир —
Мудирларнинг кузири.
Текин пул оширибди,
Пул уни шоширибди,
Билмас босар-тусарин,
Сигдиролмай мол-зарин
Ҳамёни кенг очармиш:
Ҳазондек пул сочармиш.
Қурармиш тилладан уй,
Қилармиш шоҳона тўй,
Айтгани-айтган экан
Дегани-деган экан.
Қўнғизойни отасин,
Ширин сухан онасин,

Гапга солиб кўрибди ;
Пайров олиб кўрибди.
Қўнғиз ака не деса,
Қанча қалин бер деса,
Сўзин дурга битармиш ;
Жонин «қурбон» этармиш.
Отаси ҳайрон бўпти,
Онаси бийрон бўпти.
«Иўқ» дебди Қўнғизойим,
Жавоб бериб мулойим ;
«Тенгимиз эмас сичқон,
Чигиртка, кирпитикон.
Тошбақа боққол судхўр—
Улар олғир текинхўр.
Этак ўзиб енг бўлмас,
Сичқон бизга тенг бўлмас.
Олғир удуми қурсин,
Бир қарич думи қурсин».
Совчиларни ҳайдабди,
Бақам бўлиб айнабди.
Сичқон сира қўймабди.
Каламуш даллол бўпти.
Иўл тўсишиб бир куни
Қўнғиз акани туни ;
Тутиб олиб боғлашиб,
Ўлдирмоққа чоғлашиб,
Олти оёғини ҳам,
Қўлда таёғини ҳам,
Ғаламисдай аврабди,
Сўйлоқ тишин қайрабди.
Қўнғиздан сўз олипти,
Ҳар мақомга солипти.
Дебди найрангбоз сичқон :
«Қизингни берсанг шу он
Қутқазаман ўлимдан,
Кўп иш келар қўлимдан».
Бош букиб қўнғизгина,
Милтироқ юлдузгина
Сичқонга алданибди,
Бошлари бойланибди.
Жавоб бериб совчига
Дучор бўпти овчига.

Олим-солим бўлипти,
Шундай қалин бўлипти:
Тўйни «катта» кесмишлар,
Ғалла-гулла бермишлар,
Қозонда ланж бўтқа ош,
Қолган сарқиту қирмоч.
Дон деб ёрма берибди,
Тегирмондан терибди.
Қўйи чигиртка тоқи
Ҳолваси шафтоли қоқи
Меваси пучқоқ ёнғоқ,
Патири кемтик япроқ.
Кўча чанг-чунг тўй борар,
Сичқон кўнгли беқарор.
Тунда базм берибди,
Куёв кўкрак керибди.
Тўй-томоша қилишиб,
Текинхўрлар келишиб,
Бири пазанда бўпти,
Бири созанда бўпти;
Ола қарға қарнайчи,
Қовоқари сурнайчи,
Бақалар ногорачи,
Гўнг пашша ҳофиз куйчи.
Бешиктерват ўйинчи,
Чигиртка чертар гижжак,
Сичқон олифта луччак.
Чирилдоқ шоввоз найчи,
Ўйин тушар ниначи.
Ўргимчак дор қурибди,
Қўнғизой оҳ урибди.
Каламуш домла бўлиб,
Оқ саллани дол қўйиб,
Қиз томонга йўл олар,
Ўйин-кулги, яллалар.
Қиз уйига келишиб,
Қуюқ-суюқ қилишиб,
Никоҳ ҳам ўқилибди;
Қиздан сўроқ бўлибди,
Қўнғизойни зўрлашиб,
«Ҳа» дегин деб хўрлашиб,
Янгаси «ҳа» дер бирдан.

Қўнғизой қиз тилидан
Карнай-сурнай чалишар,
Аста йўлни олишар,
Сичқонлар ўйин солар,
Қўнғизой йиғлаб қолар.
Катта гулхан ловуллар,
Чилдирмалар довуллар
Атрофида сичқонлар
Сакра бодам ўйнарлар.
Базм авж олибди,
Келин келиб қолибди.
«Араванинг изидан,
Сичқон қочди ёр-ёр.
Синалмаган жойларга
Синглим тушди ёр-ёр.
Токчадаги қайчини
Занг босмасин ёр-ёр.
Янги тушган келинни
Ғам босмасин ёр-ёр».
Шунда йўлак томондан,
Қўшни бўлак томондан,
Йиғлаган уввос кебди,
Чириллаб чуввос кебди...
Беркилмаган эшикдан
Кўмилмаган тешикдан;
Чиқибди сичқон бекач,
Кавак уйда қон бекач.
Сичқонбойнинг хотини —
Бир вақт севган отини.
Яъни жуфти йўлдоши
Қўнғизойнинг кундоши.
Ортида сичқончалар,
Тириклай етимчалар,
Тизилишиб кетма-кет,
Пасту баланд гала эт.
Чийиллаб дадалашиб,
Онасин таталашиб,
Бўпти тоза тўполон.
Сичқон дер: — Ҳой, сен юмрон!
«Тинчитаман» деб эдинг,
Ботмон ғалла еб эдинг.
Чириллаб каламушлар,

Бикачни дарров ушлар.
Бири муштар бошига,
Йўлатмай тўй қошига
Қайришиб йўлидан,
Юмрон тортиб қўлидан,
Суришар кавак инга —
Жойлашар чуқур ўрга.
Гўдақларин ҳам тутиб,
Конфет бериб овутиб,
Кўплар газаби қайнар,
Қўнғизойим ҳам айнар:
«Вой сичқон иши қурсин,
Бигиздай тиши қурсин!
Бундақаси ҳам борми?
Қизим кундошга зорми?!
Не қибди ойдек хотин
Сичқонваччасин айтинг,
Аврабди золим бизни,
Боғлабди кўзимизни,
Вой мени шўрим қурсин,
Сичқон оти қирилсин, —
Укириб йиғлар, ҳўнг-ҳўнг
Сичқонбой раҳмсиз тўнг.
Дўқ уришиб босади,
Гўшаигани осади.
Чимилдиқни тез қуриб,
Сичқон томоғи қуриб,
Кирибди чимилдиққа
Уй тўла одам лиққа.
Бўлибди тортишмачоқ
Баъзилар бурни пачоқ,
Ииртилиб атлас кўйлак,
Эзилиб юмшоқ биллак.
Сичқон томон зўр чиқиб,
Хотин-халажни йиқиб,
Қичқоришиб ҳаммаси
Янга, хола, аммаси;
Яраш-яраш этибди,
Қизни олиб кетибди.
Сўнгра тортиб моҳора,
Тўққиз-тўққиз тоғора,
Ҳасан уриб кўпларни
Қусар бир хил бўккани.
Бирдан куёв сичқонбой

Заҳрини сочиб вой-вой
Қочибди гўшангадан
Хафа бўлиб янгадан.
Кулишиб ҳамма ҳайрон
Қудалар кўнгли вайрон.
Баъзилар юз юлишган,
Баъзилар лаб буришган.
Қўнғизойим «ўлай» дер,
«Ҳой, садағанг бўлай дер.
Вой тагин нима бало,
Қизимни бахти қора».
Қўнғиз кўнғилсиз бўпти,
Юмма талаб юлипти.
Чирт юмиб митти кўзин,
Уриб чироққа ўзин
Қаноти куйиб қопти,
Янгаси ушлаб опти.
Эл оғзида дув-дув гап:
«Куёв билан келин чап»
Ажаб бўпти, хўп бўпти,
Хотин-халаж тўп бўпти.
Уйларига қайтарди,
Баъзилари айтарди:
«Сичқон ўлсин хотинбоз,
Ҳали бунга бу ҳам оз.
«Бошим кал, кўнғлим нозик»
Қаерда кўрсанг лик-лик.
Кўрганни йўлдан уриб,
Мўйловин шопдай буриб,
Арази нима эди?
Қўнғизой тенгимиди?
Қанча хотинни қўйди,
Кўпларни кўзин ўйди.
Қўнғизойнинг шўридир,
Сичқон ўлсин бўридир».
Қўнғизой эди малай —
Сичқонбой хўрлаб талай
Ичиб келади кунда;
Баъзида ярим тунда
Қилиб жанжал, машмаша:
«Эркак хотинга пошшо».
Деб уради юлқилаб,

Ипак сочидан бураб.
Этармишсан ашула —
Қўлимга тушдинг, ўла!
Юрибсан чумчуқ билан,
Қаншари пучуқ билан.
Менга айтди чигиртка,
Ендирмай тагин ўтга.
Бўш қолсак ёпкин тезак.
Ярашмас сенга безак.
Кўзинг очиб қадам бос,
Биламан сен кимга тос.
Капалак ниначилар,
Қўшиқчи ўйинчилар,
Кўча-кўйни кўрмайди,
Бир силкиниб юрмайди.
Қозон-товоқ, уй иши,
Эзилиб ёзу қиши;
Косов эди қўллари,
Супурги сумбуллари.
Тўрт девор орасида,
Тенгсизлик балосида
Дарднинг устига чипқон —
Қайнанаси шум чиён.
Ураркан сўз нишини,
Сирқиратиб тишини.
Олғир кундошваччалар,
Ўғри сичқонваччалар
Кўзини дам очирмас,
Ҳаттоки чой ичирмас.
Ковлаб уйин турмини
Тешиб қоп, сандиғини
Кўйлагин қирқиб кетар.
Тутгани юлиб кетар.
Ниҳоят жондан тўяр
Ўтсиз, ўчоқсиз куяр.
Бир кун қочар боғ ошиб,
Қир, дала, тоғлар ошиб;
Ўйига йиғлаб борар,
Юрагин тиғлаб борар.
Қарши олар онаси,
Қўни-қўшни ҳаммаси.
Изидан қувлаб сичқон

Қилар говға, тўполон:
«Топиб бер қани қизинг,
Сўз уқмас қаттиқ кўзинг
Олиб қочди бўқчамни,
Қанча бисот, ақчамни.
Этагимни тўлдирсин,
Зиён ҳаржим бўлдирсин.
Бўлмаса ҳеч қўймайман,
Қонин ичмай тўймайман».
Онаси алдаб-сулдаб,
Юпатиб ширин сўзлаб;
Кучи етиб қизига,
Қайтаради изига.
Яна кавак уй сиқиқ,
Қўнғизой юраги зиқ.
Ўртоқлари эшитиб
Келишар шу кун етиб.
Капалак, ниначилар,
Юм-юм йиғлаб ачинар,
Дейди, капалак куйиб:
«Нима жонингдан тўйиб,
Қўрқма сичқон дўқидан;
Сўйлоқ тиши ўқидан.
Сен учун биз парвона
Эмасмиз-ку бегона.
Сичқонлар кўзини оч!
Дугона ўрмонга қоч!»
Қўнғизга маъқул тушди,
Капалак бўйнин қучди.
Юрар экан пайт пойлаб,
Қочмоққа ўзин шайлаб.
Сичқон маст келган куни,
Ойсиз қоронғи туни
Қочиб қолди физиллаб,
Қанот қоқиб, визиллаб.
Йўл юрди, кўп мўл юрди,
Ўрмонга бориб кирди.
Унда дарахтлар, гуллар,
Сайрар қушлар, булбуллар.
Сувлар шарқираб оққан,
Шамоли жонга ёққан.
Капалак, ниначилар

Кутиб олишди хурсанд,
Қўнғизга ёрдамчилар
Бўлишиб бир жон, бир тан.
Гулгунча очди қучоқ,
Бағридан берди қўноқ.
Барглар уни яширди,
Гулдан-гулга оширди.
Қучиб олди кенг ўрмон —
Гулхона яшил қўрғон.
Келолмади сичқонлар,
Бетлолмади юмронлар.
Ғириллаб кун, ой ўтди,
Шарқираб сув, сой ўтди.
Ўрмонда яйраб Қўнғиз,
Булбулдек сайраб Қўнғиз
Унут бўлди ўтмиши;
Гўзал ширин турмуши.
Очилди тутқун бахти,
Чаккасига гул тақди
Ўрмонда ҳамма севар,
Ишлар Қўнғизой чевар.
Гулчи қиз бўлди номин,
Хизматда кундуз-шоми.
Унинг улфати пари,
Севган ёри болари.
• Ёнидан кетолмайди,
Сўзини этолмайди.
Гулдураб дейди виз-виз,
Тополмайди бирор сўз.
Ёқтириб қолди уни,
Гул оралаб ҳар куни,
Қўнғизой билан бирга,
Меҳнатда ботиб терга,
Ишда синашар экан.
Бирга ишлашар экан.
Хўп юришиб, ўйлашиб,
Виз-виз куйин куйлашиб,
Бир-бирига ром бўлиб;
Айрилмас бир жон бўлиб,
На бир совчи, на даллол,
На қўю, на қалин мол.
На никоҳ, на гўшанга,

На бир ёнида янга
Вилишмай қовишибди,
Хоҳлашиб топишибди.
Буларга тўйбош юрак
Бири ой, бири кундек.
Оддий бир тўй қилишди,
Ўрмонликлар келишди.
Келишди жуфт-жуфт бўлиб:
Кетма-кет тўп-тўп бўлиб.
Саъва, булбул, тўрғайгача,
Қолмади читтаккача.
Бўлди ажойиб базм,
Ўйин, аския, ҳазил.
Қушлар сайрар оркестр,
Лайлак дирижёр мастер.
Капалаклар ўйинчи,
Танца тушар ниначи.
Айиқлар масхарабоз,
Маймунлар ўйнар дарбоз.
Боларилар хизматда
Қўнғизойим иззатда:
Устида зарбоб кўйлак,
Остида гилам ипак,
Ўйи — гулхона сарой,
Ўрмонзор нашъали жой.
Арча шийпон устида,
Ўлтирар гул курсида.
Ёнбошида арилар,
Учиб ёшу қарилар,
Парвонадир капалак,
Ниначилар пирпирак.
Югурдак чумолилар,
Тўй кутар ўрмонликлар.
Турли-туман олдида —
Бармоқлари мой болда,
Ранго-ранг нози-неъмат,
Ёзиб ташланган қат-қат.
Гул косада шарватлар,
Гул қиёмлар, гул қантлар.
Тўй борар қарс бада-банг,
Қизиб базм отар тонг.
Ҳамма ҳам дейди раҳмат.

Куёв, қизга тилаб бахт.
«Узукка кўз қўйгандек,
Тўй деса, тўй дегудек,
Мос тушган келин, куёв —
Қўша қарисин икков. —
Меҳнаткаш иккиси ҳам,
Қолишмас, тўкис, бекам.
Волари ёнда сават
Ўрмон оралар ҳар вақт.
Саватда йиғар гулчанг,
Меҳнатда қачон кўрсанг.
Гулларни гулга улаб
Халқ учун мева мўллаб,
Тайёрлайди мўм, асал —
Тотса соғаяр касал»,
Дейишиб эл-юрт хурсанд.
Орзу қилар ким кўрган.
Суришар даври-даврон,
Донғи тарқалиб ҳар ён.
Эшитибди шум сичқон.
Рашки келибди шу он.
Сўйлоқ тишини қайрар,
Қўнғизой изин пойлар.
«Ким бировга қазир чоҳ
Унга ўзи бўлар жо».
Халқ мақоли ҳақ бўлар,
Сичқон тезда йўқ бўлар,
Ўғирлик қилган экан,
Омборга кирган экан,
Ушлаб олибди мушук,
Улоқ бўлибди шумшук.
Ҳар ким экканин ўрар,
Ёмон ҳоли шу бўлар!



Эй, шеърим	3	Какку қуш нима учун	
Қанотли дўстлар	4	каккулайди?	55
Буни топинг болалар	6	Сутоқ қуш	56
Қушлар нега ерга бағ-		Қушлар қишда қайда	
рин суйкалар?	9	қўноқлар?	57
Саъва сайаркан	10	Тонгда	58
Булбул	11	Чумчуқ сайаркан	59
Булбул нима учун сай-		Чумчуқ	59
райди?	12	Чумчуқвой билан сада-	
Булбул билан майна		райҳон	60
қиссаси	14	Чумчуқдан гап эшит-	
Булбул билан лайлак-		мак уят эмасми?	61
вой	16	Зағизрон	63
Булбулжоним куйла-		Ола ҳакканинг қўрго-	
син	18	ни	66
Булбулча	20	Ҳаккавойнинг хом хаё-	
Мен кўрдим	21	ли	68
Ез — дам олишга соз	22	Ҳакка нега ҳадикси-	
Майна	24	рар?	71
Қалдирғоч	24	Ола ҳакка оғзидан ту-	
Қалдирғочлар чарчай-		гар эмиш	72
димиди, дада?	25	Борбон қуш	74
Тилини билсам эди	26	Шер билан дуррож	76
Күшим боши	28	Қумри қушча	78
Тумшуқ	29	Мусича нега уришадн?	
Борбон	30	Қарға нега бир чўқиб	
Читтак	31	тўққиз қарар?	82
Читтак нега читтак?	32	Каклик	84
Читтакчанинг хаёли	34	Шохдор қуш	85
Яна читтак қуш ҳақи-		Кўршапалак	86
да	35	Тун қуши	88
Лайлакнинг оёқ-тумшу-		Кизалоқ	90
ғи нега узун?	39	Саёҳатчи ёш ўғлон	92
Лайлак	40	Овчига	94
Лайлак нима учун тум-		Хўрозим	95
шуғини тақиллата-		Хўроз нега қичқира-	
ди?	41	ди?	96
Янги ном қўйдим	42	Товуқ нега қақиллай-	
Зарғалдоқ	45	ди?	97
Кизилиштон	46	Она товуқ бабақ хўроз	
Укки	47	ва қора калхат	98
Дорбоз қушни кўрган-		Мен дадамга ёрдамчи	
мисиа?	48	Чумчуқ нега ҳакачов-	
Карчигаъ	49	лаб юради?	102
Карчигаъ ин кўяркан	50	Болари	103
Каптарим дейди ғув-		Гул билан агалари	104
ғув	51	Капалак билан асал-	
Тўлқинжон билан тўр-		ари	105
гаъ	52		
Какку	54		

Ургимчак билан асал-ари	103	Учишни севган болага Нур кони қайда экам?	142
Эшак билан болари	109	Нур копток	146
Ота-болалар	112	Иссиқ-совуқ	148
Виз-виз-виз	114	Кун ва тун	149
Мақтанчоқ қўнғиз	115	Фаслларнинг меҳри эриб тошганда	151
Қўнғизой билан чиён газанда	117	Ҳарфлар ўйини	153
Ёрдамчилар	119	Кўринмас ёв	155
Олабўжи	120	Чанг билан жанг қиламиз	156
Чиройли деб ким ва нимага айтамыз	121	Солижон билан саволлар жанги	158
Чумоли билан сўзлашдим	122	Войқуш эмас ойқуш қақида	161
Чумоли билан нўхатвой Жажжи табиатшунос	125	Аҳмаджон билан асал-ари	164
Ипак қурти	126	Чивин уришқоқ ва шамол ботир	168
Ипак чархпалак	127	Тут дарахти ва ипак қуртининг туғилиши	172
Мен ҳам бўлай пиллачи	129	Вир ўзбошимча чумчуқ қақида	178
Ипак нимадан бўлади?	131	Анқо қушмас анҳор қуш	186
Ургимчак билан ипак қурти	133	Пи-пивой ва Чи-чивой	191
Тўйчивой билан томчивой	135	Қўнғизой билан Сич-қонбой	195
Камолвой билан Шамолвой	137		
Самолётим	140		
Матор кўйлак киямиз	141		

ИБ № 128

Урта ва катта ёшдаги болалар учун. На узбекском языке

К. МУХАММАДИ. КРЫЛАТЫЕ ДРУЗЬЯ

Издательство «Еш гвардия» Ташкент — 1977

Редактор Рауф Толипов, рассом А. Агапова, расмлар редактори Қ. Алиев, техн. редактор Л. Вуркина, корректор Ш. Шоумарова

Босмахонага берилди 25/1-1977 й. Босишга рухсат этилди 4/III-1977 й. Қоғоз № 1. Формати 60×84/16. Босма листи 13,0. Шартли босма листи 12,09. Нашр. листи 10,27. Тиражи 45 000.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30- уй, Шартнома № 167—76. Баҳоом 69 т.

ЎзССР Министрлар Совети Матбуот Давлат Комитетининг 2-босмахонаси. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44. 1977. Заказ № 71.

Ўз
М 96

Ўз 2

к 70803—14
356(06)—77 129—77